

А.К. АТАЕВ

ЁШ-ҮСМИРЛАРГА ЎЗБЕК  
КУРАШИНИ ЎРГАТИШ  
УСЛУБИЁТИ

ТОШКЕНТ – 2005

- АТАЕВ А. К.

**ЁШ-ЎСМИРЛАРГА  
ЎЗБЕК КУРАШИНИ  
ЎРГАТИШ УСЛУБИЁТИ**

ТОШКЕНТ – 2005

**Муаллиф:**

*Атаев А.А. – педагогика фанлари доктори, профессор.*

**Тақризчилар:**

*Маткаримов Р.М. – педагогика фанлари номзоди, доцент,  
Керимов Н.А. – педагогика фанлари номзоди, доцент.*

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Мажкамаси хузуридаги «Фан ва технологиялар маркази»нинг  
инновацион дастури доирасида яратилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт  
ишлиари вазирлиги қошидаги илмий-услубий кенгаш томонидан  
нашр этиш учун тавсия қилинган (2005 йил 14 октябрдаги 4-сон  
баёнишома).

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа  
бўлимни, 2005 й.

## МИЛЛИЙ КУРАШНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистонда спортнинг ўзига хос хусусиятларидан бири аниқ ифодаланган миллий характердаги спорт турлари, ағдариш күпкари, пойга, кураш халқ ўйинлари ва ҳоказоларнинг бирлигидир. Бу спорт турларининг ҳаммаси қадим замонларда пайдо булган тараққиётнинг ҳар бир тарихий босқичида турли ижтимоий возифани бажарган ва ўз шаклини ўзгартирган. Фикримизнинг далили сифатида келинг, ўтмишга бир назар ташлайлик.

Александ Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришилари даврида бу ерда жисмоний тарбия кенг ривожланган эди Ўрта Осиёда қадимги Юнонистондаги олимпияда ўйинларига ухшаш хилма-хил ўйинлар утказилган. Сүғдиёна ва Бақтрия солдатлари мавжуд бўлган даврлар мелоддан олдинги IV аср Ўрта Осиёда яшаган халқлар орасида эпчил акробат-дорбозлар жуда машхур бўлган. Эпчил, жисмоний жиҳатдан жуда чиниқкан дорбозлар, чегирикчи симбозлар Юнонистон, Византия ва эрон каби мамлакатларга бориб, узларининг ажойиб ва хатарли ўйинларини қизиқчи ва масхарабозларнинг ўткир сатира ва кулги ёилан сухорилган турли цирк саҳналари, ўқдек учадиган муаллакачилар ва киши ақли бовар қилмайдиган пахлавонларнинг ўйинлари, хуккачи ва ёғоч оёкларнинг жушқин рақслар ва от ўйинларни корфармонларнинг чуқур маъноли сузлари ва байтларини созандаларнинг бу ўйинларга мосланган машқларини кўз-кўз қилганлар. Қадим замонларда жамоа жисмоний тарбия соҳасида ўз даврлари зиммасига маълум мажбуриятлар юкланган. Ёш қиз ва йигитлар ҳаётда керак бўладиган эпчиллик, чидамлилик, чаққонлик, қатъийлик ва жасурлик каби қобилиятларга эга бўлишлари лозим эди.

Ўрта Осиёда илк феодализм даврида халқ ҳаракатлари кучайи кетганилиги сабабли бадавлат кишиларнинг ўсмир болалари қидимий спарталиларда бўлгани сингари, сокчилик хизматига ўргатилган эди. Сосонийлар давлатида уруш ва ҳарбий-жисмоний жиҳатдан тайёрлаш назарияси ишлаб

чики ѫди ва сарой аҳли учун ёзилган “Ойиннома” номли дидактик асарда баён қилинди.

“Ойиннома”да берилган маълумотларга кўра, сосонийлар даврида зодагонларнинг болалари б ёшгача ота-оналарининг уйида яшар, 7 ёшга етгандан кейин давлат тарбиясига ўтказилиб, ҳукмдорлар ихтиёрида бўлган маҳсус мактабларга жойлаштирилар ва 19 ёшга етгунга қадар ана шу мактабда таҳсил кўради. Ўз билими ва баҳодирлиги билан машҳур бўлган кишилар шу мактабларда мураббийлик вазифасини ўтар эдилар. Сосонийлар мактабларда болаларни жисмоний тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилар эди. Улар совуққа, очликка, чанқоқликка, оғриққа чидамли бўлиши, тез югуриши, узоққа сакраши, отта чаққон миниши, тез чопиши, камон ва ўқ-ёй отишда, қиличбозликда мўлжалли, тезгир бўлиши, қурашиш жанг усуllibарини яхши билиши талаб қилинар эди. Ов қилиш вақтида эса етук йигитларга табиий вазиятга мослашишни ўргатар эдилар, бунинг муҳимлигини уруш қилиш тутрисида “Ойиннома” да ёзилган қуйидаги қоидалардан билиш мумкин.

Бобурниг қизи Гулбаданбегимнинг ёзишича, хотин-қизлар ҳам шодлик кунларда мардона кийимлар кийганлар ва чавандозлик, тирондозлик каби ўйинларда фаол қатнашганлар. Тиласим тўйи муносабати билан тўй маросимига йиғилган бетимлар ҳақида тўхтаб, подшоҳнинг ўнг томонида зардузи кўрпачалардаутирган бетимларнинг исмларини муфассил ва бирма-бир санаб үтиб бўлар мардона кийимларни киядилар ва заҳгирирошлиқ, чавандозлик, тирондозлик каби ҳар хил хунарларга уста эдилар ва созлардан кўпчилигини чалар эдилар, деб ёзган эди Гулбаданбегим.

Машҳур тарихчи табарий Самарқанд ҳалқининг арабларга қарши олиб борган қаҳрамона қурашини шундай таърифлайди, араблар Самарқанд ҳалқи билан узоқ қурашгандан сўнг манжаник девор бузувчи ҳарбий бир асбоб билан шаҳар деворининг бир ерини бузадилар. Деворнинг бузилган ерида араблар шаҳарга кирмасин учун Сўғд қурашчиларидан бири деворининг бузилган жойига келиб, арабларга қарши ўқ уза

бошлайди. Мардларча курашаётган бу пахлавоннинг жасурлиги қутайбанинг ғазаб томирларини қўзғатди. Бу қаҳрамонни тириклиайн қўлга тушириш қийин бўлгани учун, уни отиб ўлдириш қасдига тушади. Шунинг учун мерган аскарларига Сиздан кимки шу одамни отиб ўлдирса, ўн минг дирхам бераман, деб ваъда қилади ва бу нарса катта қийин ижро қилинади. XШ асрнинг бошларида, мўгуллар Ўрта Осиё давлатларини ўзларига буйсиндирганлар. Улар обод ўлка шахарларини вайрон қилиб, кишиларни ўзларига кул қиладилар. Ўрта Осиёликлар бу кулфатларга оргик чидолмадилар, мўгулларга қарши қураш бошладилар. Машҳур сарбадорлар мўгулларга қарши мардонавор қураш олиб бордилар. Хологурлар хонадонидан бўлган мўгул саркардаларидан Тоғай сарбадорларининг раҳбари Ҳужа Яхёга қуролни ташлаб, таслим бўлишни талаб қилиб тубандаги шеърий мактубни юборган еди,

Гардан бинех жафоий замон-ро у сармакаш

Кори бузругро натовои дошт мустахар.

Симургвор чун натовон кард ҳасди Коф

Чун савва хурд боши фуру рез боли пар

Берун кун аз думоғ ҳаёли муходро

Мо дар сари сарағ нашавад сад ҳазор сар

Замонанинг жафосига бўйинг эг, бош тортма, улуғларнинг ишини кичиклар уddaрай олмайди. Семурғедек ўзингни катта фахмлаб қуҳикофга талпинма, саъвадек икчкина бўл ва қанот пагларингни тук. Оғир ҳаёлни думогингдан чиқар, йўқса бир сенинг бошинг устига юз мингларнинг боши қаланади.

Сувсиз таслим булиш ҳақидаги улъитиматумга Ҳужа Яхё куйидаги мазмунда шеърий жавоб мактубини йўллайди,

Чардоң чаро нихем жафои замонро

Рози чаро шавем ба ҳар кори муҳтасар

Семурғвор зери пар орем хушку тар

Ё бомурод бар сари гардун нихем пой.

Ё мардвор дар сари химмат кунем сар

Замонанинг жафосига нега бўйин эгайлик. Ҳар бир ишга нега розибулаверарэканмиз. Дарё ва тоғларни ошибутамиз

семурғек, хұл-қуруқ барчани қанотимиз остига оламиз. Ё муродға етиб, оламга устунлигимизни үрнатамиз, ё бұлмаса ҳиммат йұлда мардана бошимизни қуёи сламиз, янын дорға тутиб берамиз.

Халқ үз қисматига тушган барча синовларға бардош бериб мұстақиллік ва озодлик учун тинмай жанговар кураш олиб боради. Геродот ва бошқа қадимги юон мұаллифларының асаарларыда Окс, яны Амударә бүйіда яшөвчи халқлар ҳақида мәрқұл афсоналар көлтирилді. Окс дарёсінің бүйіданараб истилочиларының лашкарлари билан құшилиб, гарбий Европага етиб бориб марданавий жанглар қылған кишилар ҳақида ҳаттоқи француз халқының севимли асари, дунё маданияты қазинасининг ажайиб дурданаларидан бири Роланд ҳақида қүшиқ номли эпосда күйланади. Бу асаарының 238 тирадасыда гүзәл француз ерларыга испания орқали бостириб кирған. Араб халифалигининг күп миллатлы қүшинләри ичидә Оссиана ёки Аксмана, яны Окс дарёсі бүйідеги ұлка намлёндаларидан түзилған қүшни борлиги таъкидләніб, у қуийдагича таърифланади,

Бұлак қүшинләридан-чи унтасин түзді амир  
Унда даشتі бейбон Оксиана юртінің  
Худога ишонмаган лаънати қабиласи  
Бор эди ва уларның ҳар бирининг синаси  
Пұлатдан ҳам мустаҳкам, тощдан ҳам метин эди  
Уларга на дубулға, на совут эди даркор  
Уларның мардлігіга ғалаба ҳам эди ёр

Абу Али ибн Сино одам гавдасининг мутаносиблиги ва унның ҳаракати механикасини үрганади. У жисмоний тарбиянинде киши организмында ижобий таъсир күрсатылған назарий жиҳатдан исботлади ва уни құллаш үйларини ишлаб чиқди.

Ибн Сино бадан тарбияни иккиге булади. Бириңчи түри, бу одамнинг иш жараёнида қылайдын ҳаракатлары, иккінчіси әса маҳсус бадантарбия ҳаракатлары. Беш жылдан иборат “Ал қоңун”да киши танаси түзилишининг тавсифи касаллайлар этимологияяси соғлом ҳаёт кечириш ҳақида таълимом, касал-

ликларни табият кучлари ва дори-дармонлар билан даволашга доир курсатмалар берилади. Ибн Синонинг профилактикага доир курсатмалари ҳақидаги фикри алоҳида аҳамиятта эга. У одамларининг узоқ умр кўришлари ҳақида ғамхўрлик қилиб, уларга бутун ҳаёти давомида соғлом яшаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган режимни ўргатади. У ёш ва соғлом ҳолларга мос келадиган овқат танлаб истеъмол қилиш, меъёри билан овқатланиш ва суюқ нарслар истеъмол қилиш, турар жой ва танани тоза тутиш, шунингдек жисмоний машқларни қилиш узоқ умр кўриш воситалари деб ҳисоблайди. Ибн сино турли машқлар орасида меъёри билан узоқ ва тез кўриш, кураш гушиш ва от минишни алоҳида таъкидлар эди. Ибн Синонинг фикрича, машқлардан кўзда тутиладиган асосий мақсад қон айланишини нафас олишни ва организмдаги моддалар алмашинувини яхшилашдан иборатdir. У жисмоний машқлар билан эрkin ва зўриқмасдан шугулланишни, бунда организмлар фаолиятида пайдо бўлган доиланиш нафас олишни тезлаштирмаслиги ва юрак фаолиятининг кескин равищда кетмаслигига эришишни тавсия қиласи. Уша вақтларда ибн Сино жисмоний машқлар қўллаш услубиятига доир етгарлича тўғри курсатмалар бера олган эди. Жисмоний тарбиянинг миқдорини белгилашга жиддий эътибор билан қарашибозим. Жисмоний тарбия органларнинг турли ҳолатларига қараб, турлича бўлади. Агар органлар жуда мўтадил бўлса, улар учун мўтадил бадан мувофиқ келади. Кучсиз органларни қувватли қиммоқ ва зарур бўлса, уша органга мувофиқ келадиган ва мақсадга лойиқ бўлган жисмоний тарбия тайинланади. Ибн Синонинг жисмоний тарбия масалалари ҳақидаги чукур илмий фикларини асрлар оша тарбиячилар учун дастуриламал бўлди. Барча мамлакатларнинг халқлари ўртасида жисмоний машқлар, айникса акробатика катта шуҳрат қозонган эди.

Жисмоний тарбиянинг энг мураккаб машқларидан бўлган югуришда ғоятда чидамли булиш ӯзбек югурувчилари учун характерли бўлган. Бунинг эркин мисоли шуки, қадим

замонларда чет элликлар билан бўлган қаттиқ жанглардан кейин тез югурувчи жангчи ғалаба хабарини жанг майдонидан ўз эллатларига тез югуриб етказар эди. Бундан ташқари қадим замонларда жанг бошланишидан хабар топган тез юрар разветкачи ўз хонини хабардор қилишда марафон югуришдан фойдаланиб шаҳар ва водийларни босиб ўтар эди. Шулардан абу Муслимнинг Бодиёлдан самарқандий исмли хизматкори айниқса марафон югуришида машҳур бўлган. Абу Хафс Насафийнинг айтишича, абу Муслим ўлдиргандан кейин Бодиёлдан унинг жасадини душманларнинг қўлига туширмаслик учун Боғоддан Самарқандгача фақат туиларда марафон югуриб олиб келишга муваффақ бўлган.

Сакраш машқларидан узунликка сакраш кўпроқ қўллашилган. Хандаклардан отлар устидан ва бошқа тўсиқликлардан сакраш катта амалий аҳамиятга эга эди. Мусобақаларда купинчва қулга қилич ушилаб сакраш кент ёйилган эди. Сувдву сузиш машқлари ҳам қар бир Ўрта Осиёлик жангчи учун мажбурий эди. Бу “Ойиннома”, “Сиёсанома” асарларида қайд қилиб ўтилган. Бобур ҳам бобурнома асарида ўзининг моҳир сузуви бўлганлигини шундай эслайди, уша куни мен Ганг даёсини сузуб ўтдим ва унинг у чеккасидан неча қадам эканлигини ҳисоблаб чиқдим. 30 қадам масофа сузуб борган эканман. Шу ондаёқ яна кетимга сузуб ўз жойимга қайтиб келдим. Мен ҳамма дарёларни сузуб ўтган эдим, фақат Ганг дарёси қолган эди.

Саҳон ўйини шу қадар оммабоп ва машҳур бўлганки, бу ўйинга оддий чавандоз-навкарларгина эмас, балки лашкарбосилар, шохлар ҳам фаол қатнашганилар. “ғолибларга соврин сифатида тангтук ипак кийимлик” берилган. Шарқнинг машҳур шоирлари чавғон ўйинидан қаттиқ таъсирланганлар ва илҳомланганлар. Улар шавғон ўйинига бағишлиб ғазал ва нафис байтлар битганлар.

Сенга жавлон қилиб, маидонда чавғон ўйнамоқ  
Манга олдинга бошимни гуй этиб, жон ўйнамоқ

Бош овчулаб энг мақомат бирла қолмон рахшидин  
То ишлар гобуксурин күнгили чавғон үйнамоқ  
Күз қорасин үйнатур ҳар лаҳза ул мардумки қўр  
Ҳиндуийдеким зарур ойини қалқон үйнамоқ  
Үйнай-үйнай алдадинг куфр ила динимни бадал  
Оллоҳ-оллоҳ булмудур, эй номусулмон үйнамоқ  
Жавр тошин ўп нари үйнаб отай дер элсари  
Воҳки бу девонага етган не имкон үйнамоқ  
Ҳар сари ишқим югурмоқ не ажабким, айб эмас  
Тайри уйдин чикқоч-ӯқ ёйиларгаҳар ён үйнамоқ  
Чарх уюн бирла олур дин наҳдин элдин, вокир ул,  
Бу мушаъоид бирла бўлмас аҳли ирфон үйнамоқ  
Ваъда кўп қилдинг Навоийга ва лекин үйнабон,  
Мунча бўлғай эл била, эй аҳди ёлғон үйнамоқ

“Бобурнома”да ҳам чавғон үйини ҳақида мароқли тавсилотлар берилган. Спортнинг энг оғир ва хатарли турларидан бўлган альпинизм ҳам Ўрта сиёликларга қадимдан маълум. Кишидан умумий ва маҳсус жисмоний тайергарликни талаб қилувчи альпинизмнг кўп формалари Ўрта Осиёда шаклланнган. Жумладан Ўрта Осиёнинг, Ҳиндистоннинг, Афғонистоннинг, қуллаб паст-баланд тоғларидан ошиб ўтган, тезоқар ва шўх дарёларидан ўз армиясини олиб ўтган Бобурнинг мохир ва машҳур альпинист бўлганлиги ҳақида унинг “Бобурнома” асаридаги маълумотлар далолат беради. Бобур ва унинг аскарлари қобулга бориш учун яқин йўл танламоқчи бўлиб, қосимбек деган одамнинг гапи билан Ҳиндикуш тоғлари орқали юрадилар. Аммо улар йўлдан адашиб ва кўп қийинчиликларга учраб, Ҳиндикуш орқали Кутгий деган ғорга етиб келишади. Ҳамма, шу жумладан Бобур ҳам, қўлига курак олиб, ӯзига бошпана-ғор қазишга киришади. “қўлимга курак олиб, қор ӯзимга бир жойнамоз миқдори ер ясадим, қорни кўксимгача қазидим, ҳануз ерга етмайдур эми. Харна елга паноҳ бўлди, ўша ғорда улдимдир, йигитларим, катта ғорга келинг, деб ҳар неча дедиларким, бормадим. Кўнгулга келди барча

кишиларим қорда ва буронда қолса-ю, мен иссиқ уйда ва истироҳатда ётаманими, далада одамлар ташвиш ва мاشаққатда көрсалар-у, мен каттағор ичида уйқу билан форогатда ётаманими. Бу жомардлик бүларди, бу ҳамжиҳатликтан йироқ ишдир. Мен ҳар ташвиш ва мاشаққат бүлса, күрайин, ҳар нечук әл тоқат қилиб турса турайин, бир форси мақоли бор, марғ боёрон сурәт дүстлар билан бирга ўлсанг-түйдир. Ұшандок буронда узим қазиб ясаган қор чуқурда ўлтиридим.

Қадимий сүғдиёна маркази бүлган Самарқандда шаврұз байрамиҳар доим халқ гомошалари билан үтарди. Буларда халқ, санъат вакиллари, баҳшилар, хонаңдалар, ҳофизлар, дорбозлар, раққослар үз санъатини намоён қилишарди. Бу байрамларда халқ дорбозларининг чиқиши ва, айникса, нойтани зүр қизиқиши билан томошта қиласынды. Лекин ҳар бир байрам ўзбекча миллий курашсиз ўтмас эди. Байрамларда у обрули жойда ўтирап ва кураш тушишни истаган ҳар кишини беллашувга чакирап эди. Одатта талабгорлар күп бүлар эди. Баъзи вактларда асосий полвон ва кучига күра унга муносиб рақиблар ўртасидаги кураш хатто бир неча кун давом этар эди. Курашда үз рақибини енгтан полвон келгуси йил голиби ҳисобланар эди. "Майдондаги бир киши ҳам жангчи" дейишади. Бу афоризмни тушуниш учун тарихга назар ташлаш керак. Чунки қадимда давлатлар ва қабилалар ўртасидаги можаролар уларнинг вакиллари олишувидә ҳал қилинар эди. Ҳалок бүлган жангчи күплаб қон түкимишининг олдини оларди. қабила ва давлатлар ўртасидаги можаролар вактида ҳар бир томон үз қүшинлари орасидаги энг күчли полвонни майдонга чиқарар ва улар ўртасида жанг булар эди. Улар қилич ёки наиза, ёй ёки камон үқи билан уришишлари мумкин эди. Агар жангда бирор томон ҳалок бүлмай, барча жанг қуроллари яроқсиз ҳолга келса, құл билан уришиш бошланарди. Бу жанг вактида рақиблардан бири иккинчисини отдан тортиб тушириши ва ерга йиқилғанни яичиб ташлаши керак эди. Енгилған полвон қайси қүшиннинг вакили бүлса, шу қүшин үзини мағлуб деб ҳисоблар эди. От мусобакаларыда фойдаланиладиган ағдариш отдан тортиб

тушириш усули ана шу қадимий урф-одатнинг оқибатидир. Агар отдан тортиб туширган вақтда рақиби ҳалок бўлмаса, жанг кўпчиликни синаш мусобакаси тарзида давом этар эди. Ўз рақибини ўлдирган киши ғолиб деб тан олинар, бинобарин у ўз кўшинига ғалаба келтиради.

Квінт Курций Руф грек тарихчиси Александр Македонскийнинг қўшини Ўрга Осиёни забт қилиш вақтида 30 баҳодирни асир қилиб олганини ёзди. Баҳодирларнинг ўлдирилиши аниқ эди. Улар буни билгандари ҳолда ўзларини мардонавор тутдилар, қўшик айтдилар, рақста тушдилар. Бу билан ўзларини ўлимни писанд қилмасликларини ифодаадилар. Александр Македонский уларнинг қатъийлиги ва мардлигини баҳолаб, ҳаётларини сақлаб қолди. Тарихий асосга эга бўлган ривоят сақланиб қолган. Араблар Ўрга Осиёга бостариб кириб 7-8 асрлар, Самарқандга яқинлашиб келдилар, аммо шаҳарга кира олмадилар. Шунда улар шаҳар деворини тешишиди. Шаҳарга йўл очилди. Лекин шаҳар девори тешигида бир баҳодир пайдо бўлиб, йўлни тусди ва узоқ вақт шаҳарга кириш учун душманга имкон бермади – қиличи билан кўп душманни ер тишлатди. Шунда араб халифаси қутайба полвоннинг бошини келтирган кишига 10000 дирхам инъом қилишни эълон қиласди. Шундан сўнг душманлар дезорга чигиртгадек ёпириладилар ва бу тенгсиз жангда полвон йигит мардларча жанг қилиб ҳалок булади. Афсуски, бу мард баҳодирнинг номи тарихда сақланмаган. Шундай булишига қарамай унинг қаҳрамонлиги ҳақидаги хотира ҳозирга қадар ҳалқ орасида сақланиб келган. Кўриниб турибдики, ҳалқ баҳодирлари, паҳлавонлари қадим замонлардан бўён катта жисмоний куч, чидамлилик, мардлик ва олийжаноблик билан ажралиб турганлар. Улар Ватан ҳимоясига отланганлар, ҳақиқатни ҳимоя килганлар. Ҳалқ қаҳрамонлари ҳақидаги кўпгина нарсаларни биз ўтмиш адабиётидан билиб оламиз. Масалан, Абдулқосим Фирдавсий узининг “Шоҳнома” поэмасида ҳалқ баҳодирларини улуғлайди ва ҳалқни чет эл боскинчиларига қарши курашга чакиради. Ўтмишдаги ва ҳозирги

кундаги полвонларнинг номи, жасорати тарих сахифаларида ва халқ ҳотиграсида абадий сақланади. Араб босқинчилари Ўрта Осиё халқлари учун ҳарбий иш ва спортнинг ривожланишини таъкидлар, лекин чавандоз ва полвонларнинг маҳорати ривожланишида давом этар эди. Географчи Х.В. Мексиди Самарқандда, Балх, Турған шаҳарларида қурбон ҳайит байрами кунларида доимо кураш ўтказилишини ва у қўп томошабинларни ўзига жалб қилишини айтиб утади.

Ўзбек ва тожик оғзаки ижодида ҳам миллий кураш спорти тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Бу жанрдаги адабиётлардан бир курашнинг мавжудлигини эмас, балки унинг ҳусусиятлари, кураш шарти ва техникаси тўғрисида ҳам билиб оламиз. Миллий кураш эртакларда ҳам акс эттирилган. Масалаң, “Ҳасан ва Зухро” эртагида биз қўйидаги сатрларни ўқиймиз: “орадан етти йил ўгиб кетибди, Ҳасан ва Зухро анча улғайибдилар. Кунлардан бир кун Ҳасан болалар билан кураш тушибди ва шу зайлда бутун қишлоқ болаларини енгиди. Ҳасан улғайиб, ёши ортиб борган сари кучи ҳам ошиб борибди. Курашда катта ёшли кишиларни ҳам курагини ерга тегиза бошлабди. Ҳасан қадди-қомати келишган йигит бўлиб ўсибди ва кишилар уни Ҳасан ботирнинг кураш билан ёшлидан шуғулланганлиги қайд қилинади. “Тулғаной эртагида эса жанг лавҳаси тасвиранади. Қўқон хони қўши nlари жанг билан Ўрта тепага юриў қилдилар. қўқон хони ва Ўрта Тепа лашкарлари бир-бирига тўқнаш келгач, жангни бошламадилар, балки қарама-қарши саф тортиб турдилар. қўқон баҳодирлари олдига чиқиб, ўратепалик полвонларни курашга чақирдилар. Ўратепалик полвон Олоназар уртага беллаашувлари фақат рақиби устидан ғалаба қозониш воситаси эмас, балки жангчиларга ахлоқий ва эмоционал таъсир кўрсатганинидан далолат беради. Полвонлар беллашуви рамзи характер эгаллар, курашувчи гомонларнинг жисмоний тайёргарлигини, маънавий қиёфасини акс эттиради ҳамда жангчиларнинг жанговарлик кайфиятини кўтаришга ёрдам берар эди. Хирс полвон эртагида полвонлик сифатларини шакллантиришда машқ қилишнинг

роли қайд қилинади. "Мен хозирги вақттacha дейди өргак қаҳрамони - кучликда ўзимга тенгкеладиган рақибни учратмадим. Рақиб билан учрашганда мағлуб бўлишни ҳеч истамайман. Шунинг учун курашишни доимо машқ қиламан. Шунинг учун курашишни доимо машқ қиламан". Булар жисмоний тарбия жисмоний тайёргарликка ёрдам берувчи муайян системадаги машқлар ҳақида далолат беради. Масалан, Хирс полвон қокма деб номланган усулни қўллаган. Ҳозирги вақда ҳам ўзбекистонлик курашчилар бу усулдан фойдаланадилар. Ҳалқ оғзаки ижоди асарлари орасида "Алпомиш" достони алоҳида урин эгаллайди. Ундаги бадиий ғоя ҳаётий асосга эга бўлиб, реал тарихий воқеалар билан қушилиб кетади. Достонда полвонларнинг беллашуви, уларнинг кучлилик, чаққонлик, чидамлилик, ботирлик курашиш усулларини қўллай билиш соҳасида мусобақалашуви бадиий формада тасвирланади. Жумладан, Барчинойга бўлган мұхаббати туфайли шердил бўлиб кетган Алпомиш курашда кўкалдошни осмонга отиб юбориб, ҳаммани ҳаяжонга солади,

Мардлар олишмайди, силтаб отади  
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади

Бул одамнинг иши кейин кетади,  
Чертиб Кўкалдошни кукка отади  
Анча ер ҳавога чиқиб кетади

Алпомишда тасвирланган кураш манзарасидан курашувчилар маҳсус кийим ва белбоғига эга бўлганлигини, кураш вақти жиҳатидан чекланмаганини, рақибини белбоғидан ушлаб олиш асосий усул ҳисобланганлигини куриш мумкин. Ўзбеклар орасида курашнинг муштлашиш, қўл қисиш, оёқ чалиш каби турлари, кент тарқалган.

Мўминжон Муҳаммаджонов мемуар характеристидаги "Турмуш уринишлари" номли китобида ерли ҳалк курашни қандай севганлиги ҳақида шундай бир маълумот беради:

Тошкент бешёғоч даҳа Чакар маҳаллада яшаб ўтган Аҳмад паҳлавон Толипбой ўтининг Ўрта Осиёда курашиб, йиқитган паҳлавони қолмаган эди. Шу вақтларда 1895 йилларда бутун жаҳонга машҳур бўлган немис паҳлавони Реппел тошкентга келиб, циркда ўз паҳлавонлигини кўрсатиб ҳамма томошабинларни қойил килиб юборар эди. Унинг оғирлиги 8.5 фунт 133 кг бўлиб, 8 пудлик чўяини икки қули билан қи олти пудлик чўянни кифти билан кутараар эди. Шу паҳлавон Аҳмад паҳловонининг довругини эшишиб қолиб, “у билан кураш тушмоққа жазм килибди”. Ким йиқилса “ёнидан эллик сум беради деб”, гарров боғлашибди. Уша куни циркни одам босиб кетибди. 28 ёшли Аҳмад паҳлавон эгнида белбоғ боғланган яқин йиқилиб майин бўлса, ўз гарданига деган шарт қўйилди. Бир оздан сунг ичкаридан гўштларини ўйнатиб савлад тўкиб Реппел чиқиб кетди. Унинг белида тасма белбоғи бор эди. Икки забардаст паҳлавон ўртасида тутишиб кетдилар. Томошабинларниң юраги зирқирраб кетди. “Ким-кимни йиқитар экан” деган ташвишга нафасларини ичга ютиб тик туриб қолдилар. Уша аснода циркда пашша учса билинар эди фақат ора-сира паҳлавонларниң “тих” этган товушларигина эшитилиб қолар эди. Орэдан бир неча минут ўтар-ўтмас Аҳмад паҳлавоннинг “Ё Алишери худо” деган нидоси эшитилиб қолди. Шу дам ер ларзага келгандек бўлди. Чархпалак булиб тушган Реппел ерда узала тушиб ётар эди. қарсак устида қарсак бўлди. қий-чув кутарилди. Шундан кейин Аҳмад паҳлавоннинг шухрати яна ортди. 1904 йили куалик гирдуғим-Хэжжа паҳдавон Тошкентга келиб, атрофдан келиб “ман-ман” деган паҳлавонларни битта қўймай қойил қилиб йиқитиб юрар эди. У ўзи билан тушган паҳлавонларни икки силташда кукрагига босиб, майдонга гир айлантириб кетар ва хуб танобини тортиб, ўз дидига тўғри келган жойга чалпақ қилиб отар эди. Шу паҳлавон Тошкентда икки ойча давр суриб, юзлаб чопон кийди ва қул-пул орттириди. Охири ўзига баравар келадиган паҳлавон қолмаганидан кейин Аҳмад паҳлавон билан кураш тушмоққа талабгор бўлди. Бу вақтда Аҳмад паҳлавоннинг белига яра чиқиб қийналиб юрган

эди. Номусикучли ва шижаатли пахлавон унинг талабини кайтармади. "Хўп, кураш тушсан тушай" деб маҳсисини ечиб ўртага тушди. Хужа пахлавоннинг бўйи бости Аҳмад пахлавондан кичикроқ эди. Аҳмад пахлавондан икки қўлини кўтариб, хўжа пахлавоннинг ушлашига йўл қўйиб берди. Хужа пахлавон унинг белбоғидан икки қўлини бураб ўтказиб олди. Сунгра Аҳмад пахлавон унинг белбоҳидан хавол ушлади. Иккала пахлавон даврада пича юришдан кейин Аҳмад пахлавон уни бир силтаб қўкрагига босиб бир неча дақиқа муаллақ кўтариб айлантириб юрди. Сунгра "меҳмонсиз" сийладим деб секин ерга қўёди. Аҳмад пахлавоннинг қилган олийжаноблигига томошибинлар қолдилар. Қий-чув кўтартган халқ чўнтағидағи пулини ва чопонини ечиб ўртага ташлайверди. Шоир Камий билан Хислат бу тўғрида бундай шеър ёзган эди.

Қилай сарсоли Тошкентдан ҳикоят,  
Кураш бўлди, қўринг дорилқиёмат  
Иифилиб келдилар кўп пахлавоний  
Бутун олам ийғилган бир замоний  
Халойиққа булиб шул жой манзур  
Ққаландархонаи оламга машхур  
Хужа пахлавон эди Аҳмадга толиб  
Уриб лофларни бўлмоқ эрди голиб  
Биқинда бор эди Аҳмад яраси  
Қуринмас қўзига оқу-қораси  
Халойиқдан олиб холис дуони  
Халойиқ айтдилар Аҳмадга раҳмат,  
Илоҳим етмасин жонига заҳмат  
Халойиқ жим эди, ҳар иккиси ҳам  
Кўпўтмасдан кутарди аҳмад они,  
Бўшатмай қўкрагидин кўп замони  
Хужа Аҳмадга айтди "Офаринбод"  
Бунингдек зўр бўлурми одамзот  
Халойиқ ҳам шу ишдан шод бўлди  
Элин эҳсонидан белбоғи тўлди

Кийим Хислатбу сұзни нишод этди  
Баҳодирларни мактаб ёд қилди

Келтирилған мисоллардан шу нарса аён бұлдикі, демек бундан минг йиллар аввал ҳам Үзбекистон ҳудудида усуллар системаси етарлича ривожланған ва аник шаклланған миллий кураш мавжуд бұлған, үшавақтлардаёк курашынға иккі тури таркиб топған, рақибининг белидан олдиндан мұлжаллаган буйича ушлаб олиш рақибни ихтиёрий ушлаб олиш бунда пойгечак оёғи билан рақиб оёғига қарши бошқа ҳаракатлар құлланилади. Бириңчи ҳолда ҳам, иккінчі ҳолда ҳам рақиб оёғини құл билан ушлаш ман этилади. Курашынға бу иккі тури техник жиһатдан ҳозирги үзбекча миллий курашда құлланиладиган иккі хил курашта ухшайды. Бу фарғонача ва бухороча кураш турларыннан узок тарихта эканлығыдан далолат беради.

Сағдий үзининг “Гулистон” асарида халқ миллий курашига катта үрин беради. Жумладан, у бир кимса курашиш маҳорати ва санъатини әгаллаб олған ва уч юз олтмишда жуда яхши хийләни билиши, шу сабабли ҳар куни бошқа усул билан кураш тушишини ёзади. Үз шогирдларидан бирини ёқтиргани учун унга 359 та усулни үргатған. Биттасини эса ундан яширган. Йигитча кураш санъатини мукаммал үзлаштиргандан сұнг тұла кучта еришган, ҳеч кимга унга қаршилик күрсата олмаган.

Бинобарин, халқ миллий курашынға жуда күп усуллари бұлған. Бу усулларға үргаттау устоз-тренерлар ҳам бор, лекин булар нинг тавсифи бизгача етиб келмаган, кураш ҳар доим халқимизнинг севимли томошаси бұлған. Феодал давлатының гуллаб-яшнаган даври 14 асрнинг охири ва 15 асрнинг бошларыда, мамлакатта Амир Темур ҳокимлик қилған вактлар узок давом эттан урушлар билан характерланади. Жаңгыра баъзан жангчилар қуролсиз булиб қолғанларида яkkама-якка олиғашта мажбур бұлардилар. Шундай олишувлардан бирини Темурланг үз таржима холида таърифлайди.

Үзбек халқи миллий курашни инсонни жисмоний тарбиялаш воситаси деб қаради. Халқ үзида күчлилікни, чидамли-

ликни, ирода ва ботирликини меҳнаткаш ҳалқнинг ахлоқий соғлигини мужассамлаштирган курашчи-полвонларга ҳурмат билан муносабатда бўлар эди. Диний ва оиласий байрамларда, баъзан эса одатдаги кунларда ишдан бўш вақтларда кураш мусобақалари утказилар эди. Бу мусобақалар Наврӯз байрами кунлари кенг авж олиб, оммавий ҳалқ чемпионати сифатида утказилар эди. Унда турли шаҳар ва қишлоқлардан келган курашчилар иштирок этарди. Курашчилар жуфтини танлашда уларнинг вазни кўз билан чамалаб аниқланар эди. Беллашувга тахминан бир хил вазндаги полвонларни киритишга ҳәракат қиласар эдилар. Беллашув олдидан курашчилар оёқ-қўллар чигилини ёзиш машқларида бажароишмас, фақат гавдани уқалаш, силаш қўлланилар эди. Беллашув эса на ўзининг давомийлиги ва на бир кунда нечта утказилиши билан чегараланар эди. Беллашув суръати тез бўлиб улар ўртасидаги танаффус жуда қисқа бўлар эди. Курашчилар анъанавий кийимда мусобақалашарди. Фаргона қоидаси бўйича курашувчилар пахтали чопонда, бухоро қоидаси бўйича курашувчилар эса пахтасиз авра тўн кийиб курашардилар. Бел эса белбоғ билан боғлаб олинар эди. Курашувчилар миллий иштонда, баъзан маҳси кийиб курашардилар. Одатда оёқ яланг кураш тушилар эди. Курашувчиларнинг бундай кийиниши ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

20 асрнинг бошларида ғолибларни аниқлайдиган ҳалқ меъзони таркиб топди, рақибини тик турган ҳалда қурагини ерга тегизиш, рақибни ерга йиқитгандан кейин тезлик билан айлантириб қурагини ерга тегизиш.

Доирадан чиқмай туриб ўзи билан беллашишни хоҳловчилар устидан ғалабага эришган полвонга беллашувнинг мутлақ ғолиби номи берилар эди.

Миллий кураш қоидалари ўзининг инсонпарварлиги билан характероланади. Бу курашчилар соғлиги учун ҳавфли булган усулларнинг гаъкидланишида, белнинг пастидан ушлаш мумкин эмаслигида рақибни ердан кутармасдан туриб унга оёқ ҳаракатларини қўлламсаликда, беллашув вақтида белбоғни

қўйиб юбормасликда намоён бўлади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида революциядан олдинги даврда миллий курашнинг икки тури бухороча ва фарғонача турлари бор эди. Бухороча курашда тик турган ҳолда, белдан пастни ушламасдан, қалмоқи қилиб йиқитиш усули мавжуд. Бу курашнинг асосий усуллари рақибни ошириб отиш, қалмоқи, қоқма, ички томондан пойпечак қилиб ағдариб рақибининг елкасидан ушлаб, тизза томонидан илмоқ қилиб елкадан ошириб ташлаашдан иборат. Бухоро, Хоразм, Самарқанд, қашқадарё, Сурхандарё, Жиззах областлари ва территориясида Бухороча курашиш расм бўлган.

Фарғонача курашда рақиблар тик турган ҳолда, олдиндан белбоғидан ушлашади, беллашув пайтида ҳам қўйиб юборилмайди.

Рақибни ердан кутариб, оёқ ҳарактлари билан йиқитишади. Бу курашнинг характерли усуллари, иргитиш рақибни аввало ердан узиб иргитиш, рақибни эгиб, айлантириб, бошини гиламга теккимасдан иргитиш, рақибни айлантириб йиқитиш, рақибни сонидан ушлаб, қайриб, елкадан ошириб йиқитиш.

Ҳаракат амалларига ўргатишнинг уч босқичи бор.

1-босқичи - усул ёки ҳаракат билан таништириш. Бу босқичда икки қисм бор.

А. усул ёки ҳаракатни таниб олиш-ҳаракат образини идрок қилиш, уз ҳаракатларини ва рақибнинг ҳаракатларини англаш ҳамда уларга қарши ҳаракат программани тайёрлаш ва зарур бўлса, ҳаракатга мос жавоб реакциясини танлаш, тасаввур этиш ва режасилаштириш.

Б. усул ёки ҳаракатни ўрганиш-усулнинг асосий элементларини танлаб олиш ва баён қилиш, ҳаракатларни бир бутун қилиб бирлаштириш, яъни усул ҳаракатларнинг асосий тузулмасини таллааб олиш. Мазкур босқичда шу характерларда иштирок этувчи мускул группуларигина эмас, балки бошқа яъни бу ҳаракатларга алоқадор бўлмаган мускулларнинг группаси ҳам қўзғалиш олади.

Иккинчи босқич - усул ёки ҳаракатни мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш. Мазкур босқичда тасаввурлар аниқлаштирилади, техника ва тактика деталларига улардаги асосий томонларни ажратиб күрсатиш ҳамда уларни эгаллаб олишга алоҳида эътибор берилади, усул таҳлил қилинади, ортиқча ҳаракатларни бартараф этилади. Усулни турли варианларда кўп марга тақоролаш, асосий эътиборни фазовий ва вақт муносабатларига қаратиш ҳаракат динамик стереотипини таркиб топади.

Учинчи босқич - усулни стабиллаштириш ёки унга доир кўникмаларни пухта ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш. Усул ҳаракатлари турлича темп ва ритмларда, тренеровка ва мусобақаларнинг хилма-хил шароитларида тақомиллаштирилади, яхшилашади. Ҳамда тез, аниқ ва тежамли ҳаракатларга айланиб боради. Үргатишининг бу босқичида ҳаракат кўникмасининг асосий компонентлари автоматлаштириш жараёни тугалланади, малаканинг динамик стереотипик анча мустаҳкамлашиб боради, кўникмаларни кураш вазиятида қўллаш малакаларни ҳосил қилинади. Усул ва тактик ҳаракатлар бир-бирига катта таъсир утказиб намоён бўладиган кураш турларидағи ҳаракат кўникмаси ва малакаларини таркиб топтиришининг ўзига хос ҳусусиятларини таҳлил қилиш учун техник усул, тактик ҳаракат, кўникма, малака каби тушунчаларни қараб чиқамиз.

Техник усул - курашнинг бир ёки бир нечта ихтисослаштирилган ҳаракатлар техникасини бажаришнинг тугалланган усули. Ҳар бир техник усул асосий ҳаракат тузулмаси ва хилма-хил бажариш вариантига эга. Шу билан бирга ҳар бир усул ўзининг асосий тактик вазифасига ҳам эга. Кураш турларида бир усул билан ёки бир неча тактик вазифаларни ҳал этиш мумкин ва аксинча бир тактик вазифани кўп усуллар билан бажарса ҳам бўлади.

Тактик ҳаракат - конкрет рақиб билан курашда усуллар техникасидан фойдаланиб, тактик вазифаларни ҳал эиш йўли. Тактик ҳаракатлар тайёрловчи хужумкор, мудофаа характеристида

бұлади. Кураш турлари тактикаси үрганилаёттанды ҳаракатлар - тактикасина, кураш тактикасина ва мусобақалар тактикасина қараб чиқиш керак.

Күникма-усул, унинг айрим компонентлари тақоролаш натижасыда автоматлашған бұлади.

Малака-билим ва күникмалар йиғиндиси.

Курашда айрим техник усул ва тактик ҳаракатларға үргатиши түзулмаси қуйидагича бұлади:

Биринчи босқич 2 қисмдан иборат: А. үрганилаёттанды ҳаракатни түгри бажариш учун зарур бўлган тасаввур ва тушуғчалар билан танишиш; Б. ҳаракат күникмасини эгаллаб олиш учун ҳаракатни үрганиш.

Иккинчи босқич - ҳаракат усулинининг вариантылари ва бирикмаларини мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш.

Учинчи босқич - конкрет шароитларда, үкув мақсадидаги курашда ва мусобақаларда ҳаракат усуllibарини үрганиш.

Курашдаги усул ва ҳаракатларға үргатишининг бундай түзулмаси маҳсус техник ва тактик билим, күникма ва малакани эгаллаб олишни таъминлайды ҳамда уларни үкув тренировка шароитидан мусобақа шароитига күчиришга ёрдам беради.

### Спорт кураш дарсларини үтказиш услугияти

Дарсни үтказыш услугиятида машғулотнинг асосий формаси сифатида дарснинг түзулмасини, вазифаси ва дарс қисмларининг мазмунини ҳамда уни амалга оширишининг уч вазифасини-дарсга тайёргарлик, уни үтказыш ва якунлаш вазифаларини яхши тушуниш мухимдир.

Дарснинг түзулмаси. Дарснинг тузилиш мазмуни үкувчилар контингентини ва уларнинг ишчанлық қобилиятини ҳисобга олган ҳолда вактдан мақсадға мувофиқ фойдаланишига асосланади.

Дарснинг тузилиши дегаңда, муайян тартибда, анча мақсадға мувофиқ изчилилікта жойлаштирилған дарснинг үзаро боғланған қисмлари тушунилади. Дарс түзулмасында үқитувчи-

тренер ҳатти ҳаракатларининг изчилиги, ўзаро боғлиқлиги баён қилинади ва очиб берилади, шунингдек, шуғулланувчилар бажарадиган ҳамда ишлар айтиб ўтилади.

Дарс вазифаларининг мувоффақиятли ҳал этилиши дарсда ўқитучи билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тўри қўйилишига боғлиқ. Ўқишининг биринчи йили ўқув-тренировка дарслари 90-100 минут, иккинчи йили 100-120 минут, учинчи йили 120-150 минут давом этади.

Уқув-тренировка ва тарбия вазифаларини ҳал этишда дарснинг уч қисми тузилишдан фойдаланилади. Бу шуғулланувчилар организмнинг ишга нормал киришини, асосий нагрузжаларнинг бажарилиши ва нисбатан тинчланишини таъминлайди. Шундай қилиб, дарс тузулмаси қуйидаги З қисмдан тайёргарлик, асосий ва яқунловчи қисмлардан ташкил топган.

Дарс иши режасии ҳар бир дарс учун тузилган режаси ёки график режаси асосида ўтказилади. Дарснинг вазифаси ва мазмуни шуғулланувчилар контингенти, уларнинг сони, шароитлар тайёргарлик даври ва қулланиладиган услубиларига қараб тузилади.

Дарснинг тайргарлик қисми 25-40 минут вақтни эгаллайли. Бу вақтда дарснинг асосий қисми учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

#### Вазифалар:

Бошлиғич ташкилий ишлар, шуғулланувчилар эътиборини қозониш, уларни дарс вазифалари билан танишириш ва машғулотга ижобий йуналиш бериш.

Ҳаракат аппаратини ва организмнинг барча системаларини аста-секин оширилган нагрузжаларга функционал жихатдан тайёрлаш организмни қизтиш ва специфик ишга тайёрлаш.

Қулай эмоционал ҳолатини вужудга келтириш.

Воситалар: бажариш техникаси шуғулланувчилар ўзлаштириб олган ёки тез ўзлаштириладиган енгил машқлар: сигнал, белгилар бўйича турли хилда сарфланиш ва қайта сафланиш:

турли хилда юриш, югуриш, умумий тайёргарлик ва маҳсус характердаги гимнастика машқлари: кучилик, эгилувчанлик, чузилиш ва мускулларни бушаштириш машқлари, ҳаракатлар соғлигига оид машқлар, нагрузкаларни аста-секин ошира бориб, енг оддий сакраш, умбалоқ ошиш машқлари, шунингдек, осон ҳаракатли ўйинлар ва яккама-якка олишиш элементлари бўлган машқлар.

Дарснинг асосий қисми 60-100 минут давом этади. Бу вақт ичida таълим-тарбия бериш, соғломлаштириш вазифалари, кураш соҳасидаги умумий ва маҳсус вазифалар ҳал этилади.

#### Вазифалар:

ҳаракат аппаратини ва организмнинг барча системалари ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда меҳнат ва спорт фаолиятида зарур бўлган жисмоний сифатларни тарбиялаш;

кураш техникаси ва тактикасини ўргатиш ҳамда уни шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланганлик ва функционал тайёргарлик даражасини ошириш билан қўшиб олиб борган ҳолда такомиллаштириш;

шуғулланувчиларни ҳаракат фаолияти, кураш соҳасидаги билимлар ГТО комплексига доир ҳаётий мухим бўлган амалий куникма ва малакалар билан қуроллантириш.

Асосий воситалар. Буюмларсиз ва буюмлар, коптос, таёк, гантель, эспандер ва бошқалар билан бажариладиган умумри-вожлантирувчи, тайёрловчи ва маҳсус машқлар. Асосий машқлар - курашдаги тактик-техник ҳаракатлар, спорт кураши-классик ва эркин кураш, самбо элементларидан фойдаланиш. Енгил атлетика, гимнастика, сузиш, спорт ўйинлари ва ҳоказо.

Миллий кураш дарсларининг асосий қисмida, унинг бошқа қисмларидағи каби, спорт тайёргарлигига доир маҳсус вазифаларни бажариш билан бирга психологик тайёргарлик, ахлоқий ва эстетик гарбия вазифалари ҳам ҳал этилади.

Дарснинг якунловчи қисмiga 5-10 минут ажратилади, дарс эса организмни нисбатан тинч ҳолатта келтириш билан якунланади.

#### Вазифалар:

организм фаолиятини тинчлантириш ва ишлаб турган мускулларни ортиқча зүриқишини пасайтириш;

эмоционал ҳолатни тартибга солиш, машғулотни якунлаш ишларини қисқача тахлил қилиш ва баҳолаш уйга вазифа бериш ва ҳоказо.

Биринчи фаза-дарста тайёрланиш шароитларга мұвофиқ равищда машғулотнинг пухта үйланған конспект-режасини тузиш; зални, майдончани, инвертарлар, тулум ва ҳоказоларни тайёрлаш, шүгүлланувчилар контентенти сони, тайёргарлиги вазн категориялари ва ҳоказоларни ҳисобга олиш.

Дарс режасида яхши тайёргарлик күрган группа раҳбарлари, ҳакамлар, разрядчи спортчилар, ахборотчилар ва ҳоказоларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш мухимдир.

Иккинчи фаза – дарсни үтказиш ҳисобига - дарсни үз вактида бошлаш ва шүгүлланувчиларни аниқ уюштириш, мушғулот темасини қисқача баён қилиш, хусусий вазифаларни ва болаларнинг мустақил фаолияти учун бериладиган топшириқ-ларни түшүнтириш. Буларнинг ҳаммаси умумий ва шахсий услугік күрсатмалар бериш кераклигини ва камчылыкларни қандай йүқотиши заруригини айтиш, ҳатти-харакатларни баҳолаш билан құшиб олиб борилади. Бу эса дарснинг муваффакиятли үтишга ёрдам беради ва бундай дарс үқувчиларнинг ижодий мустақиллігини оширади:

Учинчи фаза - дарсни якунлаш - дарснинг якунловчи қисміда үқитувчи үзи учун ҳам, үқувчилар учун ҳам якун чиқаради. Баён қилинған материални таҳлил қиласы ва келгуси машғулотларни белгилайди. Бунинг учун у дарс режасида материал қандай үзлаштирилғанligини, нағрузка үқувчиларга қандай таъсир эттәнлигини, қандай янги услуги ёки усуллар фойдаланылғанligини, тарбия, мустақил ишлар, уй вазифалари ва ҳоказоларда нимага эътибор бериш кераклигини қайд қиласы.

## **Курашчининг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлиги**

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги ундаги маҳоратининг таркиб топишида, ҳаётий муҳим сифатлар ҳамда меҳнатда ва Ватан ҳимоя қилишда зарур бўладиган малакаларнинг ҳосил бўлишида асос бўлиб ҳисобланади.

Спорт курашчининг хусусиятларини, спортчиларнинг индивидуал қобилияtlарини ва уларнинг техник-тактик тайёргарлигини ҳисобга олган қолда умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлигини мақсадга мувофиқ қўшиб олиб бориш юксак спорт маҳоратини таъминлайди.

Хозирги вақтда спортнинг ҳамма турларида жисмоний тайёргарлик икки, умумий ва маҳсус қисмдан иборат бўлади. Умумий жисмоний тайёргарлик учун асос бўлиб хизмат қиласди. Бу эса, ўз навбатида, техник тайёргарликнинг ўзи ҳам спортчи организмининг ҳамма системаларини маҳсус жисмоний тайёrlаш учун қудратли восита ҳисобланади.

Курашчилар учун умумий жисмоний тайёргарлик воситаларини таънилашда қуйидаги муҳим қоидаларни ҳисобга олиш зарур.

Машқлар курашчи нерв-мускулларининг зўр бера олиш ҳарактерига ва организмдаги барча системаларининг иш режимига яқин бўлиши керак. Машқлар маҳсус сифатларни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. Масалан, яккама-якка кураш элементлари бўлган баъзи бир акробатик машқлар, шериги билан қаршилик қўрсатган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб бажариладиган машқлар ва ҳоказолар;

Машқ ҳаракат координациясини ривожлантириш ҳамда спортчи фаолиятини ўзгарувчан вазиятлардаги хилма-хил ҳаракат амаллари билан бойитилиши керак. Масалан, спорт ўйинлари: баскетбол, кичрайтирилган майдонда ўйналадиган футбол, гимнастика ва бошқалар;

Машқлар спортчиларининг бошқа ҳаракат ва марказий нерв системаси фаолиятининг тезроқ тикланишга хизмат қилиши керак. Буларга сайрлар, кросслар, ҳаракатли ўйинлар,

бамайлихотир сузиб юриш ва ҳавода ўзгача шароитда ўтказиладиган бошқа ўйинлар киради.

Жисмоний тайёргарликнинг маҳмус воситаларида икки гурух машқларини фарқ килиш керак.

А. муайян мускул гуруҳларини ва спорғчи учун курашда зарур бўладиган сифатларни ривожлантиришга қаратилган машқлар.

Б. кураш усуллари группаларини ва ҳаракатларини техникаси элементларини таомиллаштиришга қаратилган машқлар. Махсус жисмоний тайёргарликда курашчи учун зарур бўлган ҳаракат сифатларини ривожлантириш бошқа сифатларни ривожлантириш ва кураш техникаси элементларини таомиллаштириш билан ўзаро боғланган бўлиши аниқса муҳимдир. Курашчининг маҳсус жисмоний тайёргарлигига доир машқларни танлаш ва ўтказища қуйидаги баъзи муҳим қоидаларни ҳисобга олиш керак:

А. ҳаракатлар ҳарактери ва тузулмасига кўра кураш ҳаракатлари билан бевосига статик-динамик зўр беришга алоқадор машқларни танилаш. Масалан, ўзига хос равишда силжиш, шериги билан бажариладиган машқлар – кўтариш ва айлантириш, айлантириш ва буриш ҳаракетидаги тақлид машқлари, ўйин қўринишидаги машқлар ва бошқалар.

Б. кураш ҳатти-ҳаракатларида асосий нагруззкани бажара-диган айрим мускул гуруҳларини ривожлантиришга қартилган машқлардан фойдаланиш. Оёқ, қорин бушлиғи мускуларини ривожлантириш учун оғирликлар билан тўлдирма тўп ва тулум билан ҳамда тренажёрларда бажариладиган машқлар.

Махсус машқларнинг бундай танланиши ҳаракат сифатлари комплексини ривожлантиради ва курашчи ҳаракетидаги техник томонларни таомиллаштиради.

Мазкур қўлланмада курашчиларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлиги учун хилма-хил машқлар тавсия этилади. Тренировка нагруззкаларини аниқлашда тренерлар состави қуйидагиларни қисобга олиши керак.

Шуғулланувчилар контингенти уларнинг ёши, жисмоний ривожланганлиги, маашғулот бошланишидан олдинги функционал ҳолати ва тренировка қилган даражаси;

Ҳафтаси, кунига бажариладиган тренеровка машғулотлари сони.

Треніровка ишининг ҳажми, интенсивлиги, психик зур бериш ва эмоционал ҳаракатлар даражаси.

Тажрибадан маълумки, малакали спортчиларнинг кўпчилиги тайёргарлик даврида умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик воситаларидан эртали даражада фойдаланадилар, мусобақа пайтида эса уларни минимумга қадар қисқартирадилар ёки умумий жисмоний тайёргарлигини қўллашмайдилар. Бу, шубҳасиз қўпол хато. Чунки бундай пайтда сифатлар коллекциясидаги узаро боғлиқлик бузилади ва уларнинг имкониятлари камаяди, бу эса спорт натижаларининг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик воситаларини бутун йил давомида, шу жумладан мусобақа даврида ҳам қўллаш, уни техник-тактик ҳамда тайёргарликнинг бошқа турлари билан қўшиб олиб юориш спорт маҳоратининг ортишига ва юкори натижаларга эришишга ёрдам беради.

Миллий кураш билан шуғулланувчи тренерларнинг йил давомида, даврий ва алоҳида машғулотлар жараёнидаги жисмоний, техник-тактик тайёргарликка доир тренировка нагрузкаларни тўғри режалаштириши ҳамда уларнинг ҳажми ва интенсивлигидаги узаро боғлаб олиб бориши айниқса муҳимдир. Тренировка нагрузкаларини режалаштиришнинг бир неча варианtlари булиши мумкин.

Миллий кураш билан шуғулланувчиларнинг ҳаракат сифатлари комплексли кучлилик, тезлик, чаққонлик, чидамлилик каби муҳим вазифалар мавжуд булиб анашуулар курашчига юқори спорт натижаларига эришишда ёрдам беради. Чунки бу сифатлар узаро боғланган булиб у бирор мақсадга интилганлик, ташаббускорлик, сабот-матонатлилик, ботирлик, узини тута билиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам узини

йүқотмаслик, юқори даражадаги меңнатсеварлик ва мустақиллик каби иродавий сифатлардан ажралмайды. Бироқ, булар спортчининг ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун ўзини қай даражада сафарбар эта олишига ҳам боғлиқ.

Спортдаги меңнат ва ижтимоий фойдали фаолият соҳасидаги турли қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган ҳаракат сифатлари ва иродавий фазилатлар комплексини қушиб олиб бориш ва уни ҳамиша такомиллаштириш юқори спорт натижалоарига эришишга қодир бўлган кучли, ахлоқли, чиқамли ва иродали спортчиларни тарбиялашга хизмат қиласди.

### Курашчининг умумжисмоний тайёргарлик куриш воситалари ва услублари

Саф машқлари мулжал олиш тезлигини, жамоада уюшқоқлик билан ҳаракат қилиш малакаларини ривожлантириш, туғри қадди-қомат, интизомликни, уюшқоқликни ва бошқа сифатларини тарбиялаш, шунингдек, баданини қизитиш ва эмоционал ҳолатни опириш учун хизмат қиласди.

Саф машқлари асосан машғулотларнинг тайёргарлик кисмида чаққон ҳаракат билан аниқ команда буйича, тренернинг кутилмаганида берадиган сигнални, белгилари ва топширишта кўра бажарилади.

Асосий саф машқлари: сафланиш, санаб чиқиш, рајорт бериш, саломлашиш: тушунчалар фронт сафнинг олд томони, фланг сафнинг ўнг ёки чап томони, масофа, оралиқ сафнинг орасини очиш, сафни бирлаштириш, турган жойда ва юриб туриб бурилиш, поход ва саф қадами, олдинга, орқана, ён томонларга бурилиб қадам ташлашни қўшиб ижро этиш, турли хилда юриш, югуриш сураги, қадам узунлигини узгартириб юриш. Тренернинг турли топшириқларини бажариш. Масалан: югуриб тарқалинг, ётиш, туринг, ўтиринг, беш дақиқада сафланинг ва ҳоказолар.

Юриш, югуриш ва сакрашни навбатлаштириш. Йуналышни узгартириб спортча юриш, чукур одимлаб юриш.

Чүкәйиб юриш, тиззаларни балаңд кутариб юриш, құлларни ҳаракатлантириб юриш, сакраб-сакраб юриш, максимал тезлик ва турган жойда юришта югуриш: табиий түсиқларни енгиб үтиб юриш ва югуриш, турган жойдан бурилиб туриб олдинга, орқага, ён томонларға узунылкка сакраш.

Буюмларсиз бир киши бажарадиган машқлар. Улар асосий мускул грухларини қисқартырыш, чўзиш ва бушаштиришга ҳамда қупчиликни, тезликни, чаққонликни ва эгилувчаникни ривожлантириш учун ҳаракатлар координациясига йуналтирилган булади. Буюмларсиз бажариладиган машқлар бир жойда тик туриб, үтириб ва ётиб бажарилади. Улар катта амплитуда билан равон, тезликни аста-секин ошириб ва тез ижро этилади.

### Тахминий машқлар

Турли хилда оёқ учидагы күтарилиш, құлларни юқорига, ён томонларга, пастға узатиш ва гавдани энгаштириб, құл учини ёки кафтни полгатегиздириш. Гавдани чапгаэнгаштириб ва чап құл билан ўнг құлни шу томонға тортиш. Шу машқни тескари томонға бажариш, сұнгра олдинга чуқур одим ташлаш ва бошқа құлни тортиш. Машқни ва бошқа құлни тортиш. Машқни қар иккі томонға бажариш.

Құлларни буш үтирган ҳолда тутиб, гавдани ўнгга-орқага ва чапга-орқага 8-10 мартадан буриш, сұнгра иккита пружина-симон ҳаракат билан гавдани ўнг ва чап оёқ томон энгаштириш. Гавдани чапдан ўнгга ва ўнгдан чапта айлантириш. Ҳар иккі оёқ билан турли хилда чүкәйиши - оёқ кафтини тұла ерга тегизиб бажариш, чүкәйиб турган ҳолатда жойда сакраш.

Ерга құллар билан таяниб ётган ҳолатдан құлларга таяниб күтариш, құлларни букиш ва ёзиш, кейинчалик полдан итарилиб иккі марта чапак чалиши. 10-11 марта өткенде 3-5 марта күтариш, кейин эса, оёқтарни бошидан үтказтб букилиш ва янада стлабики ҳолатта кафтиш. Шунинг үзини 2-3 марта қайтариш.

Тиззаларга таяниб ўтилган ҳолатдан құлларни олдинга силтаб ва оёқлар билан депсиниб чүкәйибүтирган ҳолатта сакраб туриш, 6-10 марта такрорлаш. Навбатчи билан үнг ва чап құлни бошидан ўтказиб, гавдани зңг ва чап томонға әнгаштириб хар бир әнгашиш вақтида әнгашған томонға иккі марта силтаниш. Чүкәйиб ўтирган ҳолатдан оёқлар кенг қилиб қүйилған гавда оғирлигини үнг оёқдан чап оёққа ўтказиши әксинча. Асосий тик турған ҳолатдан оёқлар елка көнглигида олдинга әнгаштириб гавдаси үнг ва чап томонларға буриш.

Оёқларни кенг очиб ўтирган ҳолатдан гавдани чапға ва үнгта буриш, ҳар иккі құлни оёқ учига тегизишга ҳаракат қилиб гавдани бурилған томонға әнгаштириш. Құл-оёқда турған ҳолагда, құлларни тұлқинсимон букиш ва гавдани горизонтал ҳолатта тушириш ҳамда қайтадан дастлабки ҳолатта қайтиш. Чалқанча ётиш, құллари ва боши билан таяниб, құпприк ҳолагини олиш. құлларға ва бошига таяниб туриб тебраниш. Оёқларии билан үнгта ва чапға әғилиш, үқлларни үйдіб юбориб бошига ва оёқларига таяниб туриш ва тебраниш. Бу машынинг жуда күп вариантылары ҳам бўлиши мумкин. Құпприк бўлиб турған ҳолатда құлларни қўйиб юбориш ва бошига таяниб құллари билан оёқларни ушлаб олиш, оёқларни қўйиб юбормай ён томонға ётишва қоринга айланиб олиш. құлларға ва оёқ учига таяниб ётган ҳолатдан навбати билан оёқлар учини орқага суриб бориб, оёқ юзини ерга текизиш. Асосий тик турған ҳолатдан құлларни кўкрак олдида кафтни олдинга қаратиб букиш, ўёқлар билан итарилиш ва олдинга йиқилаётисиб, құллар билан ерга тушиш ва сунгра оёгини чалиштириб тосга ва ёнбошга айланиш машқ кураш түшаги ёки матда дастлаб турған жойдан оёқлар билан итарилмай кейин эса итарилиб бажарилади. құл мускулларини актив бушаштириш машқлари. құл панжаларини маҳкам сиқиши – мушт ҳосил қилиш. құл панжаларини ёзиш. Панжаларни бушаштириш ва силкитиш. Курашчиларга бошқа мускул группаларини ҳам актив бушаштириш тавсия этилади. Бу мускулларни түғри ривожланиши ва юксак ишчанлигини таъминлайди.

## **Бұшаштириш машқлари**

Тик турған ёки юрган ҳолатда пастта әркін туширилған құлларни бұшаштириш ва силкитиш, құлларни юқорига күтариш-бұшаштириш ва силкитиши.

құлларни ён томонға узатиши, сұнгра гавдани олдинга әнгаштириб, елка мускулларини бұшаштириш ва құлларни силкитиши. Кучли машқларданкейин бұшаштириш машқлар занжирини бажаришфойдалидир. Масалан, құлларни силкитиши ва гавдани бұшаштириши.

Құл мускулларини бұшаштириш ва аввал бир, кейин иккінчи томонға айланма ҳаракатлар қилиши.

Сөңгеларни кеңгрөк құйиб тик туриш, бұшаштирилған құлларни белша текизиб, гавдани чапға ва үнгга буриши.

Билак ва елка мускулларини бұшаштириши. Силкитиши ва олдинга узатиби, үнг құл билан чап құлни үқалаш ва аксинча.

Бұшаштирилған ҳар икки сөңг мускулларини құл билан силкитиши ва үқалаш. Интенсив нагрузкали машқ бажартғандан кейин сөңгеларни  $45^{\circ}$  остида күтариббирор нарсага тираба ётиш фойдалидир.

Шеригинин бұшаштирилған құлларини силкитиши ва құл ҳамда елка мускулларини үқалаш.

## **Курашчининг маҳсус жисмоний тайёргарлик вәситалари ва услубилари**

Якка ҳолда бажариладиган йиқитиши, йиқилиши ва умбалоқ ошиш машқлари. Җүккайиб үтирган ҳолатдан орқага йиқилиши. Елкани букиш ва құллар билан тиззанинг пастини сиқиб үшлаш, орқага, олдинга тебраниш ва орқага ётиш, құлларни ён томонға узатиши. Машқни 5-6 марта тақрорлаш. Сұнгра тик турған ҳолатдан чүққайишиш ва охирғи ҳолаттәчә йиқилиши. Машқ 5-10 марта тақрорланади. Җүққайиб құлларни олдинга тираб туриши. Боши биан олдинга умбалоқ ошиш. Умбалоқ ошганда, елкани иложи борича букиб олиши.

Шундан кейин тик турган ҳолатдан 1-2 қадам ташлаб, ва харават қилиб туриб боши орқали олдинга умбалоқ ошиш. Худди шундай боши орқали орқага умбалоқ ошиш. Бунда боши бир оз энгаштирилади. Елка хар доим букилган бўлади. Тренировка машқулотлари жараёнида олдинга ва орқага умбалоқ ошиш машқлари дастлаб олдинга бир қадам ташлаб, турган жойдан бажарилади, кейинчалик эса тўшакнинг марказдан 2-3 киши бўлиб кетма кетлик услугуби билан бир йўла 4-5 марта умбалоқ ошиш бажарилади. Бунда интервалнинг албатта бир 1 м булишига бир-бирининг орасидаги масофа эса 3м булишига риоя қилиш керак.

Үнг ва чап томонларга йиқилиш худди шундай бажарилади. Ён томонга йиқилиш икки колонага сафланган ҳолда бажарилади. Шериклардан бири иккиничисидан 1м масофада бўлади. Бир колонна билан иккинчи қўлона оралихидаги масофа 3 м.

Бир қўлга таяниб туриб боши орқали орлдинга умбалоқ ошиш – олдинга энгашиш, Үнг кўлининг панжаларини чапга қарагиб айлантириш ва бошини энгаштириб, елкани букиб, боши орқали умбалоқ ошиш ва тик туриш. Бу машқни бажаришга ургатиш машқ турган жойдан бажарилади, кейин олдинга 1-2 қадам ташлаб ва юриб кета туриб бажарилади. Шуғулланувчиларни уюстириш усуллари, турган жойдан ва 1-2 қадам ташлаб умбалоқ ошиш машқи бир-бирига орқаси билан икки ширинга бўлиб турган ҳолатда бажарилади. Дистанция ва интерваллар бир қадам. Иккитадан колонна бўлиб кетаётганда умбалоқ ошиш машқи кураш тушагининг уртасида бажарилади. Машқ узлуксиз кетма-кетлик услугуби билан ўтказилади, шуғулланувчилар расидаги масофа 3-4 қадам.

### **Жуфт-жуфт булиб умбалоқ ошиш ва йиқилиш машқлари**

Биринчи номерликлар тизза билан чўқалаб турадилар, иккинчи номерликлар эса, шеригининг белига қўли билан таяниб, унине елкасига елка билан ётадилар ва йиқилиб ерга ёни

билан тушадилар. Машқ навбати билан 5-6 мартадан бажарилади.

Биринчи номерликлар тиззалаб, турадилар, иккинчи номерликлар 1-2 қадамдан шериги устидан сакраб ўтадилар ва . боши орқали умбалоқ ошадилар. бири иккинчисига орқа билан, қулларни бириктириб турган ҳолатдан боши орқали умбалоқ ошиш. Тик туриб құлларни шериги елкасига қўйиб, оёгининг учи билан шериги оёгини петна қилиш.

Яккама-якка қураш элементлари бўлган машқлар тренернинг топшириғига биноан мустақил равишда ёки хуштақ, чапак ва хоказо сигналларбўйича ўтказилади. Бир оёқлаш турган ёки икки оёқдачуккайиб турган ҳолатдан шериклар орасидаги масофа 1 м кафти билан шериги кафтига уриб, уни мувозанатлик ҳолатидан чиқариш. Шеригини алдаш рухсат этилади.

Шерингини туртиб юбориш. Даставки ҳолатда бир оёқда тик туриб, қули билан оёқни орқага қўйиши. Бир оёқлаб ҳиккалаб шеригини чиқиздан нарига туртиб юборишга ёки иккинчи оёғини ерга қўйишга ҳаракат қилиш.

Шеригининг елкасига таяниб. Уни чизиқдан суриб чиқариш. Шеригининг иккала қулидан ушлаб олиб, чизиқдан тортиб ўтказиш.

Үнг ва чап қули билан панжалардан ушлашиб, шеригини чизиқдан тортиб ўтказиш.

Икки қули билантўлдирма тупни ушлашга тайёр туриб, тренернинг сигналига биноан тупни эгаллаб олиш. Оёқлар билан ҳаракат қилишга рухсат берилади. құллари билан манёвр қилиб, шериги белбогидан ушлаб олиш. құллари билан манёвр қилиб, шеригининг иккала қули пандасидан ушлаб олиш.

Құллари билан манёвр килиб, бир қули билан шеригининг бир қули панжасидан ушлаб олиш.

Құллар билан худди шундай манёвр қииб, иккала қули билан шеригининг бир қули билагидан ёки буйнидан ушлаб олиш.

Шеригини ушлаб олиш ва полдан кутариш. құллар билан манёвр қилиб шеригини ушлаб олиш ва уни орқаси билан үзига үтириб олиш.

Құллар билн манёвр қилиб, шеригининг түни ёқасидан ушлаб олиш. Худди шундай ҳаракат қилиб, құлларини шериги қултиғидан үтказиб, ушлаб олиш. Худди шундай ҳаракат қилиб, құлларини шериги қултиғидан үткази упинг оркасида бирланшириш.

Құлларига таяниб ётған ҳолатдан сигналга биноан уриндан туриш ва тұлдирма түпни эгаллаб олиш. Тренернинг “тұлдирма түпни икки қуллаб ушлаб ол” сигналига биноан оёгини турган жойдан қимирлатмай, түпни эгаллаб олиш. Чүкқайиб үтирган ҳолатдан, оёқлар елка кенглигіда, үнг, чап қулині тұлдирма түпінде қуиши, тренернинг сигналига биноан түпни бириңчи бұлиб оёқлари орасидан үтказиб юборишта ҳаракат қилиш.

Асосий тик турған ҳолатдан тренернинг сигналига биноан чуқур қадам ташлаш ва бириңчи бұлиб тұлдирма түпни эгаллаб олиш.

Чүкқайиб үтирган ҳолатдан, иккала қули тиззада тренернинг сигналига биноан бириңчи тұлдирма түпнинг юқори айланасини кафти билан бекитиш. Худди шундай чүкқайиб турған ҳолатдан тренернинг сигналига биноан бириңчи бұлиб майда буюмни эгаллаб олиш.

### Икки оёқни орқага чалиш техникаси

Дастлабки ҳолат, иккала курашчи үнг стойкада. Ҳужум қилувчи үнг қули билан шеригининг түнини ёқасидан ушлаб олади.

Ҳужум қилувчи шеригининг гавда оғирлигини үнг оёққа үтказишига мажбур этиш учун уни үзига, чапға тортади ва шундан кейин үнг оёғи билан иккила оёгини чалади ва уни орқасига йиқігіді.

Бу усулни үрганишда, ғужумчи шеригини чап құл енгидан ушлашәхтиёт қиласы.

Химоя,

- А. құллари билан хужум қилувчининг ўнг ёнига тиради;
- Б. ўнг оёғини орқага-ўнгга қўйиш;
- В. хужум қилувчи орқадан чалиш учун ўнг оёғини кутарган вақтда ўні оёғи турган йўналишда ўзидан чанга тортиш;
- Г. хужум қилувчи орқадан чалиш учун оёғини орқага қўйибулгурса, унинг оёғидан хатлаб ўтиш.

Карши усуллар,

- А. йиқилиш вақтидқ чап оёғини мумкин қадар қупроқ чанга-орқага олиб бориш ва чап тиззансини хужум қилувчининг чап оёғига яқинроқ қўйиш, ўнг оёғини эса олдинда чалишга қўйиш ва хужум қилувчини олдинга тортиш ҳамда орқасига йиқитишиш;

Б.уни ушлаб, қучоқлаб олиш.

### Белбоғдан ушлаб ён томондан чалиш

Дастлабки ҳолат, курашчилар ўнг стойкада турадилар. Хужум қилувчи ўнг қўлини ушлаб олади, чап қули билан эса белбоғни олдиндан ушлайди.

Хужум қилувчи шеригини ўзига тортиб, ўнг оёғи товонини шериги говонига түфрилаб, ён томондан чалаётгандек ҳаракат қиласи, айни вақтда чапга айланба бориб, шеригини ўзига босиб йиқитади. Сунгра, ўнг ёнбошига йиқилаётib, унинг орқасидан ташлайди.

Мазкур усулни ўрганиш вақтида шеригиерга йиқилаётган пайтда, ўнг қўл билан тунининг ёқасидан ёки белбоғининг олд томонидан ушлаб, уни эҳтиётлаш керак.

Химоя ва қарши усуллар худди орқадан чалиш усулни бажаришдагидек булади.

### Олдиндан чалиш

Бошлиғич ҳолат. Хужум қилувчи ўнг оёқ билан, шериги эса чап оёқ билан тик туради. Хужум қилувчи чап қули билан

шеригининг кийимини чап тирсак остидан, ўнг құли билан эса кийимининг елкасидан ёки умров саяги устидан ушлаб олади.

Хужум қилувчи гавдасини буриш, құли ва танасини чапга сипташ билан шеригини үз гавда оғирлитини оёқ учларига үтказишга мажбур әтади. Сунгра, чапга тез айланиб, чап оёғини ён буйлаб орқана чапга олиб боради. Шу билан бир вақтда, чап оёқ учини айлантира бориб, уни шеригининг чап оёқ учи йұналишида турадиган қилиб гиламга құяды. Ўнг оёғини олдиндан қаладиган қилиб шундай құядики, уннинг тизза остидаги букилиши шеригининг ўнг тиззасига таянсин. Бундай ҳолатда гавда ағирлиги чап оёққа үтказилади. Бунда ўнг оёқ эса тула рослашиши ва бутун оёқ таги тушакка тегиб туришига ахамият бериш керак. Иккала құли ва гавдаси билан чап оёғи ёнига ташлайди. Чап құл билан шериги түнининг ўнг енгини ушлаб қолиб, уни химоя қилиш керак.

Химоя,

А. кафтларі билан белвосита таяниб туриш;

Б. хужум қилувчини олдиндан қалишта тайёрланиб, ўнг оёғини ён томонға олиб бораётган пайтда құллари билан чапга суріб юбориш ва йўл билан уни мувозанатдан чиқариш;

В. Хужум қилувчи ўнг оёқини олдиндан қалишта қўлийб улгургандан, рақибнинг чап оёқ кафти билан хужум қилувчи чап оёқ болдирини ич томондан илиб олиш.

Жавоб усуллари,

А. бурилиш вақтида ён ёки орқа белбоғдан ушлаб олиш ва хужум қилувчини елкасига ташлаш,

Б. орқадан қалиш.

Олдиндан қалиш билан улоқтириш усулларига доир курсатилган.

### Икки ёқлама қалиш

Дастлабки ҳолат, хужум қилувчи чап оёқ билан тик туради, ўнг құли билан шеригининг чап құли тагидан ушлаб олади, чап құли билан эса белбоғиниелкаси ёнидан, чап құли

билин ҳужум қилувчининг чап оёғини ички томондан ўраб олади.

Ҳужум қилувчи гавдани олдинга силтаб, шеригининг гавда оғирлигини унинг чап оёғига ўтказади. Уни қўллари билан ўзига тортиб, орқадан чалиш усулини қуллаш учун ўзининг ўнг оёғини шериги оёқлари орасига қўяди, айни вақтда бутун гавдаси билан олдинга ташланиб, уни кураги билан йиқитади.

Усулни ўрганиш вақтида шеригининг белбоғдан тутиб туриб, уни эҳтиёт қилиш керак.

Химоя,

А. чап оёғини орқага чапга олиб бориш ва ҳужум қилувчига усулни қуллашга имкон бермаслик;

Б. қуллари билан итариш ва ўнг оёғини ўз оёқлари орасига қўйишга йўл қутмаслик лозим.

Жавоб усули, ўнг оёқ билан чалиб орқага улоқтириши.

### Илиб улоқтириш

Илиш - усулнинг шундай бир элементики, бунда курашчи букилган оёқ, болдири, оёқнинг юзи ёки товон билан рақибнинг оёғини ушлаб турари ёки ўзига тортади. Бугча курашчи оёғини тиззадан букиб, букилган оёғини рақиби оёғининг тиззадан пастки қисмига қўяди, оёқ юзи билан эса унинг болдирини пастки томондан сиқади ҳамда кўл ва гавда ҳаракати билан рақибини тўшакка йиқитади.

Илиш билан улоқтиришни қўйидаги қолларда қўллаш кулаги:

- а) рақиб оёқларини кенг очиб турганда;
- б) рақиби бир зум оёқда туриб қолганда. Бу ҳолда ҳужум қилувчи рақибни қўли ва гавдаси билан итариб, уни мувозанатлан чиқарди ва йиқитади;
- в) рақиби гавда оғирлигини оёқ учига ўтказаётган вақтда;
- г) рақиби оёғини букиш вақтида, энгашганда ёки оёғини орқага узатганда;

д) ҳужум қилувчи олдинга қадам ташлаб, оғини рақибинг оёқлар орасига қўёғаңда;

е) ҳужум қилувчи рақибга иисбатан ёки орқаси билан утирилганда.

Илиш вариантлари жуда кам. Улардан баъзиларини келтирамиз: ҳужум қилувчи қўлларини рақиб қўллари тагидан утказиб, унинг гавдасини ушлайди, оёқлари билан эса рақиб болдирини ташқаридан илиб олади. Полвон рақибини улоқтириш учун бир қўли билан уни тўнининг елкасидан ва иккинчи қули билан белбогидан ушлаб, унинг болдирини ички томондан илиб олади. Оёқни тиззадан букиб, рақиб тиззасини ички томондан илишнинг асосий варианти ва олдинга чапга улоқтириш. Оёқнинг устки томони ва товон билан илиш мумкин.

Товон билан илиш. Дастрлабки ҳолат-ҳар икки курашчи ўнг оёқ билан тик туради, ҳужум қилувчи рақибини белбосғидан ушлаб олади, уни ўзига тортади ва чап оёғи билан олдинга бир қадам ташлайди, товонини рақибнинг ўнг оёғи билан бир хил қўяди, товон билан рақиб товонини ички томондан илади, оғини орқага кескин харакатлантириб, гавдани чапга-ўнгга буриб, гавдаси билан рақибини итаради ва уни куракларига ийқитади.

#### Химоя

А) оғини орқага суреб қўйиш ва ёки ён томонга олиш;

Б) қўллари билан ёнига ёки гавдасига таяниш;

В) илиш вақтида рақибини ўзига тортиш ва уни мувозанатдан чиқариш;

Г) гавда оғирлигини ҳужум қилаётган оёқка ўтқазиш ва ҳоказо

Жавоб усуллари, ҳужумчининг илиб олишга уринишига қарши илиш, яъни у ишлатган усулни қўллаш, оёғи билан ҳужумчининг оёғини ички томондан илиб олиш, турли усулда қоқиб йиқитиш ва чалиш. Рақиб оёқларини ички ва ташки томондан илиш вариантлари кўрсатилган.

Хар қаңдай илиш ва улоқтиришда ҳам шеригини тұнидан, белбогидан, құлларидан ушлаб әхтиётлаш керак.

### Гоҳ үнг, гоҳ чап оёқ билан илиб улоқтириш техникаси

Дастлабки ҳолат. Ҳужум қилувчи үнг, рақиб әса чап оёқда тик туради. Ҳужумчы үнг күли билан рақиб түнини бүйин ёнидан үнг томондан, чап құли билан унинг енгини тирсак ёниданушлаб олади. Рақиби әса ҳужумчининг белбогини үнг томондан ушлайди. Ҳужум қилувчи рақибини үзиге тортиб, чап оёғи билан олдинга кичикроқ қадам ташлайди, шу оёққа бир оз чүкқайиб, үнг оёқ болдири билан рақибининг тиззаси орқасыдан илади. Сұнgra унинг илинган чап оёғини юқорига, үнгга ва орқага қутариб, бирдан чап оёғини ростлайди, айни вақтда гавдани силтаб, рақибини үнгта айлантиради ва шу пайтда уни узидан олдинга, пастта-үнгта итариб, кураги билан йикитади.

Әхтиётлаш усули, илиш вақтида тиззаси билан рақибининг четига уриб юбормаслик, йиқилганда әса унинг устига тушмаслиқдан иборат.

#### Химоя

А) ҳужум қилувчи тиззасини букиб, рақибининг чап оёғини илиб олган вақтида рақиби чап оёғини тизза бүгимидан ростлаб, оёғини илишдан бушатиб олишга ҳаракат қиласы.

Б) барқарор ҳолатни әгаллаш учун чап оёғини чапта орқага олади.

Жавоб усули: 1) орқага йиқилаётіб орқаси билан умбалоқ ошиб ҳужум қилувчини үз устидан ошириб отиш ва уни ерга қураклари билан йиқитиш; 2) оёғини олиб қочиши ва рақиб оёғини қарши усул билан илиб олиш.

### Қоқма ва илиб олиб улоқтириш усуллари

Курашда қоқма-приём элементи булып оёқниш ҳаракати, үни бажаришда курашчи рақибининг оёғига, оғирлик марка-

зидан пастроқига, оёғи билан уради, бунда у құли ва гавдаси билан қарама-қарши йұналишиңда ҳаракат қилади.

Курашқа қоқма усулнинг бир неча турларидан исталған оёқ билан, ўзи ва рақибиппинг оёқ ҳолатига күра - олд, орқа, ён томонлардан қоқилади. Курашчининг фарғонача усулида қоқмани қуллаш тақиқланған бўлса, бухороча усулда ўнгга рухсат этилади. Курашда илиб олиб улоқтириш усули энг муҳим булиб, бунда ҳужум қилувчи ойғининг кафти билан рақибнинг оётига уради. Илиб олиш, яъни чалишнинг турли группа ва усуллари мавжуд булиб, булар кураш тушиш жараёнида кенг қулланилади.

**Биринчи группа** - рақиб оёғини ён томондан илиб олиш приём ва усуллари. Рақибнинг олдида турган оёғи товоннинг ён томонидан илиб олинади. Бу ўринда улоқтириш қўл ва гавдани зарб билан силтаниши ҳисобга илиб слиш қарама-қапши томонга амалга оширилади.

**Иккинчи группа** - оёқни олд томондан илиб олишнинг приём ва усуллари. Рақибнинг олдинда турган оёғи-болдирининг қуий қисмидан илиб олинади, улоқтириш иккала қўл ва гавда билан олдинга илиб олиш.

**Учинчى группа** - оёқни орқа томондан илиб олиш приём ва усуллари. Рақибнинг таянч оёғининг товони орқа томондан ёки таянч оёқ болдириниг мушаги юқори қисмидан илиб олинади.

**Тўртинчи группа** - оёқни ич томондан илиб олиш усуллари. Рақибнинг олдинда турган оёғининг товони ёки болдири ич гомондан илиб олишади. Илиб олишта оид бу усулларнинг барчасини бажаришда рақибнинг тўнидан маҳкам ушлаш хамда улоқтириш вақтида уни эҳтиёт қилиш лозим.

Илиб олиб улоқтириш усулларини қурай вазият танланғаңда ва ҳаракат тезлиги таъминланғандагина амалга ошириш мумкин бўлади. Ён томондан илиб олиб улоқтириш рақиб оёғини олдинга чиқариб, унга таяниб турганда, оёқларининг ораси яқин бўлганда, оёқларини чалиштирганда, бир оёғини орқага қолдириб ўзини четта олганда ва шу

кабиларда қулайдыр. Олд томондан илиб олиб улоқтиришни рақибнинг оёғи орқада қолганда, оёқларининг орасини кенг очиб турганда, ҳужум қилувчига таяниб оёқ учларида турганда ва шу каби ҳолатларда ўтказиш лозим. Оёқ ичкарисидан илиб олишини рақиб оёғини олдинга чикарганда, бир оёғи орқада қолганда, оёқларини кенг қилиб қўйганда ўтказган лозим. Пастдан илиб олиш рақиб мувозанатини йўқотиш учун қулланилади. Рақибнинг йиқилиш тезлигини ошириш учун йиқилаётган рақибга қуллар билан гўё танилаётган сингари ундан итариш зарур. Илиб олишни амалга оширишда рақибини иккала оёғига таянишдан маҳрум этиш муҳимдир. Гиламда таяниб турган оёқни ичкаридан илиб олиш яхши самара беради. Полвон беллашув пайтида ташаббус кўрсатиш, хилма-хил ҳужум ҳаракайларини қўллаш, гавда ҳолати турлича бўлған вазиятлар ва турли ҳолатларда самарали фойдаланиш, унинг қули, тўни, белбоғидан қулай ушлаб илиб олиб улоқтиришни тез, чаққон ва қўққисидан амалга ошириш билан рақибни чарчатиш кераклигини билиш зарур. Бу ўринда беллашув пайтида илиб олиш натижасида рақиб гиламда йиқилиши ва йиқимласлиги ҳам мумкин. Бу йиқитиш усульнинг ўтказилиш сифатига боғлиқдир.

### Ён томондан илиб олишни бажариш техникаси

Дастлабки ҳолат. Полвонлар чап тик туриш ҳолатида буладилар. Ҳужум қилувчи ўнг қули билан ўнг енгини тирсақдан баландроқ қисмидан ушлайди.

Ҳужум қилувчи рақибини қуллари билан босиб, уни гавда оғирлигини ўнг оёққа туширишга мажбур қиласди, сунгра ўнг оёғининг кафти билан рақибнинг чап оёғи тўпигини ичкаридан чап томонга қаратиб илиб олади. Ҳужум қилувчи оёқ кафти билан рақибнинг тўпигини илиб олиб, дарҳол оёғини орқага олади.

Усулни ўрагнишда рақибни тўнининг ёқасидан иккала қул билан маҳка ушлаб эҳтиётлаш керак.

## **Химоя**

Дастлабки ҳолат. Полвоңлар чап туриш ҳолатиги эгаллайдилар. Ҳужум қилувчи ўнг құли билан эса ўнг ёнбошидан белбоғни ушлаб олади.

Ҳужум қилувчи құлларини пастта силтаб, рақибнинг оғирлигини чап оёғига туширишга ва уни мувозанатдан чиқаришга ҳаракат қылади. Сүнгра ўнг оёғининг кафти билан рақиб чап оёғининг тупиғига chalади, пастта йиқилаёттанда уни ўнгга буриб, орқаси билан йиқитади ва уни шикастланишидан эхтиётлаш учун эса түнидан ушлаб қолади.

Бундан химояланиш ва қршилик усууллари юқори усууллар бир хил.

## **Турли номдаги оёқ билан илиб олиш техникаси**

Дастлабки ҳолат. Полвоңлар чап туриш ҳолатини эгаллайдилар. Ҳужум қилувчи рақиб түнининг ёқасини чап томонидан орқадан, ўнг оёғини тирсак юқорисидан ушлайди.

Ҳужум қилувчи рақибни құллари билан ўнгга, орқага босиб итариб, танасининг оғирлигини ўнг оёғига туширишга мажбур қылади. Шу йұналишда зұр беришни кучайтириб, уннинг мувозанатини йүқотишига уринади. Сүнгра оёғининг юзи билан рақибнинг чап оёғи төвөнита чап-юқори йұналишда уради ва у ўнг оёғини орқага-ўнгга олиш билан тезда ўнг құли билан ўнгта, чапта, чап құли билап ўнгта-юқорига тортади ва орқасига йиқитади.

Умуман, машқ қилишда рақибни тұни ёқасининг орқа томонидан ўнг құли билан ушлаб эхтиёт қилиш лозим.

Химоя ва жавоб усууллари олдингилари билан бир хил.

## **Бир хил номли оёқ билан орқадан илиб олиш**

Дастлабки ҳолат. Ўнг туриш ҳолатини эгаллаган рақиб ўнг құлині ҳужум қытлувчининг елкасидан ошириб, уннинг белбоғидан чаап құли билан белбоғини ўнг томонидан ушлайди.

Рақибнинг ўнг томонида параллел туриш ҳолатида бўлган хужум қилувчи ўнг қўли билан унинг белбоғини олд қисмидан. Чап қўли билан белбоғнинг чап томонидан ушлайди.

Хужум қилувчи ўнг оёғининг товоенини рақиб ўнг оёғининг товоени билан бир хил даражада қўйиб уни куч билан ўзига тортади ва сўнгра гавдасини чапга энаштириб уни чапга тортади. Ҳамда у тарзда уни мувозанатдан чиқаради. Сўнгра чапга-ўнгга-орқага қилинаётган ғаракатни кучайтириб, ўнг оёғига чўқалаб туриб, чап оёғининг кафти билан рақиб чап оёғи товоенини юқоридан ўнг томонга йўналтириб илиб олади. Хужум қилувчи илиб олиш ҳаракатини давом эттириб, сал томонга оғанаётуб рақибни орқаси билан улоқтиради.

Усулни машқ қилишда йиқилишни юмшатиш мақсадида рақиб қўллар билан ушлаб, эгтиётлаш чораларини кўриш керак.

### Ҳимоя

А) олдинга этилиб, оёқларни тиззадан букиб хужум қилувчига усулни амалга оширишга йўл қўймаслик;

Б) оёқни олиш.

қарши усуллар:

А) букса орқали улоқтириш;

Б) чалиш ёки илиб олиб улоқтириш.

### Орқадан илиб олиш техникаси

Рақиб ўнг қулини хужум қилувчининг чап елкасидан ошириб белбоғини орқа томондан, чап қўли билан енгининг тирсагидан ушлаб, ўнг оёғини хужум қилувчининг ўнг оёғига чалиштиради. Рақибнинг зинг биқинида ўнг туришда бўлган хужумчи иккала қўли билан унинг белбоғини чап ёнбошдан ушлайди.

Хужум қилувчи рақибни куч билан ўзига тортиб чапга-орқага буради ва шу йўл билан уни мувозанатдан чиқаради. Сўнгра ўнг оёғини тиззасидан букиб, рақибнинг чап оёғига пастдан ўзининг чап оёғининг юзи билан юқори йўналишда

чалади. У илиб олиш ҳаракатида давом этиб, сап томонга ииқилаётіб рақибни орқасига ағдаради.

### Орқадан ошириб ташлаш

Рақибга орқа билан туриб, уни түнининг бир четидан, белбоқидан, қулидан ва бошқа жойларидан турлича ушлаб орқадан ошириб ташлашларнинг жуда құп вариантлари бср.

Бу усулни бажариш техникасыда, рақибга орқа билан турилганда оёқлар тиззадан букилган, орқа тұғри, гавда олдинга әгилган. Тананинг оғирлиги оёқ учларига тушишліпини инобатта олиш керак. Беллашув пайтыда рақибнинг кураги худумчи үз орқасига сиқиши керак. Мана шундай ҳолатда улоқтириш оёқларни тұғрилаш ва рақибни құтариб, сұнтра әхгаилиб гавдани олдинга-четта буриш, уни силтаб гиламга орқаси билан улоқтириш ҳисобига бажарилади. Бу усулни машқ қилишда рақибни құли ва тұндан ушлаш, әхтиёт қилиш лозим.

Орқадан ошириб улоқтиришіңде қуйидаги вазиятлардан фойдаланылған маңқул:

- А) рақиб әгилган ёки ён томонға бурилғанда;
- Б) құллари билан елкага тиранғанда;
- В) тосини орқага чиқарып, құллари билан түнини ушлашға уринғанда;

Г) рақиб қулидан ушлаб олишға имкон берғанда ва мувозанатни йүқтотғанда.

Орқадан ошириб улоқтиришлар хужум қилувчи ииқилмай, ииқилиб, тиззаларыда туриб бажарилади.

### Құл ва енгдан ушлаб орқадан ошириб улоқтириш

Үнд ҳужум ҳолатидаги курашчилар. Рақиб кийимдан ушлаб олишға ҳаракат қылғанда орқадан улоқтириш учун унга қуйидаги изчилликда орқа томон билан туриш керак, тиззадан

букилган оёқда, ўнг оёқ билан, орқага бир қадам ташлаш, рақиб ўнг оёғига тұғрилаб үз оёқ учларини ичкарига букиш.

### **Құлни елка оша ушлаб орқадан ошириб улоқтириш**

Дастлабки ҳолат. Иккала курашчи ҳам чап туриш ҳолатида туради. Хужум қилувчи чап құли билан рақибнинг кийимидан, ўнг құли билан тұнининг күкрап қисмидан ушлайды.

Хужум қилувчи рақибни ўзига тортиб, уни үз оқирлигини чап оёғига күчиришга мажбур қиласы, сұнгра рақиб кийимининг құлтиқ тағидан ушлаб, уннинг чап құлинин ўзининг чап ўзининг чап елкасига құяды. Айни бир вақтда яirim букилганда оёқларда ўнг томондан орқаси билан рақибга бурилади. У рақибнинг ўша құлинин үз елкасида маҳкам ушлаб туриб, олдинга кескин әгилади ва үз тоси билан рақиб гавдасига олдинга ва пастки йұналишда уради. Ҳамда уни орқаси билан улоқтиради.

Усулни машқ қилишда йиқилаёттан рақибни ўнг құлидан иккала құл билан маҳкам ушлаб әхтиёт қилиш керак.

#### **Химоя**

А) чап құлнибушатиб олиш;

Б) хужум қилувчи гавда оғирлигини ўнгга, орқага тушириб, рақибга орқаси билан утирилганда, уни құл билан шу томоншыга тортиб, хужум қилувчига усулни амалға оширишга имкон бермаслик лозим;

В) хужум қилувчи рақибнинг чап құлинин елкасидан ушлаб олиш учун ўзига төрганда, рақиб чап томонға суримиб, унга усулни амалға оширишга имкон бермайди.

#### **Қарши усуллар**

Тортиб олиш;

Хужум қилувчи бурилаёттан вақтда, уннинг чап устидан ҳатлаб үтиб, ўнг оёқ билан олд томондан чалиш;

Чап оёқ билан рақибнинг чап оёғини илиб, ён томонға улоқтириш.

Тана оғирлигини ўнг оёққа тушириб. Елкани срқага ташлаган ҳолда чап томондан тұлық айланиш. қайрилиш вактида рақибнинг чап елкасини ушлаб, ўзининг чап елкасига олиш. құл ва гавда билан силкиниб ва оёқни тұғрилаб, рақибни олдинга пастта тортиш ҳамда гиламга улоқтириш.

Чап құл ва енгни ушлаб орқадан ошириб улоқтириш намуналари құл ва белбоғнинг орқасидан ушлаб, орқадан ошириб улоқтириш намуналари берилаган. Усулни бажаришда түн белбоғдан ушлаб рақибни эхтиёт қилиш керак.

### Бир вактнинг ўзида ҳам тұннинг бирон бир четидан, ҳам белбогидан ушлаб орқадан ошириб улоқтириш

Дастлағки ҳолат. Иккала курашчи ҳам ўнг іуриш ҳолатида, хужум қилувчи ўнг құли билан рақиб тұннинг ёқасидан орқа томоңдан, чап құли билна белбогидаң ўнг биқинидан ушлайды.

Хужум қилувчи чапга қайрилиб, ўнг оёқ болдири билан рақиб ўнг оёғининг тиззасини ушлаб туради, сұнgra уни құллари билан узига тортиб, тана оғирлигини ўнг оёғига туширишга мажбур қиласы да чапга қайрилишда давом этиб, рақибни узига тортади ҳамда уни ёнбошига ўнгариб, орқаси билан гиламга улоқтиради.

Усулни чашқ қилишда рақибни белбогидаң ушлаб эхтиёт қилиш керак.

### Химоя

А) чап қулинини хужум қилувчининг ён биқининг тираб, усулни бажариш учун унга имкон бермаслик;

Б) хужум қилувчи ўнг оёғини чиқараёттан вактда уни құллар билан чапга-орқага тортиш ва усулни бажаришга йүл қўймаслик;

В) хужум қилувчи усулни амалга ошириш учун қайрилаётганида унинг ўнг оёғи устидан хатлаб ўтиш;

Г) хужум қилувчи рақибни ёнбошига кўтарганда кужум қилина болдиридан илиб олади.

### **Қарши усуллар**

- 1) Ҳужум қилувчи чапта қайрилиб, ўнг оёғини қўтартганда уни қўллар билан чапта тортиш, мувозанатини йўқотиб, орқаси билан улоқтириш;
- 2) Юқоридаги усулнинг ўзи, аммо у орқадан чалиш билан кучайтириш.

### **Қўл ва бошдан ушлаб, орқадан ошириб улоқтириш**

Дастлабки ҳолат. Иккала курашчи ҳам ўнг туриси ҳолатида. Ҳужум қилувчи чап қўли билан рақибнинг ўнг енги гирсаидан ушлайди.

Ҳужум қилувчи рақибни ўнг оёғи йўналишида ўзига тортади ва уни ўз оғирлигини ўнг оёхига гуширишига мажбур қиласиди. Сунгра, чап томонга тулиқ айланиб чап оёғи товонини ракиб чап оёғи учининг ёнига қўяди ва ўнг қўли билан унинг ўнг оёғини ушлайди. Чап томонта бурилишда давом этиб, рақибни орқасига ва ўнг ёнбошига ўнгаради-да, уни ўзининг чап оёғи остига ошириб ташлайди. Бу усулни ҳужум қилувчи рақиб билан бирга ийқилиб ҳам бажариши мумкин.

Усулни амалга оширишда рақибнинг ўнг қўлидан ушлаб туриб, уни эҳтиёт қилиш керак.

Химоя усуллари олдингилариники билан бир хил.

Жавоб усуллари

Иккала қўл билан ҳужум қилувчининг белбоғидан ушлаш, уни қўтариб гиламдан узиш ва ён беклобғ усулни амалга ошириш.

Орқадан илиб олиб улоқтириш.

### **Белбоғдан бир хил усул билан ушлаб орқадан oshirib uloqtiiriш**

Дастлабки ҳолат. Курашувчилар ўнг туриси ҳолатида. Ҳужум қилувчи ўнг қулинини рақибнинг ўнг елкасидан ошириб

үтказиб, унинг белбогини орқа томондан, чап қўли билан эса уни биқин томондан белбогидан ушлайди.

Ҳужум қилувчи рақибни ўзига тортиб, уни гавда оғирлигини ўнг оёғига туширишга мажбур қиласди, сўнгра чап оёғи билан бурилиб, ўнг оёқ юзи билан рақиб ўнг оёғининг устидан илади. Чантага бурилишни давом эттириб, рақибни ўзустига ўнгаради ва орқаси биланчап оёғининг ёнига ташлайди.

Усулни машқ қилишда чап қўл билан рақиб белбогидан ушлаб уни эҳтиёт қилиш керак. Бу усулни рақиб билан бирга ииқилиб бажариш маъқулроқдир. Ҳимся ва жавоб усуллари олдинги усулники билан бир хил.

### **Тұн ёқаси ушлаб ва ичкаридан ұраб орқадан ошириб улоқтириши**

Дасылабки ҳолат. Иккала курашчи ҳам ўнг туриш ҳолатида. Ҳужум қилувчи гавдасини эгиб, чапга бурилади ва қуллари билан рақибни олдинга-чапга тортиб, уни ўз оғирлигини ўнг оёғига туширишга мажбур қиласди.

Ұсмир ва ёшларнги оиласа кураш тушишга мұваффақиятли ўргатишининг ҳал қилувчи шартларидан яна бири, бу курашта гаалукли тренировка машғулотларини ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик билан оқилона күшиб олиб бориш йўли билангина оиласа чинакам курашчи етиштириш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бу хато фикрдир.Чунки кураш тушувчи жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожланган, чидамли, чаққон, кучли бўлгандагина уни чинакан полвон деб ҳисоблаш мумкин. Бу сифатлар эса ҳар хил машқлар ва тренировкалар йўли билан ҳосил қилинади. Махсус кураш машғулотлари ва тренировкалар йўли билан ҳосил қилинади. Махсус кураш машғулотлари ва тренировкалардан ташқари, ёш курашчи ҳар куни машғулотлари ва тренировкалардан ташқари, ёш курашчи ҳар куни эргалабки гимнастика машқлар комплексини, шунингдек, кучлиликни, тезкорликни, чаққонликни ривожлантирувчи машқларни бажариш ҳам керак. Ота-оналар оиласа

болаларни курашга ўргатар эканлар, уларнинг бирор-бир бошқа спортурикката жисмоний куч талаб этмаслиги зуур. Масалан, оиласда кураш билан шугулланувчи ўсмир енгил атлетика, сузиш, гимнастика, спорт ўйинлари ва ҳоказолар билан шугулланиши мумкин. Кураш ва катта жисмоний нагрузкаларни талаб этувчи яна қандайдир спорт тури билан шугулланиш ўсмир организмига зарар келтириши мумкин. Ахир кураш билан жиддий шугулланиш жуда катта жисмоний ва маънавий куч сарфланиши талаб этади, шунинг учун машғулотларни, масалан, оғир атлетика, югуриш билан қўшиб олиб бориши мақсадга мувофиқ эмас. Бироқ, индивидуал тренировкаларда курашчи гантеллар, штанга билан машқилиш туфайли кучлиликни, чидамлиликни ривожлантиради. Бунга йўл қўйилади ва ҳатто бу жуда зарур ҳам. Оиласда пољонлар етиштириш учун биз маҳсус тренировка машқларини ишлаб чиқамиз.

Тезкорлик, чаққонлик ва кучлиликни ҳамда шеригининг нозик тери ҳаракат сигналлари идрок қила олиш ҳиссини ривожлантириш учун яккама-якка курашиш элементлари бўлган маҳсус машқлар:

А) қўл ва оёқлар билан курашиш элементлари бўлган машқлар:

### I. Мувозанатни йўқотиш машқлари

1. Оёқларни бирга қўйиб, тик турган ҳолатда кафти билан туртиб, рақибини мувозанатдан чиқариш. Машқни 3-5 марта бажариш.

2. Шу машқнинг ўзи, лекин чуққайиб ўтирган ҳолатда бажарилади.

3. Шу машқнинг ўзи, лекин бир оёқлаб турилади, бошқа оёқни тиззадан букиш лозим.

4. Гимнастика скамейкасидан туриб, рақибининг кафтига кафти билан уриб, уни мувозанатдан чиқариш ва скамейкадан туртиб тушириш.

## **II. Тортиб утказиш машқи.**

1. Ўнг оёгини олдинга чиқарип қўйиш ва оёқнинг кафтини шериги оёғи кафтига тираш, ўнг қўли билан рақибнинг ўнг қўлини ушлаб, уни ўз томонга тортиб утказиш.

2. Оёқлар бирга, шеригидан бир қадам нари масофода туриш, қўл панжалари билан ушлашиб, рақибни чизикдан бир метр тортиб утказиш.

## **III. Қўл, оёқларини ушлаб олиш машқлари.**

1. Стойкада туриш, чап оёқ олдинда, оёқ учларига таяниш. Хийла ишлатиб, шеригининг елкасидан ушлаб олиш.

2. Чап тизза билан туриш, ўнг панжаларини бирлаштириш, бош бармоқни эса юҳори қўтариш. Бош бармоқни ҳаракатлантириб, хийла ишлатиб шеригининг бармогини ушлаш, босиб туришга ҳаракат қилиш.

## **IV. Қаршилик кўрсатиш машқлари.**

1. Қаршилик курсатаётган рақибнинг қўлларни ён томонларга ёзиш.

2. Қаршилик курсатаётган рақибнинг қўлларини пастга тушириш.

Б) Гавдани ушлаб олиш ва суриб чиқариш учун кураш машқлари:

### **I. Гавдани ушлаш машқлари.**

1. Чап оёгини олдинга чиқарип тик туриш, қўллар билан хийла ишлатиб, ҳужум қилиб ва ҳимояланиб, рақибни ўзига орқа билан турадиган ҳолда буриб, гавдасидан ушлаб олиш.

2. Тик туриш ва қўллар билан хийла ишлатиб, пайтпойлаш ва бир қўлини ушлаш билан шеригини олд томондан гавдасини ушлаб олиш.

3. Шеригидан бир қадам масофа унга орқа тарафдан угириб туриб, қўлларини ён томонга ўзагиш. Тренернинг сигналига биноан иккинчи шерик биринчини белидан ушлаб олишга ҳаракат қиласди, у бўлса қўлларини тезда пастга тушириб, ўзини ушлаб олишга йўл қўймайди.

4. Тик туриш ва хийла ишлатиб, икки қўли билан шеригининг бўйнидан ушлаб олишга ҳаракат қилиш.

## **II. Таянчдан ажратиш машқлари.**

1. Тик туриш, оёклар елка кенглигида, ўнг оёклари билан бир-бирига таяниш, құл ушлашиш. Шеригини үзига тортиш ва уни бир оғини полдан ажратиш үзига мажбур этиш.

## **III. Суриб ёки итариб чиқариш машқлари.**

1. Гавдаси ва құллари билан шеригига таяниш, уни бир метрли коридор өзизғидан суриб чиқариш.

2. Шеригига орқа үтириб туриб ва унинг құл панжаларини ушлаб, шеригини полдан күтариш.

3. құлларини орқага қүйиш, бир оғини тиззадан букиш. Бир оёклаб ҳаккалаб, диаметри 1.5 метр бұлган айланадан шеригини суриб чиқариш.

4. шеригининг диаметри 1 метр бұлган айланадан исталған күч билан суриб чиқариш. Бир оәк айланада бўлиши керак.

В) буюм ёрдамида ва буюм учун кураш элементлари бұлган машқлар.

## **I. Тұп билан.**

1. Шериклар иккала құллари билан тұпни ушлаб турадилар, тренернинг сигналыга биноан исталған усул билан тортиб олишга ҳаракат қилаадилар.

2. Оёклар елка кенглигида, чүққайиш, тұп икки шерик үргасида марказда туради, ўнг құл унинг устига қўйилған булади. Тренернинг сигналыга кұра ўнг құлинини үзига ҳаракатлантириб, тұпни оёклари орасидан думалатиб юбориши.

3. Тұп марказға қўйилған, тұпдан икки қадам нари туриш ва ўнг томонға бир қадам ташлаш. Тренернинг сигналыга биноан шериклар хulosса чиқаришади ва ҳар бири тұпни олишга ҳаракат қилаади.

## **II. Гимнастика таёқчаси билан.**

Полда чордона қўриб ўтириш, таёқұнг ёки чап томонда гуради, құллар тиззага қўйилади. Сигналга биноан тайқни ушлаб олишва құлинини үзига ҳаракатлантириб, уни шериги әгаллаб олишига имкон бермаслик.

Үнг ёки чап говони билан рақибининг шуларга мос товоонларига таяниш, үнг ёки чап қули билан таёқнинг ўртасидан ушлаб олиш. Рақибини ўзи томонга тортиб ўтказиш.

Таёқ шериклардан бирининг оёқ учлари ёнида, бошқа шерити говон ҳаракати билан таёқни ўзига думалатиб, ўтказишга ҳаракат қилади. Биринчи шерик бунга йўл қўймасликка уриниб, таёқни босиб олади. Машқни навбати билан 3-5 мартадан бажариш лозим.

III.Майдон буюмлар /гугурт қутиси, учиргич, коптоқча/ билан

Шеригига юзма-юз туриш, буюм унинг кафтида. Шериклардан бири буюмни эталлаб олишга, бошқаси эса бермасликка ҳаракат қилади. Машқ навбати билан 3-5 марта бажарилади.

Иккала шерик ҳам чўққайиб олган, улардан бирининг тиззасида майда буюм, у үнг қулини буюмнинг устида муаллақ тутиб туради, иккинчи шерикнинг қули тиззасида. У қўлларини ҳаракатлантириб, буюмни олиши керак, биринчи шерик эса бунга йўл қўймаслиги керак.

Шериклардан бири майда буюмни у қулидан бу қўлига ташлайди, иккинчи шерик эса буюмни ушлаб олиш ёки уни уриб пастга тушириб юборишга ҳаракат қилади.

Иккала шерик пастга утириб, қулларини бош орқасига оладилар, уларнинг ўртасида майда буюм туради. Сигналга биноан уларнинг ҳар бири буюмни биринчи бўлиб эгаллашга ҳаракат қилади.

Тўлдирма тўпдан бир метр пастда ётган ҳолатда, сигналга биноан туриб, тўпни эгаллаб олиш.

Шерикларнинг иккаласи ҳам коптоқчани ёки учиргични ушлашиб оладилар ва уни шеригидан тортиб олишга ҳаракат қилиб, ўзига тортадилар. Машқ аввал чап, кейин үнг қули билан 3-5 марта тақрорланади.

## Миллий кураш элементлари бўлган машқлар

1. Курашчиларнинг тику туриш ҳолатида хийла ишлатиш, юқори, ўртача, паст тик туриш, чап ёки ўнг оёқ олдинга, шериги билан саломлашиш, команда, топширик бўйича мустақил равишда, сигналга биноан олдинга, орқага ва ён томонларга енгил, оҳиста ва тез силжиш.

2. Йиқилиш машқлари, ўтирган ҳолатдан орқага ва ён томонга думалаш ўз-ўзини эҳтиётлаб боши билан умбалоқ ошиш, тик турган ҳолатдан орқасига ёнбошига думалаш ва шериги тутиб турганда умбалоқ ошиш, тўрт оёқлаб турган шеригининг устидан умбалоқ ошиш, тўрт оёқлаб турган шеригининг устидан умбалоқ ошиб утиш.

3. Тик турганда жуфт-жуфт булиб силжиш, шеригини ва узоқ ҳамда яқин масофани ҳис қилиб олдинга, орқага, ён томонларга силжиш. Вазифа – шериклардан бири масофани бузади, иккинчиси масофани бузмай, шеригини яқинлаштирамайди, уни узоқ қўйиб юбормай масофа сақлайди, қўл ушилашиб, навбати билан ташаббусни ўзгартириб, бир-бири билан келшиб олдинга, орқага ёки ён томонларга хийла ишлатиб силжиш.

4. Хийла ишлатиш ва қулидан ушлаб олиш, шериги билан олдинга, орқага ёки ён томонга силжиб юриш, пайт пойлаб иккала қўли билан шеригини қулидан ушлаб олиш.

5. Хийла ишлатиш ва белбоғдан ушлаб олиш, шериги билан олдинга, орқага ёки ён томонга силжиши. Сигналга биноан шеригини олд томсндан, қўли остидан белбоғидан ушлаб олиш.

6. Хийла ишлатиш ва шеригини белидан ушлаб олиш. Шериклардан бири диаметри 1 м бўлган айлана ичидаги туради, иккинчиси унинг олдида силжиб юриб, унга яқинлашади ва узоқлашади, орқаси билан ўгирилиб, атрофида айланади, қулларини кўтаради ва ҳоказо. Айланада турган шерикнинг вазифаси – хийла ишлатаетган ракибни олд ёки орқа томондан белидан ушлаб олиш. Бунда фақат бир оёғи билан айланадан чиқаришга рухсат этглади.

7. Худди шундай, шериклардан бири айланы ичида бўлади, бошқаси хийла ишлатиб юради, аммо бунда шерикни қўлидан ушлаш зарур.

8. Айланадан ташқарида хийла ишлатиш, сигналга биноан шерикни исталган усул билан ушлаб олиш ва уни ердан кутариш.

Юқорида келтирилган машқлар комплексида курашда қулланиладиган усул элементлари бор. Ҳар бир машқ маълум бир ҳаракат малакаларини шакллантиради. Умуман, бутун комплекс кучлилик, чидамлилик, чаққонликнинг ривожланишига ёрдам беради, ёш полвонларни кураш техникасини эгаллаб олишга тайёрлайди. Бу машқлар тренировка вазифасини бажаради.

Кураш тушиш оиласи айланган оиласарда болаларда курашчи булиш истаги илк ёшлик давридан пайдо бўлади. Бу ёнда болалар курашни ўрганиш иштиёклари борлигини айтадилар. Шунда оила бошлиғи ёки кураш санъатини биладиган катта ёшли кишилардан бири машгулотларни бошлаб юбориши мумкин. Бунинг учун у аввал усмирларнинг саломатлиги ҳақидаги маълумотларни олади. Улар эса, ўз навбатида, медицина комиссиясидан ўтиб, врачларнинг кураш машгулотларига бориш мумкинилиги туғрисида рухсатномасини оладилар.

Шундан сўнг оиласада курашнинг қайси тури билан шуғулланиш-бухорочами ёки фарғонача-масаласи ҳал қилинади. Ўрганиш учун танланган спорт турига мувофик түп тикилади.

Одатда болаларни миллий курашга ўргатиш учун танлаб олаётганда тренерлар ҳам, ота-оналар ҳам улар гавдисининг тузилиш хусусиятларига, жисмоний сифатларига асосланадилар. Ўсмирнинг у ёки бу спорт турига лойиқ ёки нолойиқлигини куз билан чамалаб белгилайдилар. Тұғри, зуваласи пишиқ, яхши ривожланган ўсмирдан курашчи спортчилар етиштириш осон. Спорт учун шу тарзда бола таңлашни тушуниш мумкин, лекин буни маъкулламаслик керак.

Оила болаларни миллий кураш машғулотларига жалб қиласр экан, оила уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ривожлантириш, чиниктириш, баъзи бир шахсий ва ахлоқий сифатларни таркиб топтириши назарда тутади.

Болаларни оиласда кураш тушишга ҳргатища уларнинг юксак спорт натижаларига эришиши мақсад қилиб қўйилмайди. Аммо оиласда кураш билан шугулланиб, кейинчалик спортта кунгил қўйганлар орасида жиҳдий муваффақиятларга эришган спортчилар жуда кўп.

Оиладаги кураш машғулотлари юқорида келтирилган маҳсус тренировка машқларидан бошланади. Курашга ўргатишини биринчи босқичида машғулотлар 45 минутдан ошмаслиги керак. Бу машғулотда тавсия қилинаётган ҳамма маҳсус машқларни бажариш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан равшан. Машғулотда 7-8 та машқ бажариш кифоя.

Кураш тушишга ўргатишининг иккинчи босқичи учун 10 та машғулот керак. Иккинчи босқич материалларини қўйидагича тақсимлашумкин:

#### **Биринчи машғулот.**

1. Курашчининг якка ҳолдаги туриши, ўнг, чап, туриш, юқори, ўртача, паст туриш.
2. Курашча тик туриб, якка ҳолда силжиш, олдинга, орқага, чапга, ўнгга қадам билан силжиб юриш сакраб-сакраб силжиш.

#### **Иккинчи машғулот.**

1. Курашчилар уртасидаги масофа, узок, урта, яқин масофалар, ушламасдан тургандаги масофа.
2. Курашчининг шериги билан туриш ҳолати, ўнг, чап, фронтал фқори, ўртача, паст, турли хилда.

#### **Учиничи машғулот.**

Курашчиларнинг жуфт-жуфт булиб турили масофада бир-бирини ушламай вва турили хилда ушилаб силжиши, шериги билан ўзаро таъсир кўрсатиб, қадам билан силжиш (олдинга, орқага, ўнгга, чапга) маълум масофода туриб (масофани сақлаб

ва уни бузиб) силжиш, шеригини ушламай туриб у билан турли томонга сакраб-сакраб силжиш.

#### **Тұртингчи машғулот.**

Ушлаш, тұн енгини бир томондан тұн енгини ҳар икки томондан, белбогни олд томондан билакка үраб олиб ушлаш, белбоғини орқа томондан билакка үраб олиб ушлаш.

#### **Бешинчи машғулот.**

Ушлаш, белбогни ёндан, бир томондан ушлаш, белбогни икки томондан ушлаш, белбогни құлинни рақибининг қули оатидан үтқазиб бир томондан ушлаш.

#### **Олтингчи машғулот.**

Ушлаш, құлинни рақиби елкасидан ушлаш, чап ёқасини орқа томондан ушлаш.

#### **Еттингчи машғулот.**

Ушлаш, рақиб ҳаракатини сиқиб құядиган қилиб ушлаш, түнини оғиштирма килиб ушлаш, қулоклада олиш.

#### **Саккизинчи машғулот.**

Мувозанатдан чиқариш, үзидан үнгі ва чапға силтаб, үзіға силтаб тортиб ва үзидан орқага итариб силтаб, үз атрофида үнгі ва чапға айланиб. Усулни құллаш учун рақибининг мувозанат йүқотишидан йүқотищдан фойдаланиш.

Тұққизинчи ва үнинчи машғулот үрганилган тактик усулларни тақрорлаш вә мустаҳкамлашга бағишиланади.

Юқорида курсатиб үтилған саккиз машғулотнинг ҳар бири секин суръатда югуриш, гимнастика машқларидан тағкил топиши керак. Улар беш минутдан ошмаслиги зарур. Югуриш, машқлар мускуллар зуриқишини йүқотиши, нерв системасига дам бериш мақсадида киритилади. Үргатишининг иккінчи босқичи түрт ҳафтани талаб этади.

Учинчи босқич худди иккінчи босқич каби тренировка босқичидан иборатдир. Бу босқичда кураш техникасини айрим элементлари үрганилади. Бундан ташқари, бу полвонлар тайёрлашдағы мухим босқич бўлиб, шуғулланувчилардан анчагина жисмоний куч сарфлашни талаб этади. Билобарин, куч ва нерв нагрузкалари биринчи босқичдан учнчи босқичгача астади.

секин ошириб борилади ва тұрғинчи босқичда әнг юксак даражаты күтарилади. Шундай қилиб, курашишга үргатишининг тұрғинчи босқичда турли хилда улоқтиришлар елкасидан ошириб отиш, күчоқтаб олиб рақиб оёғини оёқ билан илашгириб олиш, курашчининг үз тиззаларини рақиб тиззала-рига тираб, уни күтариб олиши, оёқ чалиш, ёнбошта қуйиб елкадан ошириб отиш, умбалоқ ошиш, рақиб оёғига уриш, гавдасини әгиш, тұнтарилиб, ураб олиш усуллари үрганилади.

Шундай қилиб, кураш тушишга үргатишининг учинчи босқичи 34 машғулотни, яны 3 ой муддатни талаб этади.

Үргатишининг учинчи босқичи тугагандан кейин оила даврасида үсмирларни курашчилар сафига құшилғанлығи билан тантанали равищда табриклаш ва уларга муваффақиятлар тилаш керак.

Курашга үргатишининг тұрғинчи босқичи – якунловчи босқич ҳисобланади. Бу даврда үсмирлар мустақил равищдаги беллашувларни бошлаб юборадилар ва буларда курашга үргатишининг аввали босқичларида әгалланған ва бундан бүён бир неча йил құманилиб такомиллашиб бориладиган билан, құникма ва малакаларни амалда құлайлайдилар.

### Тулум билан бажариладиган машқлар

Тренировка мақсадларида фойдаланиладиган тулумлар турли өғирилікта ва турли шактада булиши мүмкін. Масалан, навдасини узонроқ қилиб ишланған, бош ва қули, аммо оёқсиз тулум ҳудди шундай шактада-ю, лекин иккала оёқлари булган тулум. құл, оёқлари бутун ва устига чопон кийгизилған тулум курашчининг ҳаракатларига анча яқынлаштирилған бұлади. Тулум билан турли хил тренировка машқлари: қокма подбив, оёқ билан чалиш тулумни ёнбошдан, елкасидан, орқасидан ошириб ташлаш усули ва бошқа усуллар үрганилади.

Резина болғанда мақкамланған тулумни улоқтириш машқлари ҳам анча фойдалидір. Тулум билан машқ қылғаңда шериги билан тұқнашиб кетмаслик ва жарохатланмаслик учун

уни тұшакнинг қаерига қойиб машқ бажариш, қайси йұналишда улоқтириш тұгрисіда тренердан күрсатма олиш керак. Нагрузка дозаларини тренер вақтта қараб ёки улоқтиришлар сони буйича белгилайди. Одатджа бир тушакка 8-10 киши тулум билан шуғулланади. Тренировкаларда шуғулланувчилар навбати билан алмашиниб турадилар.

### **Курашчининг техник, тактик тайёргарлиги ва үрганиш услубияти**

Курашда усуллар техникаси ва ҳаракатлар тактикаси бир бутун ҳолатда намоён булади. Техника-кураш приёмларини бажариш услуби, тактика эса қуаш вақтида турли хил вазифаларни ҳал этиш учун техник ҳаракатларини құллаш усулидир. Бунда үзи ҳамда рақибининг имкониятини ҳисобга олиш керак, албатта.

Курашиш усуллари ва ҳаракатларига үргатиш, уларни такомиляштиришни қойидаги принцип асосида яъни приём ҳаракатларига үргатиш ва уларни такомиляштириш ҳар бир приём ва ҳаракатларни уларни комбинацияларини тушуниш асосида олиб бориш лозим.

Техник тайёргарлик - үқув-тренировка процессининг энг муҳим томони. Үқув йиллари давомида такомиляштириләди ва индивидуаллаштириб борилади. Шунинг учун ҳам унга катта эътибор берилади. Спортчининг техникаси қанчалик бой бұлса, ҳамда у курашдаги айрим приёмлар ва ҳаракатларнинг тактик маъносини қанчалик яхши гүшунса, унинг тактик маҳорати шунчалик юқори булади.

Курашчининг техник тайёргарлик даражасининг юқори булишлiği бу техник тайёргарлика, яъни қуаш соҳасидаги ҳаракат күникмаларини конкрет равища таркиб топдириш, уларни такомиляштириш, шу билан бирга энг муҳим жисмоний ва иродавий сифатларни ривожлантиришга боғылғы әканилигига асосланиши керак. Шу сабабли қуаш мактаби билан белгиланған ҳаракат приёмлари ва иш күриш усулларини

тарқиб топдириш ва такомтлаштиришда фақат усуллар техникасини эгаллаб олиш әмас, балки турли рақиблар курашганда, шу техникани моҳирона құллаш мүхимдир. Буспортчи кураш техникасини юксак даражада эгалланған бұлиши ва кураш вазиятида ғалабага еришиш учун мана шу техникани моҳирона қулай бұлиши, яни рагбараңғ тaktikaga әга булиши керак, деган гапдир. Буларниң ҳамmasи техника ва тактика бирбіри билан узаро чамбарчас боғланибтіна қолмай, балки ахлоқий ва иродавий тайёргарлик жиһатидан ҳам узаро боғлық әкаплигидан далолат беради.

### Приёмлар системаси ва техник ҳаракатлар классификацияси

Курашчининг техник усуллари ҳақида умумий тасаввурға әга булиш учун тайёрловчи ва асосий группалар берилған. Усулларни тайёрлдовчи группасыда курашчининг асосий ҳолатива ҳаракатлари, асосий группада улоқтириш, ҳимоя ва қарши усуллар очиб берилған. 1 ва 2 группаларда турли хил комбинацияллашған ҳаракатлар булиши мүмкін.

Кураш техникаси усуллари ва ҳаракатлар тактикасининг узаро ботлиқлігіни тушуниш учун курашдаги тактик ҳаракатлар схемасини үрганиш зарур. Үндән биз, ҳаракатларнинг 3 группаси борлитини, яни биринчи тайёрловчи ҳаракатлар – булар асосий ҳаракатлар: разведка, рақибининг заиф томонларини қидириш, манёвр қилиш, ҳийла ишлатиш, маскировка, рақибини чалғытишларнинг муваффақиятини таъминлаши керак. Иккінчи асосий тактик ҳаракатлар - хужум ва ҳимоя ҳаракатлари, қарши хужум ҳаракати, 3 айрим усул ва ҳаракатларини күллаб турлича курашиш, тренировка курашиши, турнир, мусобақа курашлари ва ҳоказо.

Кураш усуллари ва тактик ҳаракатлар туғрисида умумий тасаввурға әга булған усуллар системасини ва тактик ҳаракатлар классификациясini таҳдил қиласмыз. Бу классификацияда биз кураш усуллари системасини үқиши, яни жараёндаги үрганиши

изчилигига түзишга қаракат қилдик. Шубҳасиз, усуллар системасининг бундай тузилиши қатъий эмас, албатта. Шу сабабли ҳам бир тренер таълим изчилигини шуғулланувчилар контингентига қараб ижодий равища узгартириш ва такомиллаштириш мумкин.

### **Кураш усулларидағи тайёрловчи ҳамда асосий бўлимлар ва группаларга ўтишдаги изчилик**

А. Тайёрловчи ҳаракатлар-асосий ҳолат ва ҳаракатлар.

1. Курашдаги туриш ҳолатлари ва уларпинг хилмачиллиги.

Курашчининг якка ҳолдаги туриши: чап, ўнг, фронтал, юқори, уртacha паст.

Жуфт-жуфт булиб туриш:чап, ўнг, фронтал, турли номда, юқори, уртacha паст.

Масофалар: яқин, уртacha, узок, ушламаган вақтдаги.

2. Силжиб юришлар.

Турган ҳолда якка узи силжиб юриш: олдига, орқага, ўнгга, чапга, қадам ташлаб, сакраб-сакраб.

Турили масофада, бир-бирини турлича ушлаб жуфт-жуфт булиб силжиш: олдинга, орқага, ён томонларга қадам ташлаб, сакраб-сакраб.

3. Ушлашлар.

Курашчининг туни устидан белбоғни боғлаш усуллари. Белбоғдан ушлашга:

- бир қули билан белбоғнинг устидан-олдидан, таги-орқасидан;

- икки қули билан олдидан-устидан, олдидан-тагидан;

- бир қул билан ён томондан-устидан чапдан, ён томондан-тагидан ўнгдан;

- икки қуллаб-бир қул билан устидан ён томондан-чапдан, иккинчи қули билан тагидан ўнгдан;

- бир қули билан орқадан устидан-қулини бонидан ёки елкасидан утказиб, иккинчи қули билан қулини.

- бир құли билан орқасидан-тагидан белбоғидан иккинчи құли билан құлинни ушлаш усуллари киради.

Комбинациялашган ушлашлар.

- белбоғдан ва гавдасидан;
- белбоғдан құлинни ва бүйнини;
- белбоғдан құлинни ва гавдасини.

Тұндан ушлаб олишлар

- бир құли билан тұннинг енгини-устидан, тагидан;
- икки құли билан тұннинг енгини-устидан, тагидан;
- бир құли билан тұннинг елкасини-устидан;
- икки құли билан тұннинг елкаларини устидан;
- бир құли билан тұн ҳошиясини устидан, тагидан;
- икки құли билан тұн ҳошиясини устидан, тагидан;
- бир құли билан тұн ёқасини орқадан-устидан, пастдан бошидан, елкасидан ўтказиб;
- бир құли билан тұн енгини, ҳошиясини ва белбогини чалиштириб ушлаб олиш;
- икки құли билан тұн енгини, ҳошиясини ва белбогини чалиштириб ушлаб олиш.

Комбинациялашган ушлашлар:

- тундан ва құлидан;
- тунидан ва бүниидан;
- тұнидан, құлидан ва гавдасидан.

Құчоқладаб олишлар:

- гавдасидан;
- гавдасидан за белбоғидан.

Мувозанатдан чиқариш:

- үзидан үнгга ва чапга силтаб;
- оддинга үзига тортиб ва орқага үзидан итариб;
- үзи атрофида үнгга ва чапга бурилиш билан.

Алдаш ва сохта ҳаракатлар:

- құллар билан, құллари ва гавдаси билан;
- оёқлари билан алдаш ва сохта ҳаракатлар қилиш;
- құли, оёғи ға гавдаси билан алдаш;
- силжитиш ва масофа билан алдаш;

- ушлаш билан ва сохта усулларни ифодалаш билан;
- комбинациялаштирилган алдашлар.

Улоқтиришларга шайланиш:

- туриш ҳолатини үзгартириш билан;
- масофани ютиш билан;
- рақибни алдаш билан;
- сохта ҳаракатлар билан;
- куч ёрдамида таъсир курсатиш билан.

Тайёрловчи ҳаракатлар комбинациялари:

- силжиб юриш ва ушлаб олиш;
- силжиб юриш, ушлаб олиш ва мувозанатдан чиқариш;
- силжиб юриш, ушлаб олиш, алдаш ва қучоқлаб олиш;
- ушлаб олиш, оёқлари билан сохта ҳаракатлар қилиш,

куч ёрдамида таъсир курсатиш ва ҳоказо.

Асосий усул ва ҳаракатлар

Улоқтиришлар.

Асосан құллар билан улоқтиришлар

- рақибни орқага, олдинга, ён томонларга бир зарб билан кутариб ва силжиб мувозанат ҳолатидан чиқариш ға сұнг улоқтириб ийкитиши;

- белбоғдан, тұндан, белбоғ ва тұндан ушлаб улоқтириш;
- құлинини гавдасини ушлаб улоқтириш;
- тұннидан ва гавдасидан ушлаб улоқтириш;
- турли хилда ушлаб қайтарма усули билан улоқтириш.

Асосан оёқлар билан улоқтириш:

- ич томондан болдиридан, товони ташқарига ичкарига қаратиб илиб улоқтириш;

- қоқма усул билан улоқтириш – ён томондан, олдиндан, орқадан, ташқаридан ва ичкаридан;

- пойчекак усулида улоқтириш – олдиндан, орқадан, ён томондан;

- оёғи билан оёғига уриб, ушлаб олиб улоқтириш;
- илиб олиб улоқтириш.

Асосан гавда билан улоқтириш.

- сони ва елкасидан ошириб улоқтириш;

- құлларини ушлаб олиб: рақибга үгерилиб, құллар билан улоқтириш;

- құли ва бүйнини елкасига қилиб улоқтириш;

- елкасини ошириб улоқтириш;

- үз устидан ошириб, үңг ёки чап томонға улоқтириш.

Химоя.

Асосан құллари билан химояланиш:

- силтаниб, күч ишлатыб рақибнинг ушлашидан қутулиш;

- құллари билан рақиб қулинини уриб юбориш;

- құллари билан құқрагига, иялгатаяниб;

- құлларини құлинини ушлаб олиб;

- рақибинин танг ақвога солиб.

Асосан оёқлари билан химояланиш:

- оёғини, оёқларини суриб қүйиб;

- бир оёғига ағдариб;

- оёқларини орқага, ён томонға олиб кочиб;

- орқага суриб;

- оёқларини олиб қочиб.

Асосан гавдаси билан химояланиш:

- орқага чекиниб;

- гавдаси четта буриб;

- олдинга энгашиб;

- гавдасига тиравиб;

- ён томонға айланиб утиб;

- рақибига зарба бериб;

- рақибини ағдариб.

Қарши усуллар.

Қарши улоқтиришлар:

- улоқтиришта тайёрғарлик ёки улоқтиришта уриништа қарши улоқтириш.

Жавоб улоқтиришлари:

- ҳимоя олғандан кейин.

Тахминий комбинациялар.

Түрли жұналиштардағы улоқтиришларнинг тахминий комбинациясы:

- ёнламасига қоқиши - олдиндан чалиш;
- ён томондан қоқиши - елкадан ошириб улоқтириши, ичкаридан ушлаш-олдиндан чалиш;
- елкадан ошириб улоқтириши - орқадан ошириб улоқтириши.

Бирон-бир оёни билан рақибнинг ҳам худди шундай оёгини ташқи томондан илиб улоқтириши.

Бир хил йўналишдаги улоқтиришнинг тахминий комбинациялари:

- елкасидан ошириб улоқтириши;
- сонидан ошириб улоқтириши;
- ички томондан илиш-чап оёқ билан рақибнинг чап оёгини илиш;
- ички томондан илиш-ички томондан қоқиб йиқитиши.

### **Курашдаги тактик ҳаракатлар классификацияси ва мазмуни**

Курашчиларнинг беллашуви тайёрловчи ва асосий тактик ҳаракатлардан иборатdir.

Тайёрловчи ҳаракатлар - улар мусобақа қоидалари томонидан йўл кўйиладиган, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларининг муваффақиятини таъминлайдиган ҳаракатлардир. Курашиш беллашувида булар разведка, рақибининг заиф томонларини қўндириши, манёвр қилиш ҳамда уз режалалари ҳаракатлари ва ҳолатидан иборат.

Разведка - курашчининг рақиб түғрисида, унинг гавда тузилиши, хусусиятлари, сифатлари имкониятлари ва ҳолати ҳақида: кураш олиб бориши услуби - актив ёки пассив, ҳужумкор ёки ҳимояланувчи курашчилиги түғрисида: унинг яхши курган ҳаракатлари, уй-фикrlари ва ҳоказолар ҳақида ташқи ва ички ахборотлар олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлардир.

Разведка беллашувидан олдин ва бевосита беллашув вактида ҳам олиб борилади.

Беллашувгача спортчи рақибнинг фамилияси, миллати, ғалакаси, унвони ҳақида умумий маълумот олади: унинг тахминий бўйини, ташқи куринишини, ҳолатини ва ҳоказоларни аниқлайди.

Беллашув вақтида спортчининг энг севимли туриш ҳолати қандайлигини, қандай масофада туришини, қандай ушлаш усулини қўллашини ва уларнинг кучини, оёқлари билан қандай ҳаракат қилишга интилаёттанини, бирор усулини бажариш учун тайёргарликни қандай олиб боришини, ниятларини, қандай ҳужум қилиши, ҳимояланишини ва қарши ҳужум қилишини, уларнинг кучи қандайлигини, чаққонлиги ва чидамлилигини аникләш айниқса мухимдир. Разведка купрок тайёрловчи ҳарактердаги ҳақиқий ва соҳта ҳаракатлар билан ҳамда курашшиш-севимли усулларини қўллаш билан олиб борилиши мумкин.

Курашиш вақтида курашчи психолог бўлиши-рақибининг ҳолатини билиши; физиолог бўлиши-ҳаракатлари, нафас олиши ва тер чиқишига қараб рақибининг ҳолатини билиши: артист бўлиб, рақибни соҳта ҳаракатлар билан алдаб, түғри усул қўллагиздан адаштириб ўйнаши, рақибга ўз кураш режасиини мажбур этувчи ва бу билан ўз режасиини қатъий амалга оширувчи ҳамда ғалабага эришувчи мард, иродали споргчи бўлиши керак.

Ҳийла ишлатиш-якка ҳолда рақибини ушлаб олиш турли хилда силжиш, қулай шароитлар яратиш ҳамда усулни муваффақиятли қўллаш, ҳимоя ва қарши ҳужум учун қулай пайт танлаш мақсадларида тайёрловчи ҳаракатлар қилишдир. Турли ҳолатда ва турли масофаларда туриб, алдаш ҳаракатлари ва соқта ҳаракатларни, ундаш, таклиф қилиш усулини қўллаб, шунингдек танланган усулни ёки қарши ҳужум ҳаракатини ўтказиш учун ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларидан фойдаланиб ҳийла ишлатиш мумкин. Ҳийла билан спортчи ташаббусни ўз қўлига олишга, активлик қўрсатишга, керакли ҳаракат учун тўшкадан қўлай жойни танлашга баъзан эса рақибидан қочишга ҳаракат қиласди.

Рақибидан үзининг ҳақиқий ниятларини яшириш, унинг хушёргилигини йўқотиш, чалғитиш ва ўзи үйлаган режасини амалга ошириш мақсадида ҳаракатлари ва ҳолати маскировка қилинади. Маскировка ҳаракатларида тажрибали спортчилар рақибларига ўзларини бамайлихотир, сусткаш қилиб кўрсатадилар, баъзилар бушашагн бўлиб, тўсатдан бутун кучларини ишга соладилар, баъзи бирлари истийдодли артист каб асбийликни ифодалайдилар - у ёқдан бу ёққа юрадилар, мускулларини силкитадилар, бошқалари эса курашиш олдидан бамайлихотир, бушанг ёки ўзига ишонч билан ўтирадилар ва ҳоказо.

Хар бир курашчи ўзига хос маскировка услубига эга бўлади. Шунинг учун баъзан унинг нияти чин ёки сохталигини аниқлашжуда қийин бўлади.

### Асосий тактик ҳаракатлар

Қатъий ҳужумкорлик ҳаракатлари, мудофаа-химоя ва қарши ҳужум ҳаракати асосий тактик ҳаракатлардир. Ҳужум қилишдаги оддий атака усули ва ҳаракатларига қўпроқ бир суръатда бажариладиган ва бир тактик вазифани ҳал қиласидиган айrim улоқтиришлар киради. Улар пойпечак, қоқма усуллари билан ва кутариб улоқтириш: бир силтаб кутариб олиб, энгашиб елкадан ошириб улоқтириш усуллари.

Ҳужум қилишдаги мураккаб атака усули ва ҳаракатлари – булар икки темпда алдаш, соҳта ҳаракатлар билан биргаликда бажариладиган улоқтириш ҳамма турли хил комбинациялар-усуллар мажмуидан иборат.

Мудофаа усул ва ҳаракатлари – булар ҳимоя ва қарши ҳужум ҳаракатлари. Ҳимоя ҳаракатларига қўйидагилар киради: рақибнинг ҳужумда қўллайдиган усуллари, қарши усул ишлатиш билан ҳужумдан қутилиш ёки ундан қочиш.

Қарши ҳужум ҳаракатлари-бу рақибнинг ҳужумига қарши ҳужумни тайёрлаётганда ташабbusни ўз қўлига олиш ва қарши ҳужум усулинин олдинроқ қуллаш учун ҳужум қилиш ёинки

қулай химояланиб олиб, кейин қарши хужум қилишдан иборат. қарши хужумлар бу ўз номи билан рақиб хужумнинг якунловчи вазифасига қарши жавоб хужуми бўлиши мумкин.

Тактик тафаккур ва ҳаракатлар тезлигини тарбиялаш учун ўқув-тренировка машғулотлари жараёнида курашни энди ўрганувчилар, разрядли спортчилар ва мастерлар билан турли хил ўқув, контрол ва календар мусобақаларини доимо режасилаштириш ва ўтказиб бориш керак. Котрол мусобақаларида вақтни қисқартириб ва ошириб ҳамда мусобақа қоидалари бўйича беллашулар ўтказиш лозим. Турнир беллашувини эсма ҳудди класификацион ва календар мусобақалариdek ўтказиш зарур.

Тактик ҳаракатларини турлича класификациялаш мумкин. Мазкур класификацияда курашчи учун муҳим бўлган ҳаракатлар тактикасининг асослари очиб берилган.

### **Асосий ҳолат ва силжишларга ўргатишнинг техника, тактика ва услубияти**

Ўзбекча миллий курашга ўргатиш услубиятини биз курашнинг олимпиада турлари резерви сифатида разряди спортчилар ва спорт мастерлари тайёрловчи машғулотларнинг воситалари, услуби ва турли формалари бирлиги деб қараймиз.

Курашчиларни тайёрлаш техникаси, тактикаси ва услубиятини баён қилишда материаллар узаро боғлиқ ҳолда юритилади. Бунда ўқитиш ва тарбиялаш услубияти шугулланувчиларнинг тренер раҳбарлигига ижодий мустақил фаолияти учун бериладиган гендерни системаси асосида тузилади.

Мазкур услубийка найзабозлик, бокс каби яккама-якка олишиш турларида кенг очиб берилган. Шунингдек, буни миллий курашда ҳам очиб беришга ҳаракат қилинган. Биз материалларни қўйидагича система бўйича баён қиласиз:

Шугулланувчилар олдига хусусий вазифа қўйиш.

Курашчиларни ўюштириш ва ҳаракатлар тутрисида ахборот бериш.

Ҳаракатларва уларни бажаришга доир топшириқлар. Тренернинг нималарга эътибор берини, камчиликларни ва хатоларни йўқотишга оид берган услубиик кўрсатмалири, техник-тактик ҳаракатларни шахсан баҳолаш.

### Курашчининг тик ҳолати ва унинг тур-ҳолатлари

Хусусий вазифа:

Курашчининг тик ҳолатларга ўргатиш.

Группани узига қарагиб, икки шеренкага сафланганидан кейин, тренер курашчи гик ҳолатининг тактик аҳамиятини тушунтиради ҳамда ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларида курашчининг энг қулай, фойдали ҳолати сифатида уни намойиш қилиб кўрсатади. Шуңдан кейин, тренер тик ҳолатини бажариш техникасидаги асосий томонларини, қўл, оёқ, гавда, бошнинг ҳолатини баён қиласди.

Ҳаракт ва уни бажаришга оид топшириқ.

1-топшириқ. Асосий тик туриш ҳолатидан чап, ўнг оёқни олдинга бир қадам ташлаши, оёқлари тиззадан бир оз букиш, гавдани олдинга бир оз энгаштириш, ярим букилган қулларни олдинга чиқариш, гавда оғилигини ҳар икки оёққа бир хилда тақсимлаш бу курашчининг юқори тик туриши.

Мустақил равишда 8-10 марта курашчининг юқори тик туриш ҳолатини эгалланган ҳолда шу ҳолатни 5-6 секунд, ҳис этиши ва дастлабки ҳолатта қайтиши.

Услубиик кўрсатмалар:

Туриш ҳолатини эгаллаб барқарор ҳолатни ҳис этинг.

- ортиқча зўриқманг;
- қулларни ҳаддан ташқари олдинга узатманг;
- оёқларнинг тўғри жойлашишига эътибор беринг;
- гавда оғирилигини ҳар икки оёққа бир хилда тақсимланг, олдинга қараб туринг.

2-топшириқ. Курашчининг тик туриш ҳолатини эгалланг, аммо юқори, ўртача, паст туриш ҳолатларини алмаштириб

туринг. Тренер топширикни бериш билан бирга турлича тик туриш ҳолатларини күрсатади.

Турлича тиктуриш ҳолатларини бажаринг.

### **Курашчининг силжиш усуллари ва оралиқ масофа**

Ҳусусий вазифа: турли масофоларда туриб, якка ҳолда силжишга ўргатиш. Курашчиларнинг тактик ниятларига қараб силжиш. Ҳаракат усуллари турлича: яқин, урта ва узок масофалардан туриб ўтказилиши мумкин.

Яқин масофа-курашчилар бир-бирларига бевосита тегиб турадилар.

Ўрта масофа-курашчилар бир-бирларини узатилган қул масофасида ушлаб оладилар.

Узоқ масофа-курашчилар ушлаша олмайдилар, бир-бирларини чамаси 1,5-2 метр оралиғида турадилар.

Масофадан ташқари-курашчилар бир биридан күпроқ масофа нарида турадилар.

Жуфтлама қадам билан олдинга, орқага ва томонларга силжиш усулларини намойиш қилиш тренерга юзи билан қараган ҳолда икки шеренкага ўтказилади.

### **Ҳаракат ва уни бажаришга оид топширик**

1-топширик. Чап ўнг туриш ҳолатидан битта-битта жуфтлама қадам ташлаб 1 минут мобайнида олдинга силжиш, кейин орқага туриб тұғыр қадам ташлаб қайтиш.

Үслубиик күрсатмалар:

- оёқларни чалиштирмай, орқада турған оёқни ерга оёқ учы билан қўйиш;
- оёқларни унча кенг ҳам, унча тор ҳам қўймаган ҳолда бир оз букиб туриш;
- оёқни тахминантовон кенглигига қўйиш.

2-топширик. Олдинга, орқага, чапга ва ўнгга якка қадам билан силжиш. қадамни дастлаб бир маромда ташлаш, кейин

Эса ритмни узгартыриш-гоҳ тез, гоҳ ўртача, гоҳ секин суратда қадам ташлаш. Топшириқ икки минут мобайнида бажарилади.

#### Услубиик күрсатмалар:

- силжиёттанды шеригига ақамият беріб борищ, у билан туқнашиб кетмасликка интилиш;
- суръат ва ритмни бузиб, қадам узунлигини узгартыриш, гоҳ кичик, гоҳ ўртача, гоҳ катта қадам ташлаш;
- құлларни пастга тушурмасдан туриб, гүё шеригини ушлаб турғандай ҳаракат қилиш.

3-топшириқ. Якка ҳолда силжишни турли хилда бирлаштириб такомиллаштириш.

Узок масофада бир-бириға қарама қарши икки шеренкага сафланиш.

Биринчи номерлар масофани сақлашға ҳаракат қила-дилар, иккінчи номерлар эса масофани бұзадилар. Топшириқ 1 минут мобайнида бажарилади, сүнгра номерлар алмашинилади.

### Жуфт-жуфт булиб туриш ва шу ҳолда силжиш

Хусусий вазифа: курашчини жуфт-жуфт булиб ушлапшиб туриш ҳолатига ва шу ҳолатда силжишға ўргатиш. Курашчиларни 3 метр масофада бир-бириға қарама-қарши сафлаш. Тренер сафнинг ўртасида туриб бир ўқувчи билан юқори, ўртача ва наст туриш жуфт-жуфт ҳолда ҳолатини ҳамда курашчиларнинг бир-биrlарини ушлашиб, турли томонға жуфт-жуфт булиб силжишига оид асосий усулларини күрсатади.

Узоклаштиришни муваффакиятли бажариш учун усталык билан ҳаракатқилишға тайёрланишнинг қулай услуги сифатида жуфт-жуфт булиб силжиш тактикасини тренер қисқача тушунтиради.

Ҳаракат ва уларни бажаришга оид топшириқлар.

1-топшириқ. Хилма-хил туриш ҳолатида бир-бирини ушлашиб, шериги билан олдинга, орқага ва ён томонларға силжиш. Юқори туриш ҳолатини олгач, шериги түпининг

енгини юқорисидан ёки пастидан ушлаб, жуфтлама қадам билан турли томонга силжиш 2 минутдан кейин туриш ва ушлаш ҳолатини мустақил равишда ўзга өтириш.

Услубиик күрсатмалар:

- силжитаётганда қадамларни хилма-хиллаштириш, жуфтлама ёки құшалоқ қадам ташлаң;
- силжиш тезлигини хил ма-хиллаштириш, қадам узунлигини ўзгартыриш;
- силжиётиб ушлаш ҳолат ини: юқорирок, пастроқ, ўзига үнгай қилиб ўзгартыриш;
- ёнида машқ үтказилаётта жуфтларга эътибор бериш, улар билан тұқнашиб кетищдан сақланиш.

2-топшириқ. Ҳудди шундай шериги билан ушлашиб олдинга, орқага, ён томонларға ва айланабўлиб силжиши. Шериги бир оз қаршилик күрсата ди.

Услубиик күрсатмалар:

- шошилмасдан, ушлаб олиш і учун қулай пайтни таңлаш;
- силжиётганда барқарор турғыш ҳолатини сақлаш;
- неча марта тортиб үтказган шеригини ҳисоблаб бориши;
- шеригини тортиб үтказганда қоидани бузмаслик, ушлаб олгач құлни қўйиб юбормаслик.

Машқларни бажарғандан кейин тренер ҳар бир шуғулла-наётган жуфтлиқдан неча марта тортиб үтказғанликларини сўрайди ва уларнинг ҳаракатларини баҳолайди.

### **Курашчилар кийимига, белбоғини боелашга қўйиладиган талаблар ва кураш тұшагин чиг ўлчамлари**

Хусусий вазифа: курашувчи-полвснларинг кийимлари, белбоғни боелаш ва кураш тұшагининг тузилиши билан таништириш.

Курашувчи спортчи батартиб, тоза, жамоа эмблемаси бўлган ва ўзига мослаб тикилган кийимда булиши керак. Полвоннинг кийими ўзбекча миллий, бир оз катта килиб

тикилган ишгоңдан ва турлі і рангдаги иккита белбоғ кийикчадан иборат бұлади. Ишгоң иң идан албатта плавка кийилади.

Бухоро қоидаси бүйіч: 1 курашиш үчун тұпнинг бүйі бир оз калтароқ қилинади. Фаро: онача усулда эса түн тиззадан 10-12 см пастта тушадиган қилиб тикилади. Белбоғ петля қилиб ва белидан бир мушт ұтадиган қилиб боғланади. Белбоғнинг туғри боғланғанлигини судьялар беллашув иштирокчилари олдида текширади. Тренер белбоғ ини боғлаш усулларини күрсатиш керак.

### **Харакат ва уни баж әришга доир топшириқлар**

1-топшириқ. Белбес арни тартибға солиш, бир-бирига қараб, қарама-қарши жұт-жұфт бўлиб сафланиш, навбати билан үртоғига белбоғи и боғлаб қўйиш ва уни тұғри боғланғанлигини текшири ш. Бу топшириқни бажаришга иккি минут вақт берилади.

Услубиик күрсатмала р:

Белбоғ куракка мақам боғланади, кейин эса белга туширилади:

- мушт белдаги белбоғ қа пастги томондан суқилади.

2-топшириқ. Үртесі та белбоғини боғлаш, уннинг тұғри боғланғанлигинип текшириш ва уни ечиб олиш. Бу операция 3 марта тақорланади.

Услубиик күрсатма р:

Белбоғни халқа қилы 5 боғлаёттанда шошилмаслик керак. У пишик боғланиши лозим.

- боғлагач, яна бир түриб маҳкамлаш керак, лекин у жуда бүш ҳам булмасин.

3-топшириқ. Курап түшаги юзасидаги бир жойнинг вазифасини таҳлил қилиш.

Тренерни тушунти'чиш'лари: түшакнинг үлчами 10X10, ишүрни диаметри 9м, айланана қизил чизиқнинг диаметри 1м. Беллашувни бошлаш марказыннан диаметри ҳам 1м. Айлананинг ташқарисида - рәзминка қил иш жойи. Иккى қарама-қарши

томиснданға бурчақда полвоннинг чиқиши жои. Улар турли рангда бұлады. Кураш түшаги юзасидаги жойларнинг қаңдай мақса-да күзлаб қилишини тренер гушунтиради. Шундан кейин тренер үзиниң түшунтиришләрини савол бериш билан мустақамлайды ва ўқувчиларнинг ҳавобини баҳолайды.

### **Қишлоқ жойларида миллий кураш учун очик жойдаги кураш түшаги нинг тузилиши**

Қишлоқ жойларида кураш түшаги тайёрлаш учун спорт майдончалар тренеровка - дарснинг гайёргарлик қисмими үтказа оладилар.

Түшакнинг тузилиши учун діаметри 12 м булған ерии үлчаб олиш, уни 80-90 см чуқурлықда қазиши ва қуйидаги тарұда гүлдириш керак.

1. Чуқурга 10-15 см қалинилікта қуруқ қум солинади, уннинг устида 20-25 см қалинилікта шох-шаббас ташланади.

2. Шох-шаббалар устида 15-20 см қалинилікта шелуха ёки тозаланған шахтадан чиққан чиқындар солинади, уларнинг устидан 30-40 см қалинилікта кипик, кириңди ташланади. Ана шуларнинг ұммасини үсти брезент ёки юмшоқ тивитли ёпчиқ билан қорежасиади.

Бұшдай түшакда ўқув группасы билан машғулот үтказиши, шунингдек кичикроқ мусобақалар, масалан: жамоа, мектеб, қишлоқ, колхоз бириңчилигини ҳам үтқазиши мүмкін. Бундан ташқари, ана шундай құлбола түшаклар азкур актабда кураш дарсларини үтказишига хизмат қилағы. Үзбекистон шароитида уларда йилига 8-10 ой машғулот үткәши мүмкін.

Агар бундай ураш түшаги стадионда ёки спорт майдон-часи ёнида барпо қилинса, янада маңкул. Чунки унда ўқувчилар ва спортчилар акробатика элементтерини машқ қилишлари мүмкін ва ҳоказо.

Ұшлаш ва улардан қутулишта ургатышнинг тактикаси, техникаси ҳамда услубияти.

Хусусий вазифа: курашчиларни ушлашнинг тактик вазифаси ва уларни бажариш усуллари билан таништириш.

Ушлашларни қўлаш тактикаси ва техникасини тушунтиришдан олдин тренер спортчиларни икки шеренкага сафлайди. Спортчилар тренер тушунтиришларини тик туриб ёки тўпакда ўтириб тинглашлари мумкин. Шериги-рақибини ушлаш турли хил улоктириш кўринишидаги муҳим воситадир.

Ушлаш бир ёки икки қўл билан рақиб-шерикнинг тўнидан, белбоғидан, қулидан, буйнидан, гавдасидан ёки аралаш ҳолда ушлаб олиш билан бажарилади. Тренер ўқувчилирдан бирини чакириб, у билан турлича ушлашларни қўрсатади.

Ушлашда масофани ҳис қилиш катта рол ёйнайди. қулай ва ўз вактида ушлаб олиш учун курашда бирор усульнни қўлаш тайёрловчи ҳаракатларнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади.

Техник-тактик йўналишга қўра ушлашлар қўйидаги ҳаракат группаларига бўлинади ва қўлланади:

1. Қул ёки қўлларни ушлаб олишга булган ҳаракатни ифодаловчи сохта ушлаш.
2. Даствлабки ушлаш - улар асосий ушлашга ўтиш учун даствлабки ҳулай ҳолатни таъминлашни назарда тутади.
3. Асосий ушлаш - булар ёрдамида ҳақиқий, асосий улоқтириш усули қўлланилади.
4. Мудофаа ушлашлари рақибнинг ушлаб олганидан қутилиш, унинг усул қўллашини қийинлаштириш ёки унга имкон бермаслик мақсадида қўлланилади.

5. Қарши ушлаш-бу усульнни рақибининг ушлашига карши бажаради ёки унинг ушлашидан ҳимаялангандан кейин унга ўзини ушлаш билан жавоб беради ва ўз рақибига ҳужум қиласди.

Ўзбекча миллий курашда қўлланадиган асосий ушлашлар илвадати расмда курсатилган. Тренер қўрсатмали қуролларни намойиш қиласди ва шулар асосида шуғулланувчилардан сўрайди.

А) унг қўл билан тунининг ёқасини, чап қўл билан билагини қўл панжаларига яқинроқ жойдан ушлаш;

Б) иккала қули билан шеригининг билакларидан ушлаб олиш;

В) бир қули билан түн ёқасининг устки томонидан ушлаш;

Г) бир қули билан түн ёқасининг ички томонидан ушлаш;

Д) иккала қули билан түн ёқасининг ташки томонидан ушлаш;

Е) иккала қули билан түннинг енгини устки томонидан ушлаш;

Ж) иккала қули билан түн енгини ён томонидан ушлаб олиш;

З) иккала қули билан түн енгини остки томонидан ушлаб олиш;

И) иккала қули билан елқадан ва тирсакдан пастидан ушлаб олиш.

Илованинг кейинги расмида рақиб белбоғини бир ва икки құл билан ушлашнинг энг оддий усуллари күрсатилған:

А) белбоғни бир қули билан олдиндан, иккинчи қули билан түн елкасидан ушлаш;

Б) белбоғни иккала қули билан ён томондан ушлаш;

В) белбоғни қули билан ён томондан ушлаш;

Г) белбоғни иккала қули билан олдиндан-пастдан ушлаш;

Д) белбоғни иккала қули билан олдиндан-устидан ушлаш;

Е) белбоғни бир құл билан орқадан-устидан, иккинчи қули билан гавдани ёки түн енгини ушлаш;

Ж) белбоғни бир құл билан орқадан-пастдан, иккинчи қули билан гавда ёки елкани ушлаш;

З) унг қули билан құлтиғидан, чап қули билан биљбогни ушлаш;

И) белбоғни икки құл билан, құлларини рақиб құлтиғи остидан үтказиб, бөли устидан ушлаш.

Узбекча миллий курашда ~~түп~~ нча унг қули билан рақибнинг чап енгини ташки тәмондан ёки пастдан, тирсак ёнидан, чап қули билан эса түн ёқисдан ёки чап қули билан рақиб түннинг унг енги ва унг құл билан ёқаси ушланади.

Бундан гашқари, рақиб белбогини бир ва икки құл билан турли хилда ушлаш ҳам құп құлланади.

Хусусий вазифа: курашчиларни шеригининг қаршилигисиз ва шериги қаршилик құрсатганда амалда турли хил ушлашни бажаришга үргатади.

Тренер орадаги масофани анча үзок олиб, курашчиларни бир-бирларига юзма-юз қилиб икки шеренкага сафлайды ва шеренкалар биринчи ёки иккінчи деб үз номерларини айтадилар.

1-топшириқ. Бириңчи номерли спортчилар олдинга бир қадам ташлайдилар ҳамда шеригини бир құлидан, икки құлидан, чап қули билан үнг құлини, үнг қули билан түн ёқасидан ушлайдилар. Шериги қаршилик құрсатмайды. Ушлаш усулларини құрсатади.

Хар бир ушлаш усули 5-6 мартаңдан үртака суръатда бажарилади.

Услубиик құрсатмалар:

құллари билан ҳийла ишлатиш, тұстадан шеригининг құлидан, иккала құлидан ёки түп ёқасидан ушлаб олиш.

Хар қандай усулда ушлашда ҳам гавдасининг курашчасига тик туриш ҳолатида булишшигini хис этиши.

3-4 та турли хил ушлашни бажариш ва үрин алмашиш керак.

2-топшириқ. Түн ёқасини ва енгини ушлаш усулларини бажариш. Машқ дастлаб шеригининг қаршилигисиз, кейин бир оз қаршилик құрсатганида навбати билан 3-4 марта бажарилади. Уни дастлаб биринчи, сүнгра иккінчи нөмерлар мустақил равища 3 минут давомида бажарилади.

Услубик құрсатмалар:

Бир ва икки құл билан түн ёқасини ички, ташқи томондан: түн енгини устки ва остки томондан, тирсакнинг пастилан, юқоририғидан ушлаш усулларини бажариш.

3-топшириқ. Юқоридаги ушлашларни бажариш, лекин ҳийла ишлатиб, олдинга, орқага ва ён томоңларга қадам ташлаб,

пайт пойлаш ва навбати билан шеригини ушлаб олиш. Машқ 3 минут давомида бажарилади.

Услубиик күрсатмалар:

- силжитаётиб, бошқа жуфтликлар билан түкнашиб кетмаслик керак;

- ушлашларга йўл қўйиб, баъзан ундан қутилиш ва қарши ушлаш усулини қуллаш;

- қўллар билан хийла ишлатиб, ўзи учун барқарор туриши ҳолатини эгаллаб, аввал соҳта, кейин асосий ушлашга ўргатиш.

Хусусий вазифа: белбоғни бир қўл билан, икки қўл билан, турли қўллар билан ушлашга ўргатиш.

Тренер шуғулланувчиларни ушлаш усулларига ўргатишдан олдин уларни ўзига қаратиб икки шеренкага сафлайди. Сўнгра сафни бир-бирига юзма юз қилиб қайта сафлайди. Сўнгра тренер бир ўқувчини саф олдига чиқариб, у билан бирга белбоғни бир, икки қўл билан турли усулларда: устидан, остидан, ён томондан, қўлларини қўлтиги тагидан ўтказиб орқа томондан ушлашни кўрсатади.

1-топшириқ. Шериги ёнига келиш ва бебоғни ҳар бир қўли билан олдиндан-юқоридан ва остидан, ён томондан ушлаб қуриш. Шериги қаршилик кўрсатмайди, ушлашга йўл қўяди, сўнгра рақиби белбоғидан ушлаб олади.

2 минут мустақил машқ қилади.

Услубик күрсатмалар.

- белбоғдан ушлаш усулини турлича ҳолатида бажариш. Белбоғни ушлагандан кейин ва шеригининг ҳолатини ҳис қилиш;

- ушлагандан кейин олдинг абири қадам ташлаш ва яқинлашишни тезлаштириб, шеригининг белбоғидан ушлаб олиш;

- ушлаганда бўшашмасдан, ўзи учун қулай туриш ҳолатида булиш.

2-топшириқ. Узок масофани туриб, қўллар билан хийла ишлатиб, тезда олдинга, орқага ёки ён томонларга қадам ташлаш ва исталган қўл билан шеригининг белбоғидан ушлаб олиш.

Шерик бир оз қаршилик күрсатади ва ўзи ҳам уртоғини кулагай равища ушлаб олишга ҳаракат қиласы. Машқ 3 минут давомида бажарилади.

Услубиик күрсатмалар.

- туриш ҳолатини ўзгартыраёттанды ортиқча зурикиб құймаслик, енгіл ва чақон ҳаракат қилиш керак;

- құллар билан ҳийла ишлатыб, бир хил ҳаракатларни тез-тез тақорламаслик лозим, лекин сохта ушлашлар қилишга рухсат этилади;

- ушлаганда тұсатдан бир құл билін белбоғни қаттық чангаллаб олиш, иккінчи құл билан тұннинг енгини ёки ёқасини ушлаш керак.

3-топшириқ. Иккі қули билан белбоғ олдиндан, пастдан, устидан ушлаш ҳамда гавда ёки елкадан ушлаш усулларини бажариш.

Тренер бирор үқувчи билан иккі құллаб ушлаш усулларини күрсатади.

Иккі құл билан белбоғдан ушлаш ва аралаш усуллари синааб қүрилади. Шериги қаршилик күрсатмайды. Бир-бiriннинг белбоғларидан ушлашиб, қаттық ушлашғанылыгини кис қилиш. Сунгра буни хилма-хил туриш ҳолатида бажариш, олдинга, орқага, ён томонларга ва айланма буйлаб силжитиши.

Машқни 3 минут давомида бажариш.

Услубиик күрсатмалар.

Турили хил ушлаш усулларини бажаринг, улоқтиришни тайёрлаш учун ушлаганда гавданинг эң қулагай ҳолатини ҳис қилинг.

Навбати билан шеригингизни үзингиз истаган усулда ҳаракат қилишга мажбур этинг ҳамда ўз усулингизни олдинга, орқага ва ён томонларга силжиб бажаринг.

Айланана буйлаб силжиганда ҳар иккі томонға ҳаракат қилинг.

4-топшириқ. Белбоғни турили усулда ушлаш ва аралаш ушлаш усуллари бажарилади, лекин шериги бир оз қаршилик күрсатади. Беллашувчиларнинг ҳар бири бошқасини қулагироқ

ушлаб олишга ҳаракат қиласы. Ушлаб олғач 20-30 дақыла давомида турлы усуллар билан сиљкиш керак. Шундай кейинги ҳаракат-ушлашдан қутулишга ҳаракат қилиш, яна ушлаб олиш ва 3-4 марта шундай сиљшиш.

Машқ 5 минут давомида бажарилади.

Услубиик күрсатмалар.

Яқынлашиш ва ушлашларни қулай туриш ҳолатида бажариш.

Сиљжитаётиб, шеригини бошқариш: уни сиқиб қўйиш, ўзига тортиш, айланы бўйлаб гоҳ бир, гоҳ иккинчи томонга олиб юриш.

Шуригига қаршилик кўрсатиш, лекин ушлагандага қўйиб юбормаслик керак.

5-топширик. Эркин силжиб юриб ва қўллари билан ҳийла ишлатиб, шеригини исталган усулда ушлаб олиш, шериги бир оз қаршилик кўрсатади.

Машқни навбати билан биринчи номерликлар 3 марта ва иккинчи номерликлар ҳам 3 марта бажарадилар. Узоқ масофада турилади. Машқ уртacha тик туриш ҳолатидан бошланади.

Услубиик кўрсатмалар.

Сиљжиётиб, ҳэр бир жуфтлик учун белгиланган жойдан четга чиқмаслик.

Қаршилик кўрсатиб, ушлашдан исталган усул билан қутулишга рухсат берилади.

Агар ушлагандага шериги учун ноқулай бўлса, ёки у оғриқ сезса, ҳа дейиши ёки гавдасига 2 марта уриш, чапак чалиш билан сигнал бериш зарур.

6-топширик. Ҳар бир жуфтлик турлича ушлаш ва ушлаб силжитиш усулларини 10 балл шкала буйича баҳо олиш учун намойиш қиласы.

Бир минут машқ бажарилади. Бир жуфтлик тўшақда булади, қолганлар ўтирган ҳолда уни кузатадилар. Тренер ҳар бир жуфтликтининг машқ бажаришини кузатади ҳамда камчилик ва хатоларни кўрсатади.

## **Рақибни мувозанатдан чиқариш ва йиқитиш усулларига ургатиш техникаси, тактикаси ва услубияти**

Хусусий вазифа: рақибини мувозанатдан чиқариш усулларининг техник-тактик аҳамиятини тушунтириш.

Спортчилар гимнастика скамейкаларида ўтириб, тренернинг тушунтиришларни тинглайдилар ҳамда усул ва ҳаракатларнинг кўрсатилишини кузатадилар.

Тренернинг тушунтиришлари: Ҳар бир спортчи рақибини улоқтиришга ўтишга қулай фурсатга эга бўлиши керак.

Курашчининг маҳорати кўп жиҳатдан ўз ҳаракатлари билан рақибини бир зум мувозанат йўқотишга, бир оёқлаб туриб қолиша, бир томонга оғишга мажбур этиш малакасига боғлик. Шу вақтда хужум қилувчи бутун кучини рақибнинг кўл, гавда, оёқ ҳаракатларида мувозанат йўқотишга қаратиши ва шу йуналишда уни узоқлаштириши керак. Буидан ташқари, рақибнинг мувозанатни тиклашга оид ҳаракатларидан ҳам моҳирона фойдаланиб, уни қарши йуналишда улоқтириш мумкин.

Шуни эсда тугиши керакки, рақибни мувозанатдан чиқариш ва ўзининг барқарор ҳолатини саклаб қолиш учун энг қулай туриш ҳолати: полвоннинг юқори, ўнг ёки чап туриш ҳолатидир. Шунингдек, бу туриши ҳолати хийла ишлатиш ва улоқтириш учун дастлабки ҳолат сифатида ҳам анча қулай ҳисобланади.

Ҳар бир курашчи-полвон туриш ҳолатида беллашаётганда рақибини яхшилаб ола билиши, уни мувозанатдан чиқариш учун қулай пайт танлаши ва улоқтириши керак.

Рақибни мувозанатдан чиқариш ва улоқтириш муваффақиятли ўтказиш учун полвонлар беллашувларда иккита асосий ҳаракат усулини кўлайдилар.

1. Ўз кучларидан ва рақибининг ҳаракат кучидан фойдаланадилар.

2. Ўз кучларини рақибнинг ҳаракат кучи билан қўшиб, фойдаланадилар, полвон ўз куч-ғайратини ҳаракат қилаётган йуналишга сарф этади.

Шундай қилиб, рақибини үзига тортиш, силташ ёки ажратиб юбориш, қадам ташлаб силжиш, гавдани буриш ёки әнгаштириш билан мувозанатдан чиқариш мумкин.

Тренер рақибини турған жойдан ва ҳаракатда үзига тортиш, үзидан үнгга ва чапға силжиш, олдинга ва орқага силтаб күтариш, қадам ташлаш, үзи атрофида бурилиш ва гавдани әнгаштириш билан мувозанатдан чиқариш усулларини күрсатади. Тренер усулларни құрсатаёттанды үқувчи ийқилаёттанды вактда уни кийимдан ушлаб қолиши, әхтиётлаш усулини құрсатади.

Хусусий вазифа: улоқтиришни тайёраш учун рақибини мувозанатдан чиқариш усулларига ургатиши. Бу усулларга үргагищдан олдин тренер шүгүлланувчиларни үзига қаратиб, кейин эса бир-бирига юзма-юз қаратиб икки шеренкага сафлайди.

Оғи ҳисобига мувозанатдан чиқариш ва комбинациялашган усуллар турли усулда улоқтиришларни үрганиш билан бирга ёритилади.

1-топшириқ. Жуфтликлар бир-бирларини ушлашиб олиб олдинга, орқага ва ён томонларга силжитиши ҳамда шеригини үзига тортиш, турли томонга силташ билан құл ва гавдани ҳаракатлантириш ҳисобига мувозанатдан чиқаришга ҳаракат қилишади. Шериги мувозанатни йүқоттанды үртоғи унинг кийимидан тутиб қолади. Тренер тақрорий равища ушлаш усулларини күрсатади. Машқ 3 минут давомида бажарилади.

Услубиик күрсатмалар.

Ушлаш усулларини хима-хиллаштириш ва шеригини мувозанатдан чиқариш учун анчагина қулай бұлған усулни тәнлаш керак.

Шошилмаслик, силжитаётиб кейинги ҳаракат учун қулай пайғын сезиш зарур.

2-топшириқ жуфт-жуфт бўлиб силжитиши мувозанатдан чиқариш усулларини тақомиллаштириш. Машқ 3 минут давомида бажарилади.

Тренер ҳар бир жуфтликка ва якка үқувчига услубиик күрсатмалар беради ва шундай услубиик усул билан шериллари

3-5 марта алмаштиради. Баъзан у кучлиүкүвчини қучлиси билан, анча бўш ва енгил ўкувчини ўзига ўхшаган ўкувчи билан шерик қилиб қўяди.

3-топшириқ. Силжилб юриш ва шеригини мувозанатдан чиқаришга ҳаракат қилиш, лекин қўшимча равишда усулларни қадам ташлаш, бурилиш ёки гавдани энгаштириш билан синааб куриш.

Тренер бирор ўкувчи билан усулларни курсатади, сунгра шуғулланувчилар ушлашни мустақил равишда 3 минут давомида бажарадилар.

Услубиилик курсатмалар.

Шеригини ўнгта, чапга, ўнгта-орқага, олдинга-ўнгта ва ҳоказо томонларга энгаштириш.

Чап оёқ билан олдинга бир қадам ташлаш, ўнг оёқни шеригининг чап оёғи ёнига келтириш ва гавда оғирлигини ўнгта утказиш: гавдани энгаштириш ҳисобига шеригини бир томонга оғдириш.

Шериги оёғи ёнига ва ундан ўтказиб қадам ташлаш.

Машқни бажариш давомида шериклар алмаштирилади. Янги шерик билан 3 минут машқ қилинади.

4-топшириқ. қўлларни ҳаракатлантириб силжиб ҳийла ишлатиш, пайт пойлаб шеригини ушлаб олиш. Турли томонга ва айланна буйлаб силжиб юриш, аввал ўрганилган усул билан шеригини мувозанатдан чиқаришга ҳаракат қилиш. Бундай уринишларни 3-5 марта такрорлаш.

Шеригининг қаршилик қўрсатишига, ушлашдан қутилишга ва ўзи хам актив ҳаракат қилишга рухсат берилади.

Топшириқ мустақил равишда 3 минут бажарадилади. Ҳар бир жуфтликка ва ҳар бир болага алоҳида услубиилик курсатмалар берилади ҳамда кейинчалик тренер уларнинг ҳаракатини баҳолайди.

Топшириқ бажариш лавомида шериклар алмасинади. Ўзаро боғланган тайёрловчи ҳаракатлар, турли ҳолатда туриб силжиши, хилма-хил ушлаш ва шеригини мувозанатдан чиқариш усуллари ҳам шу йуналишда ўтказилади.

Харакатларни шеригини алмаштириб бажаришдан иборат услугиик усул аслида тренеровканинг айланма услубидир. Миллий курашда бу услуби ҳаракатларни 3-5-10 шеригини алмаштириб такомиллаштиришга ҳамда спортчиларга гавда тузилиши, психик ҳолати, темпераменти ва ҳоказолари бўйича турли хил булган шериклар билан машқ қилиб, техник-тактик ҳаракатларини ҳис қилишга имкон беради.

### **Алдовчи ва соҳта ҳаракатларга ўргатиш техникаси, тактикаси ва услубияти**

Тренернинг тушунтиришлари. Алдаш-ўзи учун қулай позиция ёки томонни аниқлаш мақсадидиа ўз рақибида ҳимоя реақциясини уйғотиш ва усулни қўллаш учун ундан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлардир.

Спортда алдашни финт деб аташ қабул қилинган. Алдаш, яъни финтлар жуда хилма-хил ва индивидуаллардир. Улар бир ёки икки қўл билан, гавда, оёқ ва ҳатто ён томонга қарашиб билан бажарилиши мумкин.

Хусусий вазифа: курашчини алдаш ва соҳта ҳаракатларга ўргатиш. Тренер машғулот бошланишидан олдин курашчиларни оралиқ массфани ўзоқ масофада анча кенг қилиб олиб, икки шеренкага сафлайди. Сунгра бирор ўқувчи билан бирга қўл, оёқ, гавда билан турли хилдаги алдаш ҳаракатларини кўрсатади. Шуғулланувчилар эътиборини турли томонларга алдашнинг ифодалигига қаратади, соҳта ушлашлар қиласди, шундан кейин асосий ушлашни бажаради ва рақибини мувозанатдан чиқариади.

1-топширик. Узоқ масофада, сунгра ўртача масофада силжиш, қули ва гавдаси билан алдаш ҳаракатларини бажариш, қулай пайтни пойлаб, шеригини исталган усул билан ушлаб олиш ва уни мувозанатдан чиқариш.

Шеригини ушлаш ва уни ўзига орқаси билан айлантириб олишга рухсат берилади. З минут шуғулланилади.

Услубиик курсатмалар.

Шериги йиқилаёттандан тутиб қолиб эхтиётлаш.

...хужум, ҳимоя ва қарши хужум ҳаракатлари **құлла-**нилади. Улар хилма-хил тайёрловчи ҳаракатлар: ҳийла ишлатиш усуллари, турли хилда силжиш, ушлаш, мувозанатдан чиқариш, соқта усул ва алдашлар билан, исталған ҳаракатлар қилишга мажбур этиш ва айрим усулларни құллашга уриниб күриш, чалғитиш, хавф солишилар, силкитиши, соқта ҳимояла-нишларнинг иммитацияси, оралиқдаги масофалар ва құққи-сидан үзини четта олиб қочиши, ёлғондакам бұшашиш ва ҳоказолар.

### Йиқила туриб улоқтириш

Рақибни уриб орқага йиқитишиң ва бир зарб билан құтариб улоқтириш.

Шеригини турли усулда ушлаш, алдаш ва соқта ҳаракатлар қилиб құллар ёрдамида мувозанатдан чиқишиң ва бир зарб билан құтариб йиқитишиң усуллари құлланылади. Бунда ҳар қандай ҳолларда ҳам шериги тұннан, белбоғидан ва құлла-ридан ушлаб эхтиёт қилинаади.

Рақибини уриб орқага йиқитиши. Бу усул билан хужум қилишни тайёрлаш аттказишида құллар мүхим рол үйнайды. Хужумчининг ҳаракати рақибга құл орқали берилади. Шубха-сиз, бунда оёқ ва гавда ҳаракатлари ҳам қатта ақамиятта әга. Рақибини уриб орқага йиқитиши керак. Йиқилаёттандан шеригини елкасидан ушлаб туриш керак.

Рақибини уриб орқага йиқитишиң усули билан олдинга, үнігә-олдинга-ён томонға, орқага олдинга-пастға ва ҳоказо томонларға йиқитиши мүмкін. Рақибини уриб орқага улоқ-тиришиң усулидан ҳимояланиш:

- құлларни патдан ва юқоридан ҳаракатлантириб ушлашдан бұшатиши;
- томонларға әгилиш ва аксинча уни йиқитишиң уриниб күриш;
- орқага кетиб, гавдани әнгаштириш;

- қарши ҳаракатлар;
- қарши йиқитиш усулларини құллаш;
- оёқлари билан орқага кетиші ва үша томонға йиқитиш;
- у ёки бу оёқни букиш, ҳамда қарама-қарши томонға йиқитиш ва ҳоказо.

Бир зарб билан құтариб улоқтириш.

Рақибни құлай ушлагандан кейин уни иккала құллар билан үзига пастта, үзига ва ён томонға, олдинга ва ён томонға кескин ҳаракатлар қилиш ҳисобига, гавда ва оёқни маълум томонға актив ҳаракатлантириб, бир зарб билан құтариб улоқтириш керак.

Бир зарб билан құтариб улоқтириш рақибни түнидан, белбогидан, құллар билан иккала құлини ушлаб олғандан кейин, құлларни кескин силтаб тортиб ва гавданы актив буриб рақибни орқасита йиқитиш билан бажарилиши мумкин.

Бир зарб билан құтариб улоқтириштадан ҳимояланиш: ушлаб олиш имконини бермаслик ва құлларни бушатишга ҳаракат қилиш:

- яқын масофадан ұзоқ масофага үтиш;
- орқа томонға оғишиш ва оёқни олдинга чиқариш;
- қарши ҳаракатлар худди аввалғи усуллардагидек.

### **Оёқ чалиш билан улоқтириш**

Оёқ чалиш-құпгина усулларнинг муҳим элементи ҳужум қилувчининг оёгини рақибнинг бир оёгини рақибнинг бир ёки икки оёғи тағига актив ғарапат билан олиб борища бажарилади. Шундан сүнг, рақиб қўйилган оёқдан йиқилади. Оёқ чалишни амалга оширишда оёқни рақибнинг оёғи оёқларига олдиндан ва орқадан қўйишни фарқ қилиш керак. Оёқни рақибнинг үнг ёки чап ҳолатда туришига қараб рақиб оёғига ён томондан, болдирилнинг ён қисмiga қўйиш мумкин.

Оёқ чалиш усулида чалиш учун қўйилган оёққа қарши томонға қўл ва гавда ҳаракатлантирилиб, рақиб силтаб құтариш ҳисобига улоқтирилади.

Оёқ чалиш усулини бажаришда энг қулай вазият ва ҳаркат шартлари қўйидагилардан иборат. Рақиб олдинга қўйилган оёғига таяниб туриб ҳужум қилаётган спортчини тортади. Таянч оёқни чалиш керак: рақиб гавдасининг оғирлигини бир оёғига уtkазади-шу оёқни чалиш керак. Рақиб силжиб юриб, оёқларини чалиширади-олдинда турган оёқ ёки ҳар икки оёқ чалинади.

Рақиб оёқларини кериб тик турибди-оёқларидан бири чалинади.

Чалишнинг ҳимоя ҳаракатлари турлича булиши мумкин.

Масофадан чиқиш билан рақиб қулларини уриб, ушлашдан қугулиш:

- рақибни орқага ёки ён томонга энгаштириш;
- рақибни ўзига тортиш ва уни мувозанатдан чиқариш;
- оёғини ўз вақтида олиб қочиш ёки рақиб гавдасига таяниб, оёғини ён томонга олиш;
- оёқни тиззалардан букиб, орқага қайишган ҳолат ва бошқалар.

### **Икки оёқни орқага чалиш техникаси**

Дастлабки ҳолат. Иккала курашчи ўнг стойкада. Ҳужум қилувчи ўнг қули билан шеригининг түнини ёқасидан ушлаб олади.

Ҳужум қилувчи шеригининг гавда оғирлигини ўнгоёқса утказишга мажбур этиш учун уни ўзига, чапга тортади ва шундан кейин ўнг оёғи билан иккала оёғини чалади ва уни орқасига йиқитади.

Бу усулни ўрганишда ҳужумчи шеригини чап қўл енгидан ушлаш билан эҳтиёт қилади.

Ҳимоя:

- A) қуллари билан ҳужум қилувчининг ўнг ёнига тиравиши;
  - B) ўнг оёғини орқага-ўнгга қўйиш;
- B) ҳужум қилувчи орқадан чалиш учун ўнг оёғини кутарган вақтда уни ўнг оёғи турган йуналишда ўзидан чапга тортиш;

Г) ҳужум қилувчи орқадан чалиш учун оёғини орқага қўйисб улгурса, унинг оёғидан ҳатлаб ўтиш.

карши усуllар:

А) йиқилиш вақтида чап оёғини мумкин қадар кўпроқ чапга орқага олиб бориш ва чап тиззасини ҳужум қилувчининг чап оёғига яқинроқ қўйиш, ўнг оёғини эса олдиндан чалишга қўйини ва ҳужум қилувчининг олдинга тортиш ҳамда орқасига ийқитиши;

Б) уни ушлаб олиш.

### **Белбоғдан ушлаб ён томондан чалиш**

Дастлабки ҳолат. Иккала курашчи ўнг стойкада турадилар. Ҳужум қилувчи ўнг қўлинни шеригининг ўнг елкасидан ўтказиб, унини белбоғидан ушлаб олади, чап қули билан эса белбоғни олдиндан ушлайди.

Ҳужум қилувчи шеригини зига тортиб, ўнг оёғи товонини шеригининг товонига тўғрилаб, ён томондан чалаётган ҳаракат қиласи, айни вақтда чапга айланба бориб, шеригини ўзига босиб ийқитади.

### **Миллий курашнинг тараққиётида муҳим босқичлар**

Урта Осиёда кенг тарқалган миллий спорт турларидан бўлган-миллий кураш ўзининг узоқ тарихига эга. Миллий кураш одамлар қабила-қабила бўлиб яшаган ибтидоий жамоа давридаёқ расм бўла бошлаган. Буни кўпгина археологик, этнографик материаллар, ёзма манбалар, турли туман ёдгорликлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Жонбош Калла қўргонини (э.а. 4 асрдаги Хоразм давлати ёдгорлиги) археологик кавлаши вақтида аниқ икки қисмга бўлинган кичик шаҳарча топилган. Уларнинг ўртасидан ўтган кўча чегара булган. Проф. С.П. Толстой шаҳарнинг бундай тузилишини у ерда иккита уруғчилик жамоаси борлигидан деб ҳисоблайди. Шаҳарда турли уруғларга мансуб жамоалар ўртасида энг анъанавий курашга

гутиш одат бўлган. Кураш янги йилнинг бошланиши, Наврӯз байрами кунларида ўтказилган.

Юон тарихчиси Элиан Сакларда бир одат бўлганлигини, яъни бу одатта кўра, уйланишни истаган ҳар бир йигит ўзи танилаган қиз билан яккама-якка беллашиши лозимлиги, бу курашда ғолиб чиқсагина, қиз йигитники булишилиги, қизни енга олмаган тақдирда эса, йигит унинг асири булиб қолишлиги ҳақида маълумот беради. Элианнинг ҳикоялари Сак эрасидан олинга бўлиб, унинг айрим эпизодлари “Угизнома”да сақланиб қолган. “Угизнома” эпик достонида Дейрек Бойдижоннинг қизи Бону Бечак билан яккама-якка олишуви таъкидланган. Бу достонда қаҳрамон пойгада қиздан ўзиши, қиз отган камон уқини учиб кетаётганида отиб майда-майда қилиши ниҳоят, қизни курашда йиқитиши керак эди. Аёллар ўз жисмоний кучларини ва ҳарбий фазилатларини онгли равишда баҳолай олганлар. Улар ўз муҳаббатлари ва баҳтлари учун курашишга тайёр эдилар. Шунинг учун ҳам, баҳодирлар ўз севгилиларини жангда қаҳрамонларча оқлашларини қатъий талаб қилганлар.

Мардликнинг хилма-хил намуналарини намойиш қилиш аёлларнинг бўлажак қайлийларига қўйтган шартларида ғоят аниқ ифодаланган. Масалан, “Алпомиш” достонида Барчиной шартлари шулардан иборат:

Биринчи шарт: Бобохон тогидан пайдо қиласман,  
Кўздан ёшни мунчоқ-мунчоқ тиздирса,  
Кўшқанотнинг қанотини суздирса  
Бобохондан пойга қилиб уздирса,  
Оти илдан, алп йигитга тегаман.  
Иккинчи шарт: Мендайин ойимнинг ҳолин билганда,  
Узоқ юртдан меҳнат тортиб келганга,  
Душманларга қора тушни солганга,  
Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,  
Мен тегаман шул эгиндоz полвонга.  
Учничи шарт: Мени излаб узоқ юртдан келганга,  
Фаним курса, қиёмат кун солганга

Узоқ көртдан излаб, ҳалоқ бұлғанга,  
Минг қадамдин таңға пулни урганга  
Мен тегаман шул қарагай мерганга.  
Тұртиңчи шарт: Саваш бұлса, бул шубаниб чиққанға,  
Кураш қилиб, түқсон отни йиққанға,  
Мен тегаман нор билакли полвонға.  
Айтиб бергін излаб келған сұлтонға,  
Отни товлаб кираверсін майдонға.

Ёки яна бир мисол, қадимги Хитой үйлесімдегі “Шан-Шун”да Фарғонада янғы йил байрамында шаҳарнинг иккі қысм ахолисі уртасыда ағъанавий маросим-кураш мусобақалари үтказилиб, унда иккала томон үз полвонларини майдонға чиқарғанлығы ҳикоя қилинади.

Полвонлар ҳақидағы әслатмалар узоқ үтмишта тааллуқли археологиялық қазылмаларда олишув пайтини акс эттирувчи курашчиларнинг фигурандар топилған. Масалан, құй қирилған қалъадан (э.а. 4-3 асрлар) топилған мусалласициләдиган идишда муштлашувчы жангчи (эркак киши)нинг фигурасы тасвирланған.

Хань суоласига мансуб қадимий Хитой мүншилари. Грек тарихчиси Постей Трог (эрәмизнинг 1 асри) бир даврлар хозирғи Үзбекистон территориясыда яшаган қабилаларнинг мохир курашчи, чавандоз, найзабоз, Ейотар мерған, муштландиган жангчи, отлик-үкчи, найза улоқтирувчи, хуллас жантоварлик ишларыда тенгсиз бұлғанликтарини ҳикоя қиласылар. Улар құрқұв ва мағлубият нима эканлигини билмаганлар, арслон ва шер бўлиб жанг қиласылар.

Тарихчи этнограф ва тишишунос Маҳмуд қошғарий узининг “Түрк оғзаки ва ёзма ижодиёти түплами” номли машхур асарида белбоғидан ушлаб олиб, рақибининг бүйинини қайирған, тез ҳамда чаққонлик билан оёқларини ҳаракат қиласылар, беллашувда ғалабага эришгап полвонлар кураши ҳақида ёзади. Асли касби мүйнадўз бұлған кураги ерга тегмаган эди. Паҳлавон Маҳмуд 13 асрнинг иккінчи ярми ва 14 асрнинг бошларыда яшаб ижод этған файласуф шоир ҳамдир. Маҳмуд ота-онаси

Урганчдан Хивага қўчиб келаётганида 1248 йилда Хива яқинида тугилади. Махмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват йигит бўлиб етишди, полвонлик билан шугулланди. Хоразмнинг кўп шаҳарларида, Хиндистонга бориб кураш тушади, доим ғалаба қозонади. Шунинг учун у гүштинг (курашчи) номи билан шуҳрат топади. Ҳикоя қилишларича, паҳлавон Махмуд бир жантда Хиндистон шохи Рой Ропой Чупани ўлимдан қутқариб қолади, бунинг эвазига қачонлардир Хиндистонга асир тушган хоразмликларни озод эттиради. Оташин ватанпарвар Ҳева яқинида Чингизхон қўшинига қарши жангларда ҳалок бўлган Хоразм мард жангчиларнинг қабри устига мақбара қурдиради.

Паҳлавон Махмуд жисмоний жиҳатдан ортиқ бақувват булгани учун номардлар ундан зир титраганлар. Аммо у табиатан камтар ва хокисор бўлган. Бобоқалонимиз Алишер Навоий “Ҳолоти Паҳлавони Муҳаммад” деган асар ёзиб, паҳлавоннинг фазилатларини търифлаган: “барча саодат ва машойих ва уламо ва фуқаронинг “Маҳбуб ул-кулуб” и эрди ва подшоҳ эшигида аркони давлатидан беклар ва олиймакон ичкилар ва судур ва сойир ҳалойиқга Паҳлавоннинг сұхбати наврӯз ва байрамча бор эди. Улдаги борчасига лойиқ хизматлар қилиб, сұхбатлар тузатиб, неъмат торгиб, созандалиг ва гуляндалиг буюриб, тамоъ ва рақс қилиб, уларни хушхол мунсабигт узатур элди. Такаллуфсиз ва муболагасиз подшоҳдин гадогача ва ахлидин яхуд ва тарсогача паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди.

Паҳлавон Махмуд 1326 йилда Ҳевада вафот этди. Паҳлавон Махмуд ахлоқ-одоб, ватан иштиёқи, севгининг завқ-шавқи ҳақида кўпгина рубоийлар ёзган. Мана унинг рубоийларидан бир намуна:

Се сад қўхи Кафро ба хавон судан  
Ба токи фалак бо хуни дил андудан  
Сад сол асири баңди зиндон будан  
Беҳз-он ки даме ҳамдами нодон будан  
Уч юз қўхи Кофни келида тўймоқ  
Дил конидан бермоқ фалакка буёқ

Ёйинки бир аср зиндоңда ётмок  
Нодон сұхбатидин яхшироқ.

Фарғонача кураш Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, вилояти территориясида расм бұлған. Курашга тушиш маросимлари тантанали тусда бұлиб, жуда күп томошабинлар иштирокида үтказилар эди. Халқ анъанаңыз күраш мусобақалари болаларнинг кейин ўшларнинг охирида катта полвонларнинг уртага чиқишидан иборат бұлған. Маҳаллий зодагонлар, боёнлар томошага оммани янада құпроқ жалб қилиш мақсадида курашиш программалари маросимлари программаларига хұroz, бедана уриштириң ва турли хил ким ошади тадбирларини ҳам киригтанлар. Мусобақалар өткізаңда тоат-ибодат қилиш, томошабинлардан турли хил ҳайр-әхсоналар тұплыш одат тусига кирган эди. Мутасадді бұлмиш зодагонлар, боёнлар мусобақалардан оммани ислом дини ақыдаларига қулларча итоат қилиш рухида тарбиялаш, маҳаллий ва чор хукмдорларға сұzsиз садоқат билан хизмат қылдырыш йўлида фойдаланадилар. Ана шу боисдан кураш мусобақалари түғрисида оммага олдиндан хабар қилиб, зўр тайёргарлик куришга катта эътибор берилган.

Ўзбек халқи орасида машхұр бұлған полвонлардан Тожи Аълоев, Абдурахмон Воҳидов, Азимхұжа, Хайдар Али ва бошқалар Тошкент шаҳрида ҳатто атоқли рус профессионал курагчилари поддубний, Вахтуров, Заикинилар билан белгешканлар. Ўзбек полвонларининг рус курагчилари билан спорт алоқалари узбек миллий кураши техникаси ва усулларини боётишига сезиларли ёрдам берди. Ўзбек халқи ёш авлодни тарбиялиш мақсадида ўзининг жисмоний машқлардан фойдаланиш формаларини ва услубиларини ижод қилди. Ўзбекистон спортчилари халқаро спорт мусобақаларида Ватан шарафини спорт маҳоратини юксак даражада сақлаб келмөқдалар.

## Халқ баҳодирлари ҳақида ҳикоялар

Узбек халқининг курашчи-полвонларига бўлга хурмати жуда катта, чунки улар узларида кучлилик, мардлик, чидамлилик, ахлоқий поклик, эркесварликни мужассамлаштирадилар.

Хоразмлик Паҳлавон Маҳмуднинг (1243-1326) номи тарихдан абадий ўрин олган. У бутун умри давомида беллашувларда бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган. Паҳлавон Маҳмуд кўпгина юртларга саёҳат қилган. Эронда, Ҳиндистонда ва бошқа шарқ мамлакатларида бўлган, Ўрта Оисё бўйлаб юрган ва ҳамма ерда кучли полвонлар билан кураш тутган. Лекин ҳеч қаерда ўз Батанида ва на хорижий ерларда унинг кураги ерга тегматан. Паҳлавон Маҳмуднинг номи афсоналарга тула. Бу афсоналарда ҳалқ ўзининг полвонга бўлган муҳаббати, хурматини ифода этган. Шунинг учун ҳам ҳалқ баҳодири фақат кучли кишигина эмас, шу билан бир қаторда энг ҳаққоний киши ҳамдир.

Бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиб, бизгача етиб келган бир афсона сақланган. Ҳикоя қилишларича, Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистон ҳокими томонидан мамлакатнинг машҳур полвонлари билан мусобақалашишга таклиф қилинади. Шунда у тасодифдан бир муштипар аёалнинг ўғли билан тирикчилик қилишини ва у оиласнинг якка-ёлғиз бокувчиси эканлиги билиб қолади. Унинг ўғли ҳамма беллашувларда ғолиб чиқар эди. Мусобақаларда амшҳур Паҳлавон Маҳмуд иштирок этишини ёшликтган она, ўғлининг енгилишдан ва натижада оила кун кечириш манбаидан маҳрум булишидан кўркиб кўз ёш тўқади. Аёлнинг ўғлини Нуриддин Чати дер эдилар. Эртаси куни Маҳмуд нуридди билан даврада учрашганда унга ўзини енгиш имкониятини беради. Бу афсона Паҳлавон Маҳмуднинг шуҳратпараст эмас, аксинча, аолийжаноб, сахий ва раҳмдил инсон бўлганилигидан далолат беради.

Халқ ичида севимли полвон тўғрисида кўплаб ривоятлар тўқилган. Ана шунда йривоятларнинг бирида Маҳмуднинг индуслар сафида туриб Ҳиндистон душманларига қарши жанг қилганилиги ҳикоя қилинади. Жанг пайтида у ўз ҳаётини хавф-

хатарга қўйиб, раджа Рай Ропой Чунни ўлимдан сақлаб қолади. Миннатдор булганин радија полвонга Ҳокимлик ва бойликлар тақлиф қиласди. Лекин Маҳмуд ҳеч нарса олмайди. Аммо, агар мумкин бўлса, мукофот эвазига ўн минг Хоразмлик бандиларни озод этишни ураджадан илтимос қиласди. Хоразмлик полвоннинг олийжаноблигига тан берган радија бу илтимосни бажаради.

Паҳлавон Маҳмуд шахсий маблағи ҳисобига Хива якинида Чингизхон тўдаларига қарши жангда халок булганин полвонлар қабри устига ёдгорлик мақбарасини бунёд эттиради. қаровсиз ўз ҳолига ташлаб қўйилган макбара бизгача хароба ҳолида етиб келган. Олий ҳиммат хоразмликлар Паҳлавон Маҳмуд мақбара-сини қайга барпо этдилар. Унинг қушиқлари мақбара пештоқи ва деворларига ўйиб ёзилган. Бу шеърларда Маҳмуддинг халк тақдирни ҳақидаги ўй-фикрлари, эркинлик ва баҳт-саодат тўғрисидаги орзу-истаклари ўз ифодасини топган. Паҳлавон Маҳмуд фақат курашчи-полвонгина эмас, балки шоир, мутафаккир ва ҳар томонлама етук киши бўлган. Унда юксак маданийлик, инсонтарварлик ва жисмоний камолот мужас-самлашган эди.

Паҳлавон Маҳмуд вафотидан кейин орадан сал кам юз йилдан қўпроқ вақт ўтгач, Хоразмда яна бир курашчи – Паҳлавон Муҳаммад яшаган. У ҳам ўзининг ўтмишдаши сингари мағлубият нималигини билмаган.

Тошкентлик Аҳмад полвон ҳам халқ орасида анча шуҳрат қозонган эди, 1895 йили Тошкент таниқли немис курашчиси Риппел келади ва Аҳмад полвон билан курашиш истагини билдиради. 1895 йил 23 июнда цирк майдонида кураш бўлади ҳамда у узбек полвонининг ажойиб ғалабаси билан тугайди. Бунда улар классик кураш бўйича мусобақалашишида. Шуниси характерлики, Аҳмад полвон миллий курашдан бошқа ҳеч қандай кураш мактабини ўтмаган эди. Лекин шундай бўлишига қарамай, у айнан классик курашда ўзининг кучи, чидамлилиги ва юксак мағҳорати туфайли ғалабага эришади.

1904 йили Фарғона вилоятидан қувалик Ҳужа полвон Тошкентта келади. У икки ой мобайнида тошкентлик полвонларнинг ҳаммасини енгтач, Аҳмад полвон билан куч синашиш истагида эканлигиниунга маълум қилади. Бели оғриб, хаста булиб ётганлигига қарамай, Аҳмад полвон меҳмоннинг илтимосини қондирди. Кураш анча узок давом этмади, аммо томошабинларда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳужа полвон биринчи булиб рақибнинг белбогидан ушлади. Аҳмад полвон ҳам унинг белбоғидан қўқрагига сиқиб қўйди ва полосдан қутариб олди. Давра айланиб ва Ҳужа полвонни бир-икки айлантириб, уни енгилгина ерга йиқитди. Шундай кейин уни мағлубиятга учратгани учун меҳмондан узр сўради.

1911 йили Аҳмад полвон биринчи бор французча кураш мусобақасида иштирок этиб, Германия чемпиони Гюгнер устидан ғалаба қозонди. Шу вақтдан бошлиб, Тошкентта кураш мусобақаларнинг янги формаси-цирк майдонида ўтказиладиган матчлар пайдо бўлди. Бу форма эса бора-бора анъянага аилаанди. Мусобақага барча шаҳар ва қишлоқликлардан энг кучли полвонлар келар эди. Али полвоннинг номи республикага жуда кенг тарқалди. У ботир ва Бойқузи полвонларнинг шогирди эди. Али полвон бир ярим, икки соатлабкураш тушарди. Баёзида у бир неча кунлаб ҳам беллашар эди. Йиғилган пулларнинг ҳаммасини у муҳтож оиласарга, етимларга тарқатар ва кексаларга зиёфат қилиб берар эди. Али полвон Фарход ГЭСи қурилишида иштироқ этган. Ўша вақтда техника кам эди. Али полвон 350-400 килиграммли харсанг тошларни тўғонга қўлида юмалатиб келтирган, умуман тутон қурилишидаги энг оғир ишиарни ўз зиммасига олган. 1890 йилда Тошкентда Тожи Аълоев цирк майдонида муваффақиятли қатнашган. Тожи Аҳмад полвоннинг шогирди бўлган. қизиги шундаги, классик кураш буйича маҳсус тайёргарлик кўрмаган Тожи полеон 1919 йили шу кураш тури буйича ўтказилган ўз оғирлик вазнида ғалабага эришган. 1942 йилдан бошлиб, Тожи Аълоев ўзбек циркида ўз санъатини намойиш қила бошлайди. Республикада машхур курашчилар

жуда күп. Тошкент вилояги Тельман номли колхоз пахтакори Ҳаким полвон қодиров чорак аср давомида оғир вазнда муваффақият билан кураш тушган.

1937 йилда Бухоро вилояти Свердловск районида туғилган, эркин ва классик кураш, шунингдек, ўзбекча кураш бўйича спорт мастери Исмоил Туробов миллий курашнинг наслий вакили ҳисобланади. Туробовлар учун кураш оиласидан анъанага айланган. Исмоилнинг отаси, бобоси ва амакиси Октябрь революциясидан аввал ҳам машҳур полвонлар бўлганилар. Отаси Туроб Шаропов ва амакиси Баҳром Шаропов миллий кураши мусобақаларида муваффақиятли қатнашган ва донг таратган полвонлар эдилар. Бухоро амири Олимхон уларни ўз саройида курашчи бшлиб хизмат қилишга таклиф этган. Лекин полвонлар амирга хизмат қилишдан бош тортганлар ва унинг жабрини күп маротаба тортишган. Оила анъанаси, авлодлар эстафетаси Туроб ва Баҳром полвонларнинг ўғилларига ҳам угади. Исмоил Туробов йшлил ҷоғидаёқ оиласида яхшигина машқ кўрди. Жисмоний жиҳатдан яхши ривожланганлик, миллий кураш техникасини яхши билиш Исмоилнинг катта спорт майдонига чиқишига йўл очди - у курашнинг олимпиада турларини мукаммал эгаллади ва миллий, эркин ҳамда классик кураш бўйича уч марта спорт мастери номини олди. Исмоил Туробов 1957 йили Тбилиси шаҳрида утказилган эркин кураш бўйича биринчиликда муваффақиятли қатнашди. Исмоил учун спорт маҳорати чўққиларини йили бўлди, у Тошкент спорт фестивалида қатнашди. 1958 йилдан 1969 йилгача Исмоил эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, 1956 йилдан 1960 йилгача миллий кураш бўйича чемпион.

**Миллий кураш бўйича спорт машғулотининг услубияти  
асослари. Курашчининг спорт машғулоти деган тушунча ва  
унинг моҳияти**

Курашчининг спорт машғулотини жисмоний тарбия формаларидан бири деб қараш керак. Уларнинг кўп

йилликспорт машғулотида қуйидаги вазифалар ҳал этилади. Соғлиқни мустаҳкамлаш, спортчининг меҳнат ва Ватан химоясига тайёрлаш учун уни жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама умумий ва маҳсус ривожлантириш, спорт натижаларига эришиш ва курашнинг олимпиада турларига тайёрлаш, жамият қурувчиларни тарбиялаш.

Яккама-якка олишиш турларидаги спорт машғулоти – бу шугулланувчи ларга таълим-тарбия бериш ва уларни камол тоғтиришнинг кўп йиллик, системали ихтисослаштирилган педагогик процесси бўлиб, у жисмоний камолотга ва юқори спорт натижаларига эришишга қаратилгандир. Шу боисдан ҳам биз спорт машғулотига шугулланувчиларни тарбиялаш, таълим беришва ривожлантиришга қаратилган педагогик процесс деб қараймиз ва бу бобда ҳар бир тушунчани алоҳида очиб беришга харакат киламиз.

Тарбия оиласдан бошланади. Тарбия онгни, ҳулқ-атворни, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни бирор мақсадга қараб шакллантиришга қаратилган процессдан иборат бўлади. Чунки оиласда бериладиган бу тарбия жараёнида фақат билимлар ўзлаштирилиб, малака ва кўникмалар ҳосил қилин-майди, ўзбек кишисининг ахлоқий эътиқоди, ҳис-туйғуси, ахлоқий, идоравий ва жисмоний сифатлари, характер ҳусусиятлари таркиб тоғтирилади.

Таълим бу янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда булатни жисмоний сифатларни ривожлантириш аҳлоқни тарбиялаш билан қўшиб олиб борган ҳолда такомииллаштиришдан иборат бўлган кўп қиррали процесс.

Ривожланиш-спортчининг спорт тренировканинг ҳар бир босқичида бир хилдаги жисмоний, техник-тактик, функционал, ахлоқий ва идоравий тайёргарликхолатидан бошқа анча муқаммалашган ҳолатга утиш процесси. Инсоннинг ризожланшишига ташқи муҳит, ҳаёт икир-чикирлари, оиласвий шароитлар, мактаб, ўкув юртлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва хоказолар таъсир этади. Спорт машғулотида ривожланиш – бирор мақсадга қаратилган, педагог тренер

томонидан, мұхит ва шароитлар билан бошқариладиган процессdir. Бу ривожланиш түрли воситалар, услубилар ва машғулот формалари таъсирида содир бұлади. Булар организмнинг ҳолати яхши томонга қараб үзгаришига, спорт натижаларининг ва умуман, шахснинг такомиллашувига ёрдам беради.

Курашчиларнинг спорт машғулоти процессидеги тарбия, таълим, ва ривожланишнинг вазифалари тренер ҳамда спортчнинг ҳамкорлигидә ҳал этилади. Бунда тренер раҳбарлық ролини бажаради, спортчилар үзларининг онгли, актив, мустахил фаолияттарини үз-үзларини такомиллаштирувчилари билан бу вазифаларнинг тезроқ ҳал этишга ёрдам берадилар.

### **Миллий курашнинг үзіга хос хусусиятлари**

Узбекча миллий кураш қуиидаги хусусиятлари билан характерланади:

- ҳаракат амаллари қарши ҳаракат құлувчи рақиб билан мулоқоттада юзагакелади, бунда улардан бири ғалабага эришиш учун бошқасига үзининг техникаси ва тактикасини, жисмоний сифатлари ва қобилятини қарама-карши қўяди;
- приёмлар техникаси ва ҳарактлар тактикаси үзаро мустахкам боғланғандир, чунки техника маҳсус ҳаракат ва приёмларни бажағыш усули, тактика эса – кураш тушиш вақтида техникани күллаш усули сифатида намоён бұлади;
- ҳаракат малакаларини шакллантириш асосий сифатлар-чаққонлик, тезлик, тезлик кучи ва маҳсус чидамлиликни ривожлантариш асосида приёмлар техникасини ва унинг вариантыларини пухта әгаллаб олишни талаб этади;
- курашчиларнинг ҳаракат фаолияти циклик ҳарактерда булиб, у ҳар доимузгарувчи форма ва шароитларда үтади, нерв-психик процесслар кураш вазиятлариничт лаҳзалик алмашинишидаги англанган ҳаракатлар даражасида үтиб боради;
- рақибнинг ҳарактларини, ҳолатини ва ҳатти-ҳаракатларини тезлик билан баҳолаш, унга қарши ҳаракатлар танлаш ва түсатдан пайдо болувчи, қупинча янги ҳаракат ва тактик

вазифаларни ҳал этиш зарурлиги кураш тутиш жараёнида хардоим рақибнинг ҳаракатларига қарши ҳаракат қилиш зарурлиги пайдо бўлади, булар-рақибнинг ҳатти-ҳаракати, қилиқлари, олишиш услуби, субъектив ҳолати қўзғалувчанлиги, лоқайдлиги, чарчаганилиги, ташки мухит-мусобақа шароитлари, судялар томошибинларга нисбатан курсатадиган реакция ва ҳоказолар;

- рақиби билан курашишдаги катта жисмоний ва иродавий куч-ғайрат сарфлаш кураш кескинлиги фақат кучли эмоционал зўриқиши билан эмас, балки кўпинча оғриқни хис этиш билан боғлангандир. Буларнинг ҳаммаси спортчилардан ҳар томоқлама умумий ва маҳсус жисмоний ҳамда иродавий тайёргарликни талааб этади.

### **Курашчиларнинг тайёргарлик турлари ёки спорт машғулотининг томонлари**

Яккама-якка кураш турлари билан шуғулланувчиларнинг спорг машғулоти тайёргарликнинг беш тури билан мустаҳкам боғланган. Назарияда уларни баъзан спорт машғулоти томонлар деб атайдиларр. Уларга қуйидаги тайёргарлик тайёргарлик турларикиради;

- назарий жиҳатдан умумий ва маҳсус;
- жисмоний жиҳатдан умумий ва маҳсус;
- техник ва тактик;
- психологик;
- судялик ва услубиик тайёргарликлар.

Назарий жиҳатдан умумий ва маҳсус тайёргарлик. Назарий тайёргарлик умумий ва маҳсус билимлар системасининг таркиб топиши ва такомиллашувини, спорт машғулотининг психологик, физиологик, гигиеник, техниковий-тактич ва бошқа қонуниятларини ургатиш ҳамда тушунишни таъминлайди, ахлоқий сифатлар, эътиқод, хис-тўйғу ва ахлоқ нормаларининг тарбияланишига ёрдам беради.

Назарий жиқатдан махсус тайёргарлик эса ўзининг рақибнинг ҳаракатларини ва тактик амалларини яхшироқ тушунишга қўмаклашади, ўзининг рақибининг ҳатти-ҳаракатини тезда таҳлил қилиш ва сингезлашга имкон беради. Онг хотирани бойитади, кураш тушиш техникасини ўстиради ҳамда мусобақалар вактида мўлжалга олиш ва тафкүр тезлизгини оширади. Назарий жиҳатдан умумий тайёргарлик чет элда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш қонуниятларини билишга имкон беради.

Жисмоний жиҳатдан умумий ва ҳар томонлама махсус тайёргарлик. Миллий курашда жисмоний жиҳатдан умумий тайёргарлик спортчиларнинг ривожланишига ҳамда уларнинг фазилатлари ва қобилияtlарини такомиллаштиришга қаратилган. У саломатликни мустаҳкамлаиди, кишини ҳаёт учун зарур бўлган қуникима ва малакалар билан бойитади, ҳамда унга курашнинг танлаган турибўйича камон топиши учун шартшароит яратади. Жисмоний жиҳатдан тайёргарликнинг хусусияти шундаки, жисмоний жиҳатдан умумий тайёргарлик ҳаракатларнинг ўзига хослигини ҳамда энг муҳим жисмоний ва иродавий сифатларини умумий режасида эмас, балки кураш тури хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш зарурлигини эътиборга олиб ўtkазилади. Бу мақсадга фақат умумий ривожлангирувчи машқлар ва споргчи турлари билан чегариланиб колинмасдан, балки курашчининг кураш техникасини мукаммал эгаллаш учун зарур бўлган сифатлар ва малакаларни ривожлантирадиган махсус танланган машқлардан купроқ фойдаланилади.

Техник ва тактик тайёргарлик. Кураш шароитидаги тактика ва техника бир-бiri билан узвий боғлангандир. Кураш техникасининг моҳияти энг самарали махсус ҳаракат амалларидан, курашчининг приём ва услубларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишдан, спортчининг кураш мусобақалари пайтида ўз иродавий ва жисмоний сифатлари ҳамда куч ва қобилияtlаридан муваффақиятга эришиш учун оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Тактика бу-айрим ҳаракатлар ёки курашни ва умуман мусобақани олиб бориши услуби ёинки услубиидир. Курашчининг курашиш вақтида техникани, усулларни, ҳаракат ёки комбинацияларни қуллаш услуби бу тактика деб аталади. Спортчи курашиш вақтида кураштехникасиданмақсадга мувоғиқ фойдаланиш билан ҳаракатлар тактикасидан таомиллашиб боради. Чунки бу жараен үзидаги барча малака, куникмаларни ҳамда ақлий қобилятни құллайды, булар эса үз навбатида, ракиби устидан ғалабага әришиш қаратилған бұлади. Психологик тайёргарлик. Бу интелектуал, ахлоқий, эстетик, иродавий ва психик тайёргарликни үз ичига олади, у курашчиларнинг тренировкалари пайтида ҳам мусобақалар жараёнида ва шунингдек, шүгүлланувчиларнинг үзаро муносабатларида амалға ошади. Психологик тайёргарлик спортчининг онгли ҳатти-харакати, ишларида ҳам намоён бұлади. Ахлоқий, иродавий сифатлар ва ҳатти-харакатларни тарбиялаш ҳамда уларнинг тұғри намоён булишидаги асосий нарса – катый эътиқод, түйфу, ахлоқ талабларигамос бұлған одатлардир. Шу боисдан ҳам күп йилик тренировка жараёнида шүгүлланувчилар онгига бурч ва спорт шон шараф, үртоқлик ва бошка миllat спортчиларига ҳурмат, жамоа олдидағи масъулият ҳисларини Ватанга ва спортта мұхабbat түйгесини тарбиялаш айниқса мухимдир. Спортчининг иродавий тайёргарлиги үқув тренировка машғулотларида. Курашнинг мунозарали вазиятларида вамусобақалар вақтида мақсадға әришишта қаратилған ҳатти-харакатлардан ташқари, унинг мехнат килиш, үқиш ва жамоат ишларига фаол иштирокида ҳам яққол күринади. Тренировкаждараёнидаги бу ҳатти-харакатлар ҳар доим мақсадға әришиш үюлидаги гурли хил қийинчиликлар ватусиқларни.

**Судьялик ва услубиик тайёргарлик.** Тайёргарликнинг бутури группа раҳбари, жамоадаги физкультура спорт ишиларнинг ташкилотчиси, судья ёки ҳамоатчи инструктор булиб ишлаш учун зарур бұлған сифатлар, күникма ва малакаларни янада таомиллаштышта қаратилған. Бундан ташқари, услубика соҳасидаги билим ва амалий күникмалар спарринг ва үзаро

машқ қилишда, индивидуал машқларни ёки дарс типига оид машқни урганишда, бир спортчи бошқаси билан шуғулланганда техника ва тактикани тақомиллаштиришга ёрдам беради. Дарс ўтувчи, бундай пайтда ҳаракатларни енгиллаштириб ёки кийинлаштириб, уларни тренер учун ҳам, турли рақиблар маҳоратининг ўсишига ёрдам беради.

### Курашчининг спорт тренеровкаси воситалари

Жисмонинг машклар табиатнинг кучлари, гигиеник фэктгорлар ва маҳсус билимлар миллий курашдаги спорт машқулоги воситаларидандир. Жисмоний машқлар ёрдамчи ва асосий машқларга булинади. Умумий ривожлантирувчи машқлар ёрдамчи машқлар қаторига киради ва соғлиқни мусгаҳкамлашга, спортчини ҳар томонлама жисмоний камол топтириш ва ҳаракатсифатларни тақомиллаштиришга бўлади. Мехнатда ва Ватан ҳимоясида зарур бўладиган ҳаётий муҳим булим, кўникма ва малакаларни эгаллашга мўлжалланган машқлар ва ҳаракат амаллари эса курашчи учун зарур бўлган специфик сифатларни ривожлантирувчи, шунингдек, маҳсус кураш техникаси малакалари, усуслари ва ҳаракатларини таркиб топтирувчи маҳсус машқлар ёрдамида ривожлантирилади.

Асосий машқлар-таёровчи ҳаракатларни ва амалларни уз ичига олади. Уларга асосий ҳолатлар ва ҳаракатлар киради. Ҳолатлар тавданинг тик турган ҳолати: турлиҳида баданин кимирлатмай туриш, ушлаб олиш, улоқтиришга (ерга йиқитишига) тайёргарликни бошланиши, унинг охирги ҳолати ва ҳокказоларданиборат. Ҳаракатлар бу курашчининг турли усуслар ва уларнинг комбинацияларини амалга оширишга тайёрловчи ҳаракатдаги динамик таъсири.

Асосий усуслар-бу курашчининг ҳатти-ҳаракатидан иборат бўлиб, курашчи ана шу ҳатти-ҳаракатлар ёрдамида курашишдаги тактик вазифаларни ҳал этади, бундан ташқари,

турли ўқув ва калеңдар мусобақалар вақтида курашчиларнинг кураш тушишлари хам асосий усулларга киради.

Курашчининг кураш тарихи, гигиена, ҳаракатлар техникасиша тактикаси, спорт машғулотиасосолари, мусобақа қоидалари, спорт этикаси ва ҳоказолар соҳасидаги назарий тайёргарлигига оид ҳамма массалар маҳсус билимлар қаторига киради. Бу масалаларнинг ҳаммаси курашчининг назарий тайёргарлиги бобида батафсилиётитаган.

### **Курашчиларнинг спорт машғулоти қонуниятлари ҳамда улардан келиб чиқадиган муҳим қоида ва талаблар**

Яккана-якка курашиш турларидағи спорт машғулоти спортчиларининг асосий тайёргарлик формалари сифатида жисмоний тарбия системасининг барча конуниятлари, хусусиятлари ва принципларига буйсунади. Улар қўйидагилардан иборат:

- ҳар томонламалик, яни ақлий, ахлоқий, ғоявий, сиёсий, жисмоний ва эстетик тарбия ҳамда меҳнат тарбиясининг қушиб олиб борилиши;
- илмийлик;
- соғломлаштириш ва амалиййуналишида;
- булишлик;
- ҳалқчилик ва интернационализм.

Бу принципларнинг мазмунини жисмоний тарбия системасининг социал функцияларни, ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ва қурилиш вазифалари билан белгиланади. Система кишиларнинг жисмоний томондан такомиллашувига ёрдам беришга, уларда кенг дунёқарашиб, юксак ахлоқкий сифатлар ва тутри эстетик идрокни таркиб топтиришга даъват этилган.

Жисмоний тарбия системаси-ҳалқимизнинг жисмоний камол топишига қаратилган ташкилий, услубиологик, илмий-педагогик принциплар ва галаблар йигинлари булиб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у оила тарбиясидан тортиб то қуролли

кучлардати жисмоний тайёргарлик ва профессионал амалий-жисмоний тайёргарликкача бўлган ўз босқичларига эга. Курашчиларнин спорт машғулоти ўзига хос хусусиятларга эга ва бу хусусиятларбошкада спорт турларида йуқдир. Бу эса тренерлари ана шу хусусиятни эътиборга олишга мажбур этади. Чунки унин асосида спорт машғулотига хос бўлган имкониятлар ётади. Бу қонуниятларга қуидагилар киради:

1) қаттий ихтисолашиб ва тренировка процессини индивидуаллаштириш туфайли юқори спорт натижаларига интилиш хисси ва шунга йўналганликни тарбиялаш. Бу мамлакатимизда спорт фаолиятининг ташкил этилиши, мусобақалар системаси ва спортнинг рағбатлантирилиши каби барча йўллар билан кизиқтириш натижасида амалга оширилади.

2) Таилаган спорт турида ҳартомонлама ривожланиш билан ихтисослашишнинг бирилги ҳамда шахсни гармоник ривожлантиришга интилиш.

3) Таиланганспорт турида йил давомида ва кўпийллар мёбайнида тренировка процессининг узлуксизлиги. Тренировкаларнинг спортчи организмнинг функционал имкониятларини максимал ривожлантиришга ва ҳар бир машғулотданолиниан самаранинг бундан олдинги машғулот самараасига қўшилиб боришини ҳисобга олиб, маҳорат чўққиларига эришишга қаратилганлиги. Бунда агар организмнинг талаб этилган ҳолати қисман бўлсада такланмаслиги кузатилса, тренировкаларнинг даврийлигига йўл қўйилади. Спортчининг тренировка нагрузкалари вадамолиши қайта қуриб чиқилади.

4) Нагрузкалар динамикасида максимумга йўл тутиб, астасекин ва сакраб-сакраб машқ қилишни қушиб олиббориш.

Максимум нагрузка деганда организмнинг функционал имкониятлари доирасидаги нагрузкани тушунмок керак ва ҳеч қачон уни ҳолдан тойгунча нагрузка бериш билан тенглаштириш мумкин эмас.

5) Тренировка жараёнининг циклиги деганда, тренировка иши даврлари ва фазаларининг айrim машқлар, машғулотлар, тренировка босқичилари ва даврлари қисман тэкrorланади. Ана

шу цикли даврда микроцикллар 3-5 кун, мезоцикллар ва макроцикллар фарқланади. Бундан ташқари тренер ва спортчи спорт машғулоти жараёнига ижодий ёндашишлари керак. Негаки, ижодийлик ҳар бир ишда зарурдир ва унга ҳар бир ёш спортчини биринчи кунданоқ ўргатиш лозим. Ишга фақат профессионал маҳоратни эмас балки қалб тўрини ҳам сарфлаб киришиш керак. Буларнинг барчаси миллий кураш тренерларига ҳам тааллуқлидир. Спорт билан милий кураш билан шугула-нишга ёндашиш ҳиссини ҳосил қилиш учун қуйидаги вазифаларниҳал этиш зарур.

1) Тренировкаларнинг мақсади ва вазифаларни туши-нишга ўргатиш ҳамда юқори натижаларга ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш ҳисини тарбиялаш керак.

2) Мехнатсеварликни, юксак интизомлиликни тарбиялаш, спорт режимига ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилишга одатлантириш лозим.

3) Техник-тактик ҳаракатларнинг маъносига тушуниш, шериги, рақибларининг фикрлари ва ҳаракат услубини билиб олишга ўргатиш, кураш назариясини чуқур анализ қилиш йўли билан ўз тажрибасини бойитиш зарур.

4) Усулларнинг асосий тузулмасини эгаллаб олишда активликни ва курашдаги масофа, рақибини ушлаб олиш, кураш суръати, тезлиги амплитудасини ўзгартериш билан техник ҳаракатларни ижодий бажариш малакасипи, турли хил тактик вазифаларни ҳал этиш, кураш вақтида янги усул ва кураш вазиятлари пайдо қилиш уқувини тарбиялаш.

5) Техник-тактик ҳаракатларни ривожлантириш, ўз кураш усулинни мажбур этиш, ғалабага эришиш учун дарсдаги тренировка ҳаракатларини кураш вазиятида малакаларига ўргатиш.

6) Асосий ва орқада қолувчи ҳаракат сифатларини ва ўз репертуаридағи курашиш ҳаракатларига оид куникмаларини, кураш вариантлари ва комбинацияларини ривожлантириш учун уй шароитида доимо ўз маҳоратини такомиллаштиришга одатлантириш.

## Шүгүлланувчиларга таълим ва тарбия бериш услубилари

Таълим ва гарбия тажрибасида еттига асосий услублар группаси мавжуд бўлиб, уларни тренер яхши билишикерак.

1) Билим бериш услубилари тематик лекциялар, сухбат, ҳикоя, мунозара, аҳборот, қисқача хабар, вазифа қўйиш, хисобот бериш, тушунтириш, техника тактикани таҳдил қилиш ваҳоказо.

2) Курсатиш услубилари: тренернинг машқларни ва усуllibарни бутун сўнг қисмларга бўлиб, сўнгра тушунтиришлар бериш биланбирга қушиб намунали қилиб кўрсатиши, энг яхши ўқувчиларнинг ҳаракатларини кўрсатиш, кўрсатмали қуроллар, схемалар, жадваллар, макетлар кино ва телевизион ленталарни намоён килиш, тренер ёрдамида ҳаракатларни сезиш ҳиссини ҳосил килиш ва бошталар.

3) Шугулланувчиларга раҳбарлик қилиш услубилари команда, буйруқ, санаб туриш, баъзан мусиқа журлиги ижодий мустакил фаолият учун бериладиган вазифа ва топшириклар вақт, суръат, ва ритмда интенсивликда амплитуда буйича, тактик сабаб ва ҳоказоларга қарабмулжалолиши.

4) Тренировка ишларини самарали ва хафсиз ташкил қилиш учун шугулланувчилар фаолиятни уюштириш услублари, шугулланувчилар фаолиятни ракибсиз, группали, бир киши ижро этадиган қилиб ташкил этиш, фаолиятни ёрдамчи снарядларда шартли рақиби билан, снаяд, тренажёр, билан ташкил этиш фаолиятини щерию ёки рақиби билан олишувда спаррингда ташкил этиш ва хоказо. Фаолиятни тренер ўқитувчи ўрнига иш кўрувчи киши билан ўтказиладиган индивидуал дарсларда ташкил этиш, шугулланувчилар фаолиятини бир бола ўқувчи, бошқаси эса тренер бўладиган ўзаро дарслар сифатида ташкил этиш фаолиятни турли обьектларда айланма тренероқкада, айланма буйича ўрин алмашиб ташкил этиш, шугулланувчилар фаолиятни ўкув ва календар мусобақалар шароитида ташкил этиш.

5) Машқ услубилари ҳаракатларни усулиларни күп марта тақрорлаш услуби сифатида ҳаракат амалларининг асосий тузулмасини ва улар варианtlарининг эгаллаб олинишини, шунингдек, энг мухим жисмоний иродавий ва бошка сифатларни ривожлантиришни таъминлаши керак. Кураш турларида ёки бир снаряд билан, бир шериги ёки рақиби билан жиддий ўзгаришларсиз тақрорий стандарт нагрузкабериш услубии, муайян дам олиш паузалари бўлганузлуксиз ишлаш дозалари билан бажариладиган интервалли, Тақрорий стандартли ва варианти нагрузкалар услубии кескинликни эмоционалликни ва натижаларни баҳолаш учун мусобақа нагрузкаси услубилари, ҳаракат фаолиятни хилма-хил қилиш ва нагрузларни тўғри навбатлаштириш учун аралаш услубилари кўлланилади.

6) Нагрузкалар дозаларга булиш услубилари иш билан дам олишни тўғри тартибга солиб туриш учун қўлланилади. Нагрузка ишларнинг сони ҳамда вақти, машқ ва усулиларни бажариш тезлиги, частотаси ва интенсивлиги бўйича ишнинг давом этиши ва тизиглиги бўйича узлуксиз иш дозалари ва улар ўртасидаги дам олиш паузалари бўйича, қийинчилиги, тайёргарлиги, шериги ёки рақибларининг қобилияtlари бўйича ўқув-мусобақа беллашувларининг кескинлик даражаси ва масъулиятилиги бўйича дазаларга булинади.

Нагрузкаларни тартибга солишда тренер индивидуал ёки муайян групачалар бўйича бажариладиган иш микдоринии белгилаши керак.

7) Шуғулланувчиларни баҳолаш ва назорат қилиш услубилари айrim спортчилар ва умуман, жамоа фаолиятини рағбатлантиради. Улар тескари алоқа воситаси тренер-спортчи, спортчи-тренер бўлиб хизмат қиласи.

Бунда педагогик контролнинг фазали ва жами ахборот ва баҳолаш формасидаги турли йўналишлари назарда тутилади. Улар баҳолашнинг беш балли ёки ўн балли системаси бўйича, процеңтларда, сантиметрларда, вакт булакларида, килограмм-

ларда, рефлексометрия, танометрия маълумотлари ва ҳоказоларда ифодаланган рақамли курсатгичларга эга булиши керак. Педагогик баҳо беришда суз билан бериладиган сигналларҳам худди шундай тұхри, тезрок, қатпикроқ, пастроқ, юқоригоқ, яхши, ағыл ва ҳоказолар ҳам құлланиши мүмкін. Уларда ёрдамчи аҳамияттаға эга.

### Тренировка жараёнини ташкил этиш формалари

Коолективдеги ягона педагогик жараён ва тренер билан үтказиладиган индивидуал дарс кураш буйича тренировка жараёнини ташкил этишнинг асосий формасыдир. Спорт машғулоти жараёнидаги дарслар турли типда булиши мүмкін. Бу берилаёттан вазифаларга тайёргарлик даври ва шүгүлланувчилар контингентига боғлиқ.

Дарснинг асосий типлари құзда тутилған вазифалар ва дарс мазмунига күра қойидағы булинади:

Назарий тайёргарлик дарслари;

Үқув тренировка дарслари (умумий жисмоний тайёргарлик ва техник-тактик тайёргарлик дарслари, группавий индивидуал ва аралаш дарслар);

Амалий дарслар-үқув ёки календар мусобавалари;

Күрсатмали (намунали) дарслар;

Тренерларнинг махсус сборларидағи услугік, семинар машғулотлари.

### Кураш усуллари ва тактик ҳаракатларга үргатиши түзулмаси

Яkkама-якка олишиш турлари назарияси ва практикасида усул ва ҳаракатларга үргатишининг мураккаб күп погонали схемалари ёки түзулмалари баён қилинға булиб, улар 12-16 пунктдан иборат. Шүгүлланувчиларни кураш турларидан-усуллар ва тактик ҳаракатларга үргатишининг физиологик ва психологиялық қонуниятларидан келиб чиқиши зарурлигини мақсаддаға мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бир қаторда,

кураш турининг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Шундай қилиб, физиологияда ҳаракат қўникмаларини таркиб топтиришнинг уч фазасини

Сўнгра ўнг оёғи билан рақибнинг чап оёгини ичкаридан чалиширади. Бурилишда ва гавдансини чапга эгишда давом этиб, рақибни орқаси билан гиламга улоқтиради.

Усул ўрганилаётганда шерик умбалоқ ошириб юборишга ҳаракат қилиш ва шу йўл билан уни шикастланишдан эҳтиёт қилиш керак.

Ҳимоя. Чап оёқни чапга-орқага кутариб, уни ўраб олишта йўл қўймаслик.

### Белбоғ ва қўлдан ушлаб, орқадан ошириб улоқтириш

Дастлабки ҳолат. Ҳужум қилувчи ўнг қулини рақибнинг ўнг елкасидан ўтказиб белбоғидан, чап қули билан ўнг енгини тирсақдан ушлайди.

Ҳужум қилувчи кескин эгилиб ва чапга бурилиб, рақибни ўз устига ўнгаради ва уни орқаси билан чап оёғи ёнита ташлайди.

Усулни ўрганишга рақибни ўнг қули билан ушлаб, унинг орқаси билан гиламга тушишни секинлатиб, эҳтиёт қилиш керак.

Белбоғни турлича ушлаб орқадан ошириб улоқтириш.

Дастлабки ҳолат. Иккала курашчи ўнг туриш ҳолатида. Ҳужум қилувчи ўнг қулини рақибнинг чап қули тагидан ўтказиб, белбоғини орқа томонидан, чап қули билан белбоғини олд томонидан ушлайди.

Ушлаш билан бир вақтда ҳужум қилувчи қўллари билан рақибини ўзига тортиб, уни тана оғирлигини оёқ учларига туширишга мажбур қиласди. Сўнгра ўнг оёғида чапга тулиқ айланиб, ўнг оёгини рақибни ўнг оёгининг учига қўйида ва ўнг бикини билан рақибни ўнг бикинига ичкаридан юкорига-орқага тортади. Айни шу вақтда, олдинга кескин букилиб, рақмбни

узининг устига ўнгарида ва орқасидан ошириб, чап оёги ёнига ташлайди.

Усулни бажаришда рақибнинг белбоғидан чап қўл билан ушлаб эҳтиёт қилиш керак. Ҳимоя ва жавоб усувлар юқорида баён қилингандек.

#### Е. Ушлаб олиб улоқтиришлар.

Ушлаш курашда усул элементи оёқ ҳаракати бўллиб, уни бажаришда курашувчи рақиб танасидан бирор қисмини оёги билан чапта-юқорига итарида. Бу сон ва болдирилниг олд қисми билан бажарилса, оёқ тиззадан бўлиши керак.

Агарда усул соннинг орқа қисми билан бажарилса, оёқ тиззадан букилмай, туғри ҳолатда бўлади ва рақиб соннин юқори қисми олд-ич томондан туртилади. Буни турлича ушлашлар билан белбоғини орқа томондан, чап қўли билан эса белбоғни чап бикиндан ушлайди. Рақиб иккала қули билан хужум қилувчининг белбоғидан ушлайди.

Хужум қилувчи ўнгга кескин бурилиб, қўллари билан рақибни бурилиш йўналишида торгади ва уни танасининг оғирлигини чап оётига тушаришга мажбур қиласди. Чап оёғи билан унинг чап оёғини олдиндан ўраб, ўнг оёғи ёнига орқаси билан ташлайди. Рақибни белбоғидан ўнг қўли билан ушлаб, эҳтиёт қилиш зарур. Ҳимоя ва жавоб усувлари олдингилдари билан бир хил.

#### Бош ва қўлни олд томондан ушлаш.

Дастлабки ҳолат. Курашчилар ўнг туриш ҳолатида. Хужум қилувчи чап қўли билан рақибишиг ўнг енгини тирсагидан, ўнг қўли билан эса-тўн ёқасининг чап томонидан ушлайди.

Хужум қилувчи ўнгга бурилаётуб, қўллари билан рақибни ўнг оёғи йўналишида тортада ва шу йўл билан уни ўз танаиснинг оғирлигини ўнг оётига тушаришга мажбур қиласди. Ҳаракатни шу йўналишда давом эттириб, рақибни мувозанатдан чиқаради. Шу вақтда ўнг қўли била: раибнинг боши ҳамда уни орқаси билан чап оёғи ёнига ташлайди. Рақибни кийимининг ўнг енгидан чап қўли билан ушлаб, эҳтиёт қилиш лозим.

Химоя ва жавоб усуллар юқорида баён қилингандар билан бир хил.

Ён томондан ва белбоғдан ушлаш.

Дастлабки ҳолат. Курашчилар чап туриш ҳолатида. Ҳужум қилувчи ўнг елкасидан ўтказиб, рақиб белбогини орқа томондан, чап қўли билан эса ўнг бикинидан

1) химоя ишлаб ётиб, уни орқадан чалиш билан кучайтириш ва ҳужум қилувчини орқаси билан улоқтириш;

2) ҳужум қилувчи чап оёгини усулни амалга ошириш учун тайёрлаётганда рақиб чап оёгини олади ва уни ҳужум қилаётганинг чап оёғи олдига қўйиб, олдиндан чалади;

3) ҳужум қилувчини олдинги белбоғ усулини ўтказиш учун иккала қўл билан ушлаш.

Олдиндан ушлаб улоқтириш.

Бир хил номдаги оёқ билан ташқаридан ушлаб улоқтириш.

Дастлабки ҳолат. Иккала курашчи ўнг туриш ҳолатида бўлиб, улар ўнг қўллари билан бир-бириларининг тўни ёқасини орқа томондан, чап қўллари билан белбогларининг ўнг бикинидан ушлайдилар.

Ҳужум қилувчи рақибни ўзидан итариб, гавдасининг оғирлигини орқасида турган чап оёғига туширишга мажбур қиласди ва шу вақтда чап оёғи билан олдинга кичик қадам ташлаб, уни рақибнинг ўнг оёғи билан параллел ҳолатда кўяди. Тиззасидан букилган ўнг оёқни чапга-олдинга-юқорига кутариб, оёқни кучли силташ билан рақибни эгиб ушлайди. Шундан сунг гавдисини олдинга-чапга эгиб, қўллари билан чапга-олдинга интилади ва рақибни орқаси билан улоқтиради. Рақибни чап қўл билан белбоғидан ушлаб, эҳтиёт қилиш керак.

Химоя.

А) ўнг оёқни орқага қўйиши;

Б) ҳужум қилувчи ўнг оёғини олдинга чиқарганда уни ўнг қўл билан чапга тортиши;

В) ҳужум қилувчи букилган тиззаси билан ўнг оёқни ушлаб олганда ўнг оёқни олдинга-чапга кутариш ва уни бушатиб, барқарор ҳолатни эгаллаш.

Жавоб усуллари.

- 1) чап оёқни орқадан чалиш;
- 2) ҳужум қилувчи ўнг оёғини ушлаш учун олиб келаётганда ундан чаққонлик билан кутулиш ва шу усул воситасида унинг ўзини орқаси билан улоқтириш.

### Турли хил оёқ билан ичкаридан ушлаб улоқтириш

Дастлабки ҳолат. Ҳужум қилувчи ўнг туриш, рақиб чап туриш ҳолатида. Ҳужум қилувчи ўнг қули билан рақиб тўни ёқаснинг орқасидан, чап қули билан ўнг енг тирсагидан ушлайди. Рақиб чап қули билан ҳужум қилувчининг белбогини орқасидан ушлайди. Рақиб чап қули билан ҳужум қилувчининг белбогини орқасидан ушлайди.

Ҳужум қилувчи чап оёғи билан олдинга кичик қадам ташлаб, унинг учини рақиб ўнг оёғининг учи йўналишида қўяди. Рақибини қўллари билан гавда оғирлигини ўнг оёққа туширишга мажбур бўладиган қилиб орқага итариб, сунгра тиззасидан букилган ўнг оёғини чап-олд-юқорига кутаради ва қучли силтаб у билан рақибнинг чап сонини ичкаридан ўраб олади. Шу вақтда гавдасини чапга кескин буриб, рақибни чапга-пастга тортиб, орқаси билан йиқитади.

Эҳтиёт қилиш чораси – оёқ билан ушлашганда ковга тепмаслик, йиқилганда эса, унинг устига тушмаслик.

Ҳимоя.

А) Ҳужум қилувчи ўнг оёғини ушлашга олиб келганда, уни қуллар билан чапга-орқага тортиб, мувозанатдан чиқариш;

Б) Чап оёқни чап-орқага қўйиб, усулни амалга оширишга йўл қўймаслик.

Жавоб усуллари.

1. Ҳужум қилувчи оёғини олиб келаётганда, биринчи ҳимояни

## ҚҰШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

1998 йил 6 сентябрда булиб үтган таъсис Конгрессида Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Кураш” ассоциациясининг доимий фахрий президенти этиб сайланды.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### ХАЛҚАРО “КУРАШ” АССОЦИАЦИЯСИНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТҮРРИСИДА

Миллий қадриятларни, жасурлық, Ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт тури сифатида тан олингандылык муносабати билан Халқаро “Кураш” ассоциациясининг жахон миқёсидаги мавкеини янида мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама құллаб-қувватлаш мақмадида:

1. Жахоннинг 28 та мамлакати вакилларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида Халқаро “Кураш” ассоциациясини ташкил этилгандылыктыроф этилсін.

Кураш буйича миллий ва қытъа федерациялари фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатжоналар ишини йүлга қўйиш, қытъа ва жаҳон биринчилекларини ташкил этиш ҳамда утказиши, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш ассоциациясининг асосий вазифаси этиб белгиланғандылыктыборга олинсін.

Тошкент шаҳар хокимлиги икки ой муддатда Халқаро “Кураш” ассоциацияси бош қароргохини жойлаштириш учун алоҳида бино ажратиб, уни ассоциация балансига утказсін.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Халқаро “Кураш” ассоциациясини давлат томонидан қуллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар маҳкамасининг захира жамғармасидан унинг хисоб ракамига 10 (үн) миллион сүм миқдорда маблағ утказилсін.

Халқаро “Кураш” ассоциацияси ва унинг Узбекистон худудидаги бўлимларва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлардан, божхона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Имтиёзли солиқ солиниши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан кураш спорт турини ривожлантириш ҳамда Ассоциациянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

Ўзбек курашини, унинг халқаро анханаларини, ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Кураш” ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама журналистикасида таъсис этилсин.

Оммавий ахборот воситаларига ассоциация фаолияти билан боғлиқ барча тадбирларни кенг жамоатчиликка етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш тавсия этилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти  
И. Каримов

Тошкент шаҳри, 1999 йил 1 февраль.

1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий спорт турларини жаҳон аренасига олиб чиқиш масаласи илк бор мухокама килинди.

1992 йил Президент Ислом Каримов кураш мутахассислари билан мулоқот ўтказди ва юртбошимиз алоҳида кўрсатмалар бердилар.

Шундан сунг, 1992 йили Канадада ўтказилган "дзю-до" бўйича жаҳон чемпионати ҳамда "дзю-до" федарациясининг бутун жаҳон Конгрессида илк бор ўзбек кураши тарғиб этилди.

1994 йилда Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган Осиё уйинларида ҳам кураш мусобақаларидан олинган ёзма матнлар, видео тасвирлар намойиш этилди.

1995 йилда эса Хиндистонда ўтказилган "дзю-до" федерациясининг Осиё Конгрессида кураш ҳақида атрофлича маълумот етказилди.

Шу тариққа ўзбекона кураш жаҳонга маълум бўлди. Этдигина кўз очаётган "вулқон" Осиё заминини чулғаб дунё сари буй чўзди.

1998 йил 6-7 март кунлари Ирландиянинг Дублин шаҳрида Европа "дзю-до" уюшмаси тафтиш хайъати йиғини ўтқазилди. Кураш ҳақида ёзма ва видео материаллар намойиш қилинди. 1998 йилнинг 15-18 апрелида Монако шаҳрида ўтказилган "дзю-до" уюшмасининг 50 йиллик юбилей Конгрессга Ўзбекистонлик вакиллар таклиф этилди. Ўзбек курашининг довругини ёйишида Ирландия олимпия қумитаси Президенти, европа олимпия қўмиталари вице Президенти Патрик Хикининг хизматлари ҳам катта бўлди.

1998 йили сентябр тонгининг намхуш ҳавосидан мудрок кўзларини уқалаб уйғонаётган болакайлар "ЖАР" спорт мажмуида 28 га яқин мамлакатларнинг байроқлари хилпираётганини куришди. Ҳа, сентябрнинг бошлари бетакрор дамлар билан бошлаган эди ўшанда. Ахир дунёning манасан деган полвонлари ўзбекча курашишга чорлангани хазилакам гапми? Президент соврини учун ўқазилган халқаро мусобақадан сунг Польшадан, Япониядан, Туркиядан курашни қўллаб-

қувватловчи мактаблар кела бошлади. Уринишлар зоя кетмади, биринчи жаҳон чемпионати ўтказилишига замин яратилди.

Кураш-иккита танти, мард азаматлар ўргасидаги маълум азалий қоида асосида ўтказиладиган беллашув, ўзаро куч синашишдир. Қоиданинг асоси эса, рақиблар бир-бирларининг кургини ерга текизишдан иборат. Тарихий манбаларда хатто “КУРАШ” атамасининг ўзи ҳам “курак” елка сўзидан олингани қайд этилади.

Манбаларга қараганда, курашнинг пайдо булиши олис тарихга бориб тақалади. Бу борада Чин тарихнависларининг маълумотлари қиммаглидир. “Тан сулоласининг тарихи” солномасида қадимги фарғоналикларнинг йил серҳосил ёки аксинча, баракасиз келишини олдицдан аниглашнинг антиқа усули булганлиги гўроисида маълумот берилади. Фолькшунос олим Маматқул Жўраевнинг таърифи билан айтганда, Наврӯз куни ҳукмдор ва эл оғалари иккита бўлиниб, ҳар тараф ўз атрофига одмларни йигади. Тарафкашлар сарой олдицаги макаддас томоша майдонига борадилар. Ҳар икки томон биттадан жасур ва энг кучли баходирларини танлаб ўртага олиб чиқишиди. Рақиблар бир-бирларига ажабтовур важоҳат билан яқинлашиб ҳамлага ўтишади. Икки ўртада ҳақиқий жангвор гусдаги кураш бошланади. Чор атрофдаги сон-саноқсиз оломон эса, шовқин-сурон билан ўз ботирларини қўллаб-қувватлаб туряди. Олишув қизигандан қизийди. Йигитлардан бири ғолиб чиқса, шу заҳотиёқ томоша тухтатилади.

Келаётган янги йилнинг баракали ёки омадсиз булишишунгақараб башораг қилинади. Қадимда наврӯз муносабати билан ўтказиладиган бу олишув рамзий булиб, томонлардан бир ҳосилдорлик, иккинчиси эса курғоқчилик тимсоли ҳисобланган. Хуллас, курашнинг пайдо булиши қабиладошлиқ даврига бориб тақалади. Аждодларимиз кундалик ҳаётларида, меҳнат жараёнида ҳар хил тушунмовчиликлар, ихтилофлар тез-тез такрорланиб турган. Улар яхши яйлов учун талашишган, ким биринчи бўлиб сув олишда бахслашишган. Бир қарорга келолмай узок вақт мунозара қилишган. Анна

шунда қабила оқсоқоллари кенгашиб, масалани одилона ҳал этишган. Яъни, тез даврда ташкил этилиб, ўртага икала қабиланинг энг донгдор полвонлари чакирилган. Полвонлар курашнинг натижаси орани очик қилиб берган. Голиб томон ўз муаммосини ижобий ҳал этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Мағлуб полвон ва унинг қабиладошлари эса, Рақларининг зурлигини очиқчасига тан олиб, ўз юмушлари сари кетаверган.

Кураш тушаётган бир-бирига қулочини кенг ёйиб хужумга тайёр туриши ва шу мақсадда турли қиёфага кириши бевосита жангда душманга найза отаётган аскарни, ўрмонда ўлжасини қўлга киритаётган ва хийла ишлатадиган арслони, рақиби билан курашаётган айкни эслатадики, буларнинг бири овчилик, бошқаси тотем маросимлари билан алоқадор бўлган ҳаракатлардир.

Кураш майдонида мардлик, етуклиқ, ҳалоллик асосий мезон ҳисобланган. Асрлар ўтиши билан курашнинг усуллари бойиб, такомиллашиб борган ва бу жараён бутунги кунимиизда ҳам давом этмоқда. Агар кураш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда бир неча турдаги кураш бўлганилигига гувоҳ буламиз. Хусусан XX асрда Ўзбекистон худудида икки хилдаги кураш амалда қўлланилган экан. Яъни беллашув (хозирги фарғонача усул) ва чалиш (хозирги бухороча усул) кураши. Жанубий вилоятларда асосан чалиш усули қўлланилади. Бухороя усул-чалишда полвонлар қатор ҳунар ва усуллар ишлатишади: “Ёнбоши”, “Илдирма”, “Тўғанок”, “қоқма”, “Урама”, “Норпуш”, “қушиша”, “қайчи” ва ҳоказолар. Бундан ташқари, оёққа чалмасдан “кўтарма”, “бурама”, “кўтариб бураб ташлар”, “силтаб отш” сингари усуллар моҳирлик билан бажарилади. Буларнинг ҳаммаси хужумкор тарзда ишлатилади.

“Полвоннинг елкасида хизрнинг беш панжаси бор” дейишилади. Бу бекорга айтилмаган, албатта. Агар узоқ вақт полвоннинг елкаси ерга тегмаса, шундай номга сазовор бўлади. Сабаби, Хизр шарқ ҳалқарида азалдан омад келтирувчи қария сифатида улугланиб келинади. Полвонлар Ҳазрат алини қўзларига пир деб биладилар. Яна “Алининг майдони” нақли ҳам

борки бу бутун мусулмом полвонлари аҳлиниңг рамзий адолат, халоллик, мардлик ва етуклик тимсоли бўлиб келган енгилмас саркарда Ҳазрат али номи билан боғлиқ. Энди курашнинг тили ҳақида. Манбаларда кўрсатилишича, ўтмишда бу вазифани қўл бажарган. Яъни, даврадаги полвонлар қўлини пастга тушириб, қарсак чалмагунга қадар ёقا ушланмаган. Бундай қарсакнинг тури иккита бўлган: биринчиси, кураш тушишдан олдин қарсак чалиш ва бу жанг ногораси дейилган, рақиб қарсак чалмагунга қадар курашни бошламаган, иккинчиси, кураш ўртасида қарсак чалишдир. Бу таслим нишонаси бўлиб енгилган томонсулх ва омонлик тилайди. Яъни, агар рақиб кураш ўтасида қарсак чалса, галабангни тан олдим, курашни тұхтатаман, сен ҳам қарсак чалиб. курашни тұхтатишинг мумкин, деган маънени билдиради.

Хуллас, миллий кураш – миллат қўрки, қиёфасидир. Негаки, кепг майдонда юртнинг, элнинг, Ватанинг донгдор полвонлари миллат номидан кураш тушади. Миллатнинг ориятиги, мардлиги, ботирлиги, енгилмас киёфаси ҳам кўп жиҳатдан полвонлар ҳаракатида намоён бўлади. Яъни, ҳаёт ҳақикати ката давралардаги мардона курашларда ўз ифодасини тонади. Шукроналар бўлсинким, ўзбек миллий кураши жаҳон майдонига чиқди. Бутун Дуне курашимизнинг нафислигини, мағтункоралигини тан олди. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, жасурлик, чалдастлик, олижаноблик, бағрикенглик ва чин маънсдаги поклик ва ҳалолликка асосланган азалий курашимиз эндиғина ката йулга чиқиб олди. Бундан кейин янаям шижаат Билан уз манзили томон дадил одимлашидан умидвормиз.

### Аҳмад Полвон

Бундан юз йил муқаддам ҳам ўзбек ўғлони Аҳмад полвон халқимизнинг анъанавий курашини жаҳонга танитганди. Бу ҳақда “Туркистон вилоятининг газети” узининг 1895 йил 28 июль сонида шундай ёзган эди:

Ушбу йилда Тошкент шаҳрида Россия даҳасида бир неча маротаба от ўйинлари ва ғайри томошалар барпо булиниб, хусусан мазкур томошо соҳиббар қилимоқнинг хотини таажжуб ўйинлари кўргазди. Чунончи мазкур қилимоқбар ўн беш газ келадурғон пай илон ишлаган ходани унинг кафтига олиб, мазкур хотунини Ушбу ходанинг устига чиқарди ва онинг ўзасида туруб чунон ғайри макр ўйинлар қилдиким, биз мусулмония халқи бул тариқа ўйинларни хеч вақт курганимиз йўқ. Ҳамма томошабиилар тахсин ва оғарин қилур эдилар. Хусусан, мазкур томошахонада немис жамоасидан Риппилномли бир паҳлавон бор эди, онинг қад-қсмати ва йуғонлиги ва қул-оёғининг катталиги алвақт ҳеч инсонда йўқ деса ҳам бўладур. Мазкур паҳлавоннинг вазни саккиз пуд ун, олти қадоқ экан. Уибӯ паҳлавоннинг куч ва қувватишул тариқа эдиким, саккиз пудлик бир чўяннинг икки қули билан озод кутариб турар эди ва ҳам икки кафтига ва олдига ва орқасига турт пудлик чўяндин ўн олти пудни кўйганда баҳузур кутариб турар эди ва ҳам мазкур паҳлавон орқаси билан етиб, қорнига бир таҳтани қўйиб, устига ўн олти пуд чўян ва етти ҳам саккиз адан солдатлар ўшал таҳтага чиқиб ўлтириса, беозор кутариб гуруб ҳеч бир писанд қилмас эди. Ушбу 23 июлда Тошкент шаҳрининг фуқаросидин Бешёғоч даҳалик Чакар маҳаллалик Аҳмад паҳлавон Топилбой ўғли 28 ёница мазкур немис паҳлавонига кураш тушмоққа талағор бўлубдур. Ушбуни мазкур Аҳмад паҳлавонга повестка арроба юбориб, ҳовлисидин чақириуб олиб, айтубдурким, сиз менинг илан кураш тушмоққа талағор бўлибсиз, агарда ростбулса мен шартнома қилиб, андин сунгра кураш тушарман. Шул шарт илан ким агарда қўл-оёғингиз шикаст топса ва ё қазо этиб ўлиб кетсангиз, ҳеч бир жантал ва даъвао қилмассиз дебди. Ва мазкур Аҳмад паҳлавон ушбуни эшишиб юажонидил қабул айлаб, даъфатан шу тариқа шартнома қилиб, онинг дафтариға қўл қўйибдурким агарда сенинг зарб дастингдин халок бўлсам менингхуним хидир бўлсин деб, ба алохир мазкур 23-куни бир икки от ўйинлар ва холабозлик ва симдорлар бўлғонидан сунгра икки паҳлавонлар

бир уйдан чиқиб кетдилар. Мазкур немис пахлавоннинг белида бир тасмадин белбоғ бор, либослари орастга ва қадди-қоматларини ҳамма халойиқлар кўриб либ афсус қиласидирларким, бул бечора Аҳмад пахлавон Ушбу ёшлик ва бул холат билан на тариқа маомила қиласидур деб тамоми халойиқлар қараб туриб эдилар ва мазкур Аҳмад пахлавоннинг устида оқ яктак икки бари гугулган ва бир даструмолни белига боғлаб мазкур пахлавон илан омонлашиб даъфатан машғул бўлдилар. Ва лекин мазкур немис пахлавон бе мархабо писанд қиласдан Аҳмад пахлавонни белидан иушлади ва мазкур Аҳмаднинг қули ул пахлавоннинг орқасидан белига етмай ва ушлайдурғон жой йуқлигидан иложсиз бўлиб икки буксасини гўштидан чангали илан мазбурт ушлаб хуб синиб турғон ҳолда мазкур немис пахлавон ҳаракат қилиб ва мазкур Аҳмад полвонни бир-икки зўр бериб олдига тортиб қаради ва мазкур Аҳмад пахлавонни эгиб ололмай турғон ҳолда мазкур Аҳмад пахлавон бир зўр илан олдига тортиб олиб, икки қулини кулуб қилиб якбор бир кутарди, гўёки неми спахлавон икки пуд тошдек онинг кукрагини чиқиб қолди ва мазкур Аҳмад пахлавон кўтариб туриб чунон урдиким, мазкур немис пахлавон гўёки ерга фари бўлғондек бўлиб, оҳиста туриб кетди ва шул мажлисда уч минг чамали Россия улуғлари ва мусулмония катталари ва яхудийлар ва ҳар тоифадан бор эдилар. Чунон қарс уриб чаввос бўлиб кетдики, оиласарнинг овози шаҳарнинг ичигача етди ва катта боянлар ва ғайри одамлар мазкур Аҳмад пахлавонга инъом қиласидилар. Ва шул вақтда мазкур от уйнинг матассадиси бошқа ўйинларни бошлаб юборди. Анарда беш мимнунт тавқиф қиласидан эҳтимоли бор эдиким, ушбу халойиқлар мазкур Аҳмад полвонга куб акчаларини берар эдилар. Ва онга фурсат бермай бошқа ўйинларни бошлаб соат 12 да тамом бўлди ва мазкур Аҳмад пахлавоннинг бул тариқа катта номдор саккиз пуд 16 қадоқ келган миқдори олтмиш пуд юкни кўтариб турадурғон машҳур ва маълум немис Риппил пахлавонни йигирма саккиз яшар Аҳмад пахлавон ҳеч бир писанд қиласидан мундан муқаддам

мазкур немис пахлавон шарт қилғон экан, агарда мени курашда ииқитсанг, эллик сүм ақча бераман деб. Мазкур пахлавон забун бұлғонидан сұнгра шартномасига номувоғиқ йигирма беш сүмни берибдур. Шул важдин мазкур Аҳмад пахлавонни бул тарика қилғон ишларидин халойиқтар изхор хұрсаңдик айдаб муборакбод этиб, мuloқат қилишадурлар ва ҳам мазкур немис Риппил ном пахлавон муқаддам Аҳмад пахлавон илан ошно бўлиб, ягон-ягона зиёфат қилиб юрур экан, ва лекин мазкур немис пахлавон ииқилгандан сұнгра Аҳмад пахлавон қадимги ошнам деб мuloқот қилмоқ учун борса, мазкур немис пахлавон асло ва қатъян Аҳмат полвонни юзита қарамай тескари турғон эмиш”.

## РУБОИЙЛАР

### Пахлавон Махмуд

Умримиз дарахтин паст қилма, рабби,  
Борлық шаробидин маст қилма, рабби,  
Узинг қарам бир-ла мард йигитларни  
Нокастларга зери даст қилма, рабби.  
Оlam фили қайтаролмас жүрёатимиз,  
Чархдан зурроқ қудратимиз-шавкатимиз,  
Гар чумоли кириб қолса сафимизга  
Шер этажак уни дархол давлатимиз.  
Ўзбекистон полвонлари  
Хур, баҳтиёр, гулгун элим,  
Юлдузларга етар қўлим,  
Тан олади етти иқлим,  
Ўзбекистон полвонлари,  
Мард, баҳодир ўғлонлари!  
Амир Темур аждодимиз,  
Мангуберди авлодимиз  
Алпомишлар зурёдимиз  
Ўзбекистон полвонлари

Мард, баходир ўғлонлари!  
Майдонларда билинар мард,  
Кузингизга кирмасин гард  
Соғлом танга йўламас дард,  
Ўзбекистон полвонлари

Мард, баходир ўғлонлари!  
Шоирлари пахлавондир,  
Ботирлари қаҳрамондир,  
Элу ҳалки бир жаҳондир,  
Ўзбекистон полвонлари,

Мард, баходир ўғлонлари!  
Дунё икки елкасида,  
Жанинат кулар ўлкасида,  
Булбул ўқир ишқ-қасида,  
Ўзбекистон полвонлари

Мард, баходир ўғлонлари!  
Юрагида қуёш яшар,  
Чин инсонга таҳт ярашар,  
Таъзим айлаб келар башар  
Ўзбекистон полвонлари,

Мард, баходир ўғлонлари!  
Куч қудратни ердан олар,  
Муҳаббатни элдан олар,  
Ўз юргига содик қолар,  
Ўзбекистон полвонлари,

Мард, баходир ўғлонлари!

### Полвонлар юрти

Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайди,  
Юлдузларга қараса гар полвон эмас.  
Йигитликни тўй кўрмаса, курашмаса?  
Кураш тушмай уттан даврининг даврон эмас.  
Қашқадарё – тоғу тошлиар, чуллар тенгсиз,  
Эй, қалбимнинг даралари, нечун берксиз?

Бошим узра ястанган, кенг, мовий, чексиз,  
Полвонларнинг юрагидир, осмон эмас.  
Фарзандлари ерни муштлаб туғилган ер,  
Мард йиқилса, кундан юлдуз ёғилган ер,  
Йигитларнинг курагини соғинган ер  
Танти мулқидир, шунчаки бир майдон эмас.  
Бу болалар ғуур бор деб олишади,  
Пул учун эмас, номус, ор деб олишади.  
Амир Темур хони бор деб олишади.  
Ори йўқлар ушбу элга үглон эмас.  
Алпомишдан мерос қолган жуссаларин  
Куриб дилдан кетгай бор-йуқ ғуссаларинг  
Сўйлаб юрар тогай мурод хиссаларин,  
Уйлари ҳам эдл қатори, кўргон эмас.  
Полвоилар ҳеч юлдузларга қарамайди,  
Қараганда, кўнгиллари осмон эмас.  
Менинг янглиғ уч-тўрт шеърга кул бўларди,  
Кул бўлганлар, билинг дустлар, полвон эмас.

### “Иш кўрсатсанг, менинг қўнглим тоғилар”

Сўзликларимизда шундай сузларимиз борки, уни қўзингдан ҳам олдин юрагинг куради. қулоғингдан аввол юрагинг эшигади. Сен бу сўзни айтиётib ҳам, эшитаётib ҳам жонинга, рухингга, томирларингдаги қонга тегишли эканини ҳис килиб турасан.

Кураш - биз ӯзбеклар учун ана шундай азиз сўз. Ёшроқ пайтларимда нимага “кураш” дейишса, юрагим “гуп-гуп”лаб, қоним қизиқишининг сабабини ӯзимнинг аждодларим билан боғлардим. Она тарафдан боболаримдан бири Холмон полвон бўлган экан. “Кураги ерга тегмаган”деган гап юракдан эл орасига бобомиз хақда. Уртанча тоғам тогам алпкелбат-генгдошларига сал тегажоклик қилиб кўл узатса; «Давра курагингда, Холмон полвоннинг изини босармидинг, адашиб ҳисобчиликка ўқиб қўйгансанда» деб қўйишиди. Бундан

ташқари, авлодимизда күлимининг феъл-авторимизда ўжарлик, бир сўзлилик, ваъдага маҳкамлик борки, шу сабаб биз “Холмон полвоннинг болалари-да” деган гапни кўп эшитамиз.

Аммо сал улғайиб, оқ қорани ажратиб бошлагач билдики, бизнинг миллатимизнинг тантгайи ўзи кураш билан кутарилганга ўхшайди. Энг ишончли далиллар – ҳалқ оғзаки ижодимизда-эртак, достонларда. қайси қаҳрамонлик ошиқлик қиссалари достонларини ўқигансиз, албатта, кураш эпизоди бор. Сулув қизлар ўзига ошиқ бўлган йигитларда курашда ютиш шартини қўяди. Ёки йигит девлар билан ё девлар йигит билан олишади. қайси майдонда ким ким билан савшга кирмасин, галаба ор-номус масаласи бўлиб янграйди. Бахшилар қадимда олишув лаҳзаларини куйлаганда уринларидан туриб жўшиб, бошқача бир ҳолатга кириб куйлаганлар. Сўзларнинг ўзи, куйнинг ўзи курашчига айланган.

Саваш бўлса, бул шубониб чиқсанга,  
Кураш бўлса, түқсон алпни йиқсанга  
Мен тегаман нор билакли полвонга,  
Шу сувини айтиб боргин тўрмага  
Бу бизнинг минг йиаллик фахримиз

“Алпомиш” достонидаги Ойбарчиннинг сўзи:  
Унинг дов сузини эшитган алпомишнинг  
Майдонга кирганни, сиёсатини эшитинг,  
Кутарилиб, қалмоқ, нима қиласан,  
Боғон бўлсан, қизил гули терайин,  
Хар на қисмат, ёзилганин кўрайин,  
Келгин, қалмоқ, бирга майдон қилайин

Барчиннинг беш шартидан бири-куриниб енгмоқ учун кўкалдош алп билан Алпомиш олишиб, тентма-тент келиб қоладилар. Шунда Барчиннинг қонида гайрат исёни бош кутарди,

Йиқолмасанг бизга бергін навбатни,  
Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати.  
Ушлаганда, құкка отмай не бүпти,  
Йиқолмасанг тұрам, навбат тилайин.  
Эркак лиbosини үзим кияйин.

Бу даъват, човаларни - бу жанговор олишувларни одам беэлтибор үқий олмайды. Дарров үша даврлар иштирокчисига айланади. Ана шундай лаҳзаларда кураш бизники, жуда каттық ҳис қиласы қалбинг. Ватанимизда шу йил баҳорда кураш бүйіча жаҳон чемпионати ўтказылған күнлари биз болалигимда үкіганәртак, достонлардаги түйнүларимизни чинаккамига бошдан кечирдик. Биз хам бутун ойламыз билан ойнайи жаҳон орқали мусобақаның ёпилишигача ҳар бир дақиқачини зүр қызықиши билан күрдик. Польвонларимизнинг “шу майдон бизники” дея құкрак керіб бехадек кириб келишларидан күнглиминиз осмонланды. Айниқса, “тизза букмай олишиш” үйиннинг шу қоидаси күнглиминизга чүкиб еттан минг йиллик түрүрни уйғотиб юборди. Ким тиз чүкмай майдонға киради ахир? Мардлар султони эмасми. Демак бу тиклик, тизза букишни помардлық деб билиш-бизнинг миллиатимиз сифати эканда. Ҳар қандай миллат учун муқаддас түёғулар қонун-қоида даражасига күтарилади. Кураш сүзир одамни тоx тарих, тоx келажакка, афсона-ю ҳақиқат манзилларға етаклаб кетаверади ва ҳар манзилда, ҳар бекатда, ҳар йүл бошида, албатта, үзимиз-никиларға рупара келаверамиз. Қай бир нұрли нұктададир үзимизнинг согинган, интизор булған сиғатимизни гопиб олаверамиз. Ва ҳозир хам маҳалланиң құм сепилған құлбола майдончаларида битта “ха-ха” билан ёқа яланғочлаб курашга тушаёттан үсмирларни күриб, “Кураш бизнинг гомирларимизда оқаёттан ҳаёт сувимиизда мавжуд” деган фикрга яна бир бор ишонч хосил қиласан, киши.

Иш күрсатсанг, менинг күнглим топилар, – дейди Барчиной Алпомиши майдонға кирғанда. Биз курашни қонимиз, жонимизга туташ ҳақ иноятини бутун жаҳон спорт аренаси-

мардлар пахлавонлар тимсолида турли ҳалқларни бирлаштирувчи восита булиб хизмат қилаёттанилигидан күнглиминиз тоғдай кутарилимоқда. Илоҳо, күнглиминизга кураш билан мардлик қайтсин! Биз яна қадимгидей тизза букмай яшайлик, ҳалсл курашайлик, мардлар елкасига чопон ташлайлик, йиқилганга қўл берайлик, шундагина кураш осуда фаровон ҳаёт кечиришимизга зўр бир дастак бўлади. Зоро, узбегим ҳарқачон тинчлик, мустақиллик, адолат ва фаровон ҳаёт ҳалқлар бирдамлик йўлида хизмат қилувчи пахлавон баходирларни абадий қадрлайди, тилларда достон қиласди.

Ёшларни жисмоний тарбиялаш системасида миллий курашнинг тутган ўрни.

Бизнинг мамлакатимизда жисмоний тарбия давлат ахамиятига молик иштир, чунки меҳнаткашларнинг саломатлиги, жисмоний тайёрлиги ижтимоий меҳнат унумдорлигига ва мамлакат мудофаа қобилиятига жиҳдий ва бевосита таъсир этади. Физкультура ва спорт меҳнаткашлар ва ёш авлоди ахлоқий ҳамда ғоявий-сиёсий тарбиялаш учун катта имкониятларга эга. Ёшларнинг маънавий ривожланиши маънавий бойлиқ, ахлоқий софлик ва жисмоний камолот билан характерланади.

Ёшларни маънавий баркамол қилиб етиўтириш учун жисмоний тарбия ходимлари шаҳар ва қишлоқда олиб бориладиган оммавий физкультура ва спорт ишларига эътиборни кучайтиришлари шаҳар ва қишлоқ ёшлари учун маъқул келадиган уларбоп спрорт турларини ривожлантиришлари, колхоз, совхоз ва район марказларида доимо спорт мусобақалари ўтказиб туришлари керак. Бизнинг ёшларимиз фақат ҳар томонлама маълумотли ва маънавий гузалгина эмас, балки соғлом чиниққан жисмоний бақувват булиши керак.

Физкультура аҳолининг кенг қатламлари ва айниқса болаларнинг кундалик ҳаётидан кенг ўрин олмоҳи керак. Мақтабларда олиб бориладиган оммавий жисмоний тарбия ишларини ривожлантиришга ота-оналар қатъий иштирок этишлари керак. Жисмоний тарбия ҳар бир оиласга кириб

бориши, эрталабки гимнастика машқлари, ҳаракатли ўйинлару ҳар бир оиласда, айниқса қишлоқ жойларда нормага айланиши зарур. Ёшларимиз фақат маълумотли бўлиб қолмай, маънавий гўзал, соғлом, чиникқан, жисмоний бақувват бўлиши зарур. Буларга спорт ҳаракатининг оммавийлиги барча ёшларни қамраб олган жисмоний тарбияни ривожлантириш уларнинг иродавий сифатларини чиниктириш, йигит вазифаларини жисмоний жиҳатдан меҳнат ва мудофаага тайёрлаш туфайли эришиш мумкин. Узбеклар, тожиклар уларнинг кўп асрлик тарихлари давомида узига хос жисмоний тарбияни барпо этдилар. Жумладан кураш, от спортининг хилма-хил турлари ва ҳарбий машқлар жангчиларни жангговор тайёртарлигини намойиш этиш миқсадида қулланилар эди. Бу спорт турлари жуда антиқа рангбаранг ва мураккаб техникаси билан ажралиб туради. Бу техника ҳозирги кунгача ўзининг жозибадорлиги билан барчани ром этиб келмоқда.

Кураш энг қадими, ҳаммабоп ва кенг тарқалган милий спорт турларидан биридир. Спортча кураш мактаби классик ва эркин кураш самбо ва дзюдонинг муваффақияти барчча итифоқдош республикаларда миллий кураш турлари, ўзбекча кураш, грузинча чидаоба, қрғизча курсе ва бошқаларнинг кенг ривожланганиги билан белгиланади. Миллий кураш турлари 40 дан ортиқдир. Ўзбекистонда классик ва эркин купаш, самбо, дзю-до, каратэ билан бир қаторда ўзбекча миллий кураш ҳам ривожланиб бормоқда. Турли област районлардаги анъанавий ҳалқ байрамлари ва спартакиадаларнинг программасига курашнинг киритилиши унинг ҳалқ орасида кенг тарқалганигидан далолат беради. Машғудотларни ташкил этиш ва уни ўтказиш жойлари жиҳозларнинг соддалиги туфайли ўзбекча миллий кураш мамлакатимизда ёшларни оммовий физкультура ва спорт ҳаракатига жалб қилишига ёрдам беради. Милий спорти турлари кенг ривожлантириш учун шароит мавжуд бўлган қишлоқ жойларда у айниқса қимматли бўлиши мумкин. Бизнинг республикамиз территориясида курашнинг икки тuri мавжуд були бу бухороча ва фарғона қоидалари билан

курашишдир. Бу ҳол программа материалида ҳам ўз аксини топган. Гарчи ягона спорт классификациясида спорт унвони бериш назарда тутилган бўлва ҳам миллий кураш машгулотларининг мақсади шуғулланувчилар физкультура ҳаракатига жалб қилиш ва спортча курашнинг олимпиада турлари классик ва эркин кураш, сабо ва дзю-до бўйича резерв тайёрлашдан иборат. Кураш мактаби дунёда етакчи ҳисобланади. Курашчи-спортчилари кўп марта олимпиада ўйинларининг жаҳон ва европа чемпионатлари, ҳалқаро мусобақалар галиби бўлишган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жисмоний тарбия программасига мувофиқ кўнгилли спорт жамиятлари секцияларида, жисмоний тарбия институтида ва педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факултетларида кураш машгулотлари олиб борилади. Бу ерларда кураш асосий предмет сифатида урганилади ва талабалар шу соҳада мутахассис булиб етишадилар. Мамлакатимизда миллий спорт гурлари ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган бўлиб улар бепоён Ватанимизнинг миллий республикалари, област ва ўлка меҳнаткашлари орасида кеңг ёйилган. Бунда ёш авлодининг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишига эътибор берилади.

Миллий спорт турлари алоҳида олганда ҳар бир ҳалқ миллий маданиятнинг ўзига хос элементлари сифатида эмас, балки физкультура ҳаракатининг ҳозирги вазифаларини ҳал қилишининг муҳим воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Спартақиадалар пайтида полвонларнинг куч синашганларини ҳамма курган бўлса керак. Ҳалқ юксак жисмоний белгиларга ва техник маҳоратга эга бўлган машҳур курашчиларни полвон деб атайдилар. Кураш барча тантаналарнинг доимий йўлдоши. Ўзбек ҳалқининг бу анъанаси ўтмишдан қолган мерос. Узоқ вақтлардан бери кураш тушувчилар яккама-якка беллашув натижасида кучлилик, тезлик, чидамлилик эпчиллики, яъни инсоннинг кундалик фаолияти, Ватан ҳимояси шунингдек юқори спорт натижаларига эришиш учун зурур булган жисмоний сифатларни ривожлантирадар эдилар. Ўзбекистонда миллий спорт курашининг ривожланиши қисқача баён

қилинади. Унда ўсмир ва ёшларни жисмоний тарбиялаш системасида курашнинг вазифалари, мазмуни, тутган ўрни ва ахамияти ёритилади, кўнгилли спорт жамияти, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари секцияларида ҳамда олий ўкув юртларида курашчиларга таълим-тарбия бериш воситалари, форма ва услубилари баён қилинади.

Курашчиларни умумий ва маҳсус жисмоний таёrlаш формалари, ҳаракатлар техникаси ва тактикаси асослари-назарий маънавий, иродавий ва психологик тайёргарлик масалалари, шунингдек кураш машғулотларини режалаштириш ва асосий ўкув хужжатлари тушунарли формаларида тавсифланади. Унда ўзбекча миллий курашнинг вазифаси аҳамияти тутганурни ва ривожланиш тарихини очиб берилган. Спорт машғулотиниг энг муҳим принциплари ва қонуниятлари биринчи марта баён қилинади, тренер раҳбарлигидаги кураш билан мустақил шуғулланувчиларнинг ижобий мустақил фаолияти учун топшириклар тавсия этилади. Мазкур ўкув-услубиик қўлланма Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган спортча курашнинг миллий турларини ривожлантиришга ҳамда шу спорт турлари бўйича тренер кадрлар тайёрлашга ёрдам беради. Қўлланмада курашчиларнинг жисмоний, техник, тактик судялик ва услубиик тайёргарлиги шунингдек олий ўкув юртларида ҳамда кўнгилли спорт жамиятлари секцияларда кураш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш услубиятига оид материал берилган. Иловаларда курашчиларнинг спорт тайёргарлигини режасилаштириш хужжатлари келтирилади, шунингдек кураш тушиш тўшагининг жиҳозланиши ва маҳсус инвертарлар курсатилади. Ўзбекистонда курашчилар таиёrlаш юзасидан орттирган 30 йилдан ортиқ иш тажрибаси ва экспериментал тадқиқотлар, узбек, тоҷик, туркман, қозоқ ва қирғиз адабиётини ҳалқ оғзаки ижоди қаҳрамонлик достонлари тарихий тадқиқотларини ўрганиш шунингдек, жисмоний тарбия назариясига оид материаллар ўкув қўлланмасига асос қилиб олинган. Шаҳар ҳамда қишлоқда оммавий физкультура ва спорт ишларига эътиборни кучайтиришни қишлоқ ёшлари

учун қўл келадиган турли хил спорт турларини ривожлантиришни колхоз, совхоз, район марказларида област миқёсида мунтазам спорт мусобақалари ўтказиб туришни ва бу ишни маданий-оқартув муассасаларнинг фаолияти билан чамбарчасп боғлаб олиб боришини талаб қиласди. Бутун мамлакат миқёсида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ўсмир ва ёшлиарнинг жисмоний тарбияси учун ҳамма шароитлар яратилган – жуда кўп сонли спорт иншоотлари, сув бассейнлари, ўйин майдончалари ва ҳоказолар қурилган. Чунки ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, уни меҳнат фаолиятига, Ватан ҳимоясига тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш хукуматимизнинг дикқат марказида бўлиб келган ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолади.

Кураш энг қадими, ҳаммабоп ва кенг тарқалган миллий спорт турларидан бири. Машғулотларни ташкилэтиш ва жиҳозланиши жойларининг соддалиги туфайли миллий кураш ёшлиарни мамлакагимиздаги оммавий физкультура ва спорт харакатига жалб қилишга ёрдам беради.

Республикамиз территориясида техник ва тактик усуллари жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки миллий кураш бор. Бу бўлиниш тарихан қарор топган бўлиб, территориал чегараларга эга. Чунончи, Бухоро қоидалари билан курашиш қорақалпоғистон, Бухоро, Хоразм, қашқадарё, Сурхандарё, Жиззах ва Самарқанд, Наманган, Андижон областларида эса фарғона қоидалари бўйича кураш тушилади. Миллий кураш бўйича шуғулланувчилар билан олиб бориладиган ўқув тренировка ва тарбиявий ишлар тажрибасини таҳлил қилиш ўсмир ва ёшлар билан ҳамда жисмоний тарбия институти студентлари ва педагогика олий ўқув юртининг жисмоний тарбия факултети талабалари билан ўтказилган машғулотлар услубитикаси ҳали етарлича ишилаб чиҳарилмаганлигини курсатади. Бундан ташқари тренер-педагоглар етарли миқдорда курашчи-спортчиларни тайёрлашга тааллуқли адабиётларга ва илмий асосланган принциплари ҳар томонлама жисмоний ривожланиш принциплари баён қилинган

адабиётларга эга эмаслар. Бунинг устига батъзан машгулотларда тренерларнинг асосий услубиик принципларини қўпол равишда бузишга йўл қўйишилари ҳам сир эмас. Бунинг натижасида соғломлаштириш ва ўсувчи мустаҳкамлаш ўрнига шуғулланувчиларнинг соғлигига жиҳдий путур етказилади.

Вақт-вақти билан миллий кураш бўйича Ўрта Осиё ва қозогистон биринчилиги ўтказиб турилади. Бунда ўзбек, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ спортчилари қатнашадилар. Кишиларимиз ўртасида миллий дўстликни пайванҷловчи восита бўлган бундай мусобақалар одатда ўрта осиё ҳалқарининг катта байрамига айланиб кетди. Мазкур қўлланма Ўрта Осиё ҳалқлари орасида миллий кураш турларини оммавий ривожлантириш ишига хизмат қиласи ҳамда курашнинг миллий турлари бўйича ўқитувчи ва тренер кадрлар тайёрлашга ёрдам беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

- И. Абдуллаев. Национальные виды спорта. Махачкала, 1962.
- Г.Ш. Абсалямов. Национальные виды спорта, М., 1962.
- И.И. Алиханов. Борьба вольная. М., 1956.
- М.А. Артамонов. Культура и искусство народов Средней Азии III до н.э. М., 1952.
- А.К. Атаев. Правила по национальной борьбе кураш. Бухара, 1977.
- А.К. Атаев. Пути повышения спортивного мастерства спортсменов республик Средней Азии и Казахстана. Т., 1965.
- А.К. Атаев. «Опыт применения специальных упражнений и элементов национальной борьбы на уроках физического воспитания в средней школе. Ереван, 1967.
- А.К. Атаев. Национальная спортивная борьба кураш в творчестве народных писателей. Т., 1967.
- А.К. Атаев. Программа по узбекской национальной борьбе кураш для факультетов физического воспитания и Узбекского института физической культуры. Т., 1968.
- А.К. Атаев. Узбекские народные игры. «Физическая культура в школе», М., 1969.
- А.К. Атаев. Организация и услугами проведения национальной борьбы кураш на спартакиадах и праздниках сельской молодежи. Т., 1969.
- А.К. Атаев. Узбекская национальная борьба кураш и перспективы ее развития. Ташкент-Самарканда, 1969.
- А.К. Атаев. Болаларни чақон, эпчил ва бақувват қилиб тарбиялаш. Т., 1981.
- А.К. Атаев. Некоторые вопросы услуги обучения и тренировки в борьбе кураш. Т., 1972.
- А.К. Атаев. Обучение в школе национальной борьбе кураш. Т., 1979.

А.К. Атаев. Значение исследования национальных видов спорта в подготовке учителей физического воспитания Узбекистана. Т., 1980.

Н.М. Галковский, В.З. Катулин. Физкультура и спорт. М., 1968.

А. Обидов. Узбек полвонлари. Т., 1979.

А.Ц. Пуни. О состоянии психической подготовки спортсмена к соревнованию. М., 1964.

Н.Н. Сорокин. Спортивная борьба. М., 1960.

Л.Б. Турин. Борьба и самбо. М., 1963.

В.И. Элашвили. «О народных средствах физического воспитания.//«Теория и практика физической культуры», М., 1957.

Босишга рұхсат этилди 20.12.05. Қоғоз бичими 60×84 1/16.  
Хажми 8,25 физ. б.т. Адади 200 нұсха. 28-05 рақамли  
206-сон буюртма.

«FAN VA TEKNOLOGIYALAR MARKAZINING  
BOSMAXONASI»да чоп этилди.  
Тошкент ш., Олмазор күчаси, 171-үй.